

АКМАЛ ПУЛАТ

КУЙЛАРИМ

Шеър, қўшик ва ҳажвиялар

Ташкент

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва саноат нашриёти.

1980

Пўлат, Акмал.

Қўйларим: Шеър, қўшиқ ва ҳажвиялар.— Т.: Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1980.— 336 б.

Кўлинигиздаги ушбу китоб қўшиқчи шоир Акмал Пўлатнинг энг сара асар-
ларидан ташкил топди.

Акмал Пўлат умрининг охиригача озод Ватан ва партия, фаровон турмуш,
бахт, меҳнат ва муҳаббатни тараним этган ижодкордир. Унинг қўшиқлари меҳнат
кишиларининг зафарли юришларida ҳамиша ҳамроҳ. Ҳажвий-юмористик шеър-
ларнда эса шоир турмушимиэда учраб турадиган баъзи иллатларни аёвсиз фош
қилади.

П 70403—230
М 352(04)—80 44—80 4702057020

Пулат, Акмал. Мои напевы. Стихи, песни, юмор.

ДАСТЁР ҚҰШИҚЛАР

Улуг Ватан урушининг даҳшатли кунларидан бири эди. Фарҳод ГЭС қурилиши қаҳрамонлари ҳақида шеърий хат ёзмоқ учун бир гуруҳ ёзувчилар канал участкаларида «илҳом қидириб» юрардик. Акмал Пўлатов ўз «землянка»сига меҳмонга чақирди. У, ўша қаттиқ кунлари бу катта инишотнинг партия ташкилоти раҳбарларидан бири эди. Биз унинг ҳузуринда худди жанг майдонларида сингари ер тагида, муздек «хона»да ўтириб омопатгина суҳбатлашардик. Ҳаёлимга нуқул фронт «землянка»лари, яқиндагина у томонларга бориб келган Ҳамид Олимжон гуруҳидаги ёзувчи, санъаткорларнинг ҳикоялари келаверарди. Ҳақиқатда ҳам у яшаб турган бу жойларнинг муҳити жанг майдонлари муҳитига, штабига ўхшаб кетарди. Ҳатто шиддат билан ишлаётган колхозчиларнинг, қурувчиларнинг руҳлари ҳам, дам-бадам кириб-чиқиб турган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам. Гўё уруш яқин-ўртада, ҳатто ташқарида бўлаётганга ўхшарди. Ҳамманинг руҳида, ҳаракатида урушни тезроқ даф қилиш, ватанини бу ашаддият балосидан қутқариб қолиш, жанг майдонларида жон олиб, жон берәётган фарзандларимизга мадад бериш ҳисси яшарди. Бу ҳолат Акмал ака ёзган дастурхонда ҳам, гапларимизда ҳам, ҳатто кулгиларимизда ҳам муҳайёэ эди. Акмал ака бу катта, фавқулодда қурилиши, Сталинград, Орёл-Курск, Москва, Ленинград остоналарида бораётган ҳаётмамот жангларининг бўлғуси аслача ўчоғи, деди ва буни ҳикоя қилиб берди. У шундай ҳикоя қиласидики, ҳақиқатан ҳам бу инишот тез битиши, тез ишга тушмоғи, тезлик билан фронтга мадад берәётган беҳисоб янги саноатларнинг қаторига кириши лозим эди. Бу қурилиш ҳам ана шу катта саноат ўчоқлари сингари урушнинг ниҳоясини қисқартириди. Бир маҳал у «землянка» қозигида осилиб турган дуторини олди-ю, жаранглатиб уриб кетди. Унинг чалаётган куйигинамас, энди унинг қиёфаси ҳам бизнинг машҳур баҳшиларимиз қиёфасига, куйлаётган онидаги ҳолатига ўхшаб кетди. У куй-

ламасди, аммо худди куйлагандай чаларди. Биз уни мароқ билан тингладик, унинг шундай шиддатли жойларда ҳам дутор билан юрганига ҳайрон қолдик. ӽаша куни мен «землянка»да қолдим. Биз узоқ тунлар суҳбатлашиб ўтирик, гап ахирин бориб қўшиққа уланди. У кутилмаганда Алексей Сурковнинг солдат ҳақиқати машҳур шеърини олди ён чўнтағидан, битталаб ўқиди ва бу қўшиқнинг фронтда солдатларнинг жанговар ҳаётига айқашиб кетганини, айни вақтда ҳар бир землянкада айтиладиган бўлиб қолганини, саҳарлаб жангга кирадиган ёки разведкага кетадиган жангчишнинг хиргойиси бўлиб қолганини айтиб, ҳавас билан гапириб қолди, шундай қўшиқ ёссанг киши, тилдан тушмаса, халқингининг керагига яраса, деб. Сурковнинг у шеъри ҳақиқатан ҳам ўша кунлари «Правда»да босилиб, ҳаммаёққа тарқалган, қўшиқ бўлиб кетган эди. Уни солдатлар землянкаларда, тепасидан ўхтин-ўхтин ўтиб турган ўқлар остида, гармон оҳангига қўшиб айтар, уйида ёлғиз қолган ёрини эслар, жанговар йўлларда адашиб қолган баҳтини ўйлар, эрта азон билан атакага борар экан, бу қўшиги балки охиргиси бўлар, ёри ҳақиқати, баҳти ҳақиқати хаёли ҳам балки охирги ўйлари бўлар, ҳалокат ёқаси икки қадам бу жойларда бу бир неча қаторгина шеър құдрати ҳар қандай қаҳри қаттиқ кишини ҳам хаёлга ботиради. У халқ қўшиқлари услубида ёзилган эди, унинг ватанпарварлик руҳига жуда ҳам мос келарди. Ҳатто бугунги энг яхши, дилбар қўшиқлар ўша машҳур қўшиқнинг руҳини, услубини эслатар, геологнинг тунги хаёлларида, қурувчининг аллақайларда қолган севгилиси хаёлида, тинчлик кунларимиз солдатининг икки энлик мактуб мисралари орасида...

Акмал Пўлат — шеъримизга қўшиқ билан кириб келиб, қўшиқ билан кетган шоир бу шеърни, совет шеъриятининг катта истеъодд өгаси бўлмиш Алексей Сурковнинг бу шеърини бекорга кўтариб юргаган эди. У бу шеърни шеъримизнинггинамас, қўшиғимизнинг ҳам мезони деб билган эди. «Мен,— деди,— қўшиқ ёзишга ўтирганимда мана шу шеърни столим устига ёйиб қўяман. Бу шеърнинг руҳи, бадиияти мени ҳар «балодан» сақлайдиган бўлиб қолди»,— деб кулди у, «ҳар балодан» сўзига ургу бериб. Ҳақиқатан ҳам шу шеър совет шеъриятининг баланд шеърларидан эди. Унга ишонса, унга суннса, уни мезон деб билса арзириди. Шонир хаёлида шундай онлар

бўлади, бирон шеър қаттиқ таъсир қилиб қолса, ундан кўп вақт узоқ кетолмай юради, у ҳатто унинг яхши шеърлар ёзишига сабаб ҳам бўлиб қолади.

Бу кечак Акмал ака суҳбатини ўзининг янги қораламасига олиб келиб тўхтатди. «Қурилишимизга Ҳалимахон келган,— деди,— анчамунча санъаткорлар бор у киши билан, эртага Деревацияда катта концерт беришади. Мен шунга жавобгар қилиб тайинланганман. Шу баҳона Ҳалимахонимга бир қўшиқ ёздим, қўлига тутмоқчи-ман...» Арабча ҳарфларда катта-катта қилиб ёзилган сатрларига кўв ташладим. Бирдан ҳаяжонланиб ўзи ўқиб кетди:

Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гулбоғлар,
Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч зоғлар,
Чидолмай душманим, фарёд уриб кўксини минг доғлар,
Суринг меҳнат сурурин чарчамасдан, дўстлар, ўртоқлар!

У ўқир экан, қулоғимга мисраларгинамас, куби ҳам кираёт-гандай эди. Чунки, у катта ашулализнинг мисраларини эслатарди. Шеърини охиригача ўқиб бўлиб, «хўш» дегандай менга қаради. Мен ҳам ҳар сафаргидай: «Яшанг, Акмал ака, боплабсиз!— дедим. Ҳақиқатан ҳам ўша кунларга жуда керак, мос шеър эди. «Ҳалимахон айтармикин»,— деди. «Айтади»,— дедим. «Нега бунча дадил жавоб беряпсан»,— деди. «Ҳалимахоним ҳам ана шундай долзарб шеърларни биладилар»,— дедим.

Оз кун ўтмай биз турган жойга телефон қоқиб қолди Акмал ака, жуда курсанд эди, «плайғамбар экансиз»,— деди телефонни жаранглатиб,— қўшиқ битди, бугун овқат маҳали ижро этилади, бутун қурилиш бўйлаб радиода эшиттирилади, эшитинг, агар вақтингиз бўлса, келинг, деди, биз ўша куни ишимиз битган, кетишимиш керак эди, боролмадим, аммо радиодан эшитдим. Уни Ҳалимахоним Фотима Борухова билан Фарғона катта ашулалари усулида ниҳоятда катта завқ билан айтарди. Бастакорнинг номини эшитдиму, англолмадим, нотаниш эди. Қейинча маълум бўлди, Муҳаммаджон Мирзаев экан. Муҳаммаджон Мирзаев бугун қўшиғимизнинг энг илғор ва талантли вакилларидан бири. У Акмал Пўлатнинг

талај қўшиқларига куй басталади ва у қўшиқлар тилларда мангу қолди.

Область партия ташкилотларида, республика матбуотларида, Катта Фарғона канали ва Фарҳод қурилишларида масъул вазифаларда юриб ҳам қўшиғини қўймади Акмал Пўлат, у ҳамиша ҳалқ ичидаги, қаҳрамонликлар иншоотларида, катта воқеалар ичидаги юриб, ўз қаҳрамонлари билан бирга ишлаб қўшиқ ёзди, унинг қўшиқлари ҳеч қачон осмондан олинмасди, албатта адреслик бўларди. Ҳатто лирикалари ҳам. «Гулчеҳра ёр», «Кўрган сари», «Ўйнаб-кулинг», «Тасаддуқман», «Ишқ китобин ким ёзган» ва «Ўргилай» қўшиқларигачали. Унинг лирик, дилбанд «Қандоқ қиласай, ой жамолинг кўролмасам, кўрганда ҳам меҳрим қониб тўёлмасам», «Чамапнларга нурин сочиб ой ботади, севганимни эслаб ҳар кун тонг отади...» сингари мисралари муаллиф кўрган ва ҳис қилган қаҳрамонларининг дардлари, муҳаббатлари эди. Яна бир қўшиғида шоир: «Дарёга тош отманглар, ботар кетар, колхозимиз берган ҳосил элга етар», дейди. Буни асли ҳалқ айтган, у иккинчи мисра «Узоққа қиз берманглар, олар-кетар»ни замонига мослади ва ўзига қайтариб беради. Акмал Пўлат ҳалқ қўшиқларининг энг яхшиларини, уларнинг асл мисраларини сақлаган ҳолда эскирганларини сайқалга соларди.

Совет қўшиқ жанри ҳамиша жанговар минтақада турган ва замонининг энг олдинги позицияларйда хизмат қилган. Ҳамза Ҳакимзода услубида ҳам, Тўхтасин Жалилов билан Собир Абдулла услубида ҳам, Миртемир билан Ашрафий услубида ҳам шу бор! У ҳеч қачон гражданлик ва социал машқдан четланганмас. Гражданлик, патрнотизм, гуманизм, олий инсонийлик мавзуи ҳамиша унинг асл мавзуи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолди. Акмал Пўлат буни яхши ҳис қиласай ва бу услубни асти пастга туширмасди. Ҳатто энг сўлим лирик қўшиқлар ёзганида ҳам! «Яша Шўро» услубидаги қўшиғида ҳам, «Тановар» услубидаги қўшиғида ҳам бу масъулнинг ҳамиша унинг қалби теранлигига бўлиб келган. У ҳақиқий коммунист қўшиқчи шоир эди, шундай бўлиб қолди. Унинг «Раҳмат советлар ҳалқига», «Чароғон Узбекистоним» қўшиқлари ана шундай юксак идеал қўшиқлари бўлиб қолдилар.

Акмал Пўлатнинг номи ҳаммага таниш. Аввало, у қўшиқчи шоир сифатида эл орасида маълум ва машҳур. 30-йилларда мат-

буютда кўрина бошлаган А. Пўлатнинг ҳозиргача 20 дан ортиқ қўшиқлар китоби нашр этилди.

У ижод билан бирга республикамизнинг кўпгина ирригация қурилишларида қурилиш бошлиғи, область, республика газета ва журнallарининг редактори, «Ўзбекфильм» киностудияси директори, Авторлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ агентлиги Узбекистон бўлимининг бошлиғи ва ниҳоят Узбекистон Ёзувчилар союзи бадий адабиётни пропаганда қилиш бюросининг директори лавозимларида узоқ йиллар меҳнат қилди.

Акмал Пўлатнинг узоқ йиллик самарали меҳнатларини партия ва ҳукуматимиз муносаб тақдирлаб, уни бир қанча орден ва медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади. Шоирга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвон берилди. Акмал Пўлат қатор китоблари, саноқсиз қанотли қўшиқлари билан халқимиз дилида мангу яшайди.

Туроб Тўла
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.

Улуғ Ватанда ҳамма шод, қувноқ,
Эркин меҳнатдан ободдир ҳар ёқ.
Ильич чироғи ҳамиша порлоқ,
Гуллар тўшалган водийларингда.

Нурин сочмоқда бошингга қуёш,
Ҳар дамда сенга зафарлар йўлдош.
Озод халқларинг дўсту ёр, қардош —
Қўшиққа тўлган водийларингда.

ЎЛҚАМ БАЁТИ

ҚУШИҚ АЙТАИЛИК

Қани, даврамизга қўшилинг, дўстлар,
Бахтимиз ҳақида қўшиқ айтайлик.
Жонажон Ватанга соф севгимизни,
Қувноқ куйимизга қўшиб айтайлик!

Яллалар янграсин, дил жарангласин,
Ҳавони тўлдириб куйласин қизлар.
Минг хил мақом билан кабутар каби
Чарх уриб, айлануб, ўйнасин қизлар!

Қўшиқсиз яшамоқ ярашмас зинҳор,
Қўшиқдан бошланар ҳаётнинг боши.
Қўшиқ-ла чўлларга бахт этдик чирой,
Қўшиқдан эригай тогларнинг тоши.

Қани, даврамизга қўшилинг, дўстлар,
Бахтимиз ҳақида қўшиқ айтайлик.
Акмал дер, Ватанга соф севгимизни,
Қувноқ куйимизга қўшиб айтайлик!

ОКТЯБРГА ШАРАФЛАР

Қенг жаҳонга нур сочган,
Саодатга йўл очган,
Қуллик кишанин янчган
Октябрга шарафлар!

Номи улуғ инқилоб,
Бошимизда офтоб,
Тарихи машҳур китоб,
Октябрга шарафлар!

Ойдек равшан йўлимиз,
Қўкка етар қўлимиз,
Бўстон бўлди чўлимиз,
Октябрга шарафлар!

Мусаффо осмонимиз,
Янгроқ қўшиқ, созимиз,
Қувноқ қишу ёзимиз,
Октябрга шарафлар!

Партиямиз байроқдор,
Ҳар ишда бўлдик илфор,
Ёвни қилдик тор-мор,
Октябрга шарафлар!

Қенг жаҳонга нур сочган
Саодатга йўл очган,
Акмалинг иқбол қучган,
Октябрга шарафлар!

УШБУ КУН

Лола гуллар барқ уриб боғ ичра хандон ушбу кун,
Чеҳралар гулгун очилган, шўх хиромон ушбу кун.
Сайрамоқда боғ аро булбул кулиб шўх куйларин,
Нур сочиб қилди Ватанни моҳитобон ушбу кун.

Қиз-йигитлар гул Ватан қўйнида шод қулмоқдалар,
Бу ажойиб давримизнинг нашъасин сурмоқдалар.
Кун сайин янги ютуқ завқига хўп тўлмоқдалар,
Нур сочиб қилди Ватанни моҳитобон ушбу кун.

Бахт гули боғлар аро хуш бўйларни тарқатгуси,
Ушбу гуллар нусха олган эрка қиз шўх қулгуси.
Мақтовин куйлар чоғи булбул наво шод қилгуси,
Акмалинг ёзди ғазал боғ ичра хандон ушбу кун.

БАХТ ЯЛЛАСИ

Тўлдириб юртимни доим янграсин шўх яллалар,
Мунчалар ҳам дилрабо жонон фасл, соз паллалар.
Дўстлар, айтинг, жаҳонда борми шундай гул диёр,
Ҳар қадамда янги бўстон эл дилини аллалар.

Бахтиёrlар ўлкаси бу — яирашинг, ўйнанг, кулинг,
Булбулигё бўлиб, хўп сайрашинг, қувнанг, кулинг.
Тер тўкиб сизлар шу юртда бунданам баҳтли бўлинг,
Ҳар қадамда янги бўстон, эл дилини аллалар.

Шонли устоз партия ҳар ишда бизга раҳнамо,
Акмалинг куйлар сени жону дилидан доимо,
Давримизнинг қудратига кенг қучоқ очди фазо,
Ҳар қадамда янги бўстон эл дилини аллалар.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Совет Шарқида яшна, мангу озод Ўзбекистоним,
Жасорат, қудратинг зўр, гулла, обод Ўзбекистоним.
Улуғ шонли Ватанда, барча қардошлар қаторида —
Сенинг халқинг саодат топди, дил шод, Ўзбекистоним.

Гўзалсан, мўътабарсан, баҳту давлат бирла ҳамдамсан,
Чароғон Москва янглиғ ажойиб, шонли, кўркамсан,
Менинг севган она-юртим, сен ўн беш дўст-ла бирдамсан,
Баҳодир пахтакорсан, яшна, обод Ўзбекистоним.

Қутулгансан кишанли жоҳилу хор — эски оламдан,
Ҳамиша улфатинг шодлик, узоқсан кулфату ғамдан,
Жаҳонда борми баҳтли бу Ватанда ўсган одамдан,
Советлар юртисан, шодсан умрбод, Ўзбекистоним.

Мададкор бўлди рус халқи, ҳамиша баҳтиёр бўлдинг,
Шу бепоён Ватанда шону шуҳратларга ёр бўлдинг,
Ажойиб нозу неъматларга тўлган гул диёр бўлдинг,
Шу Акмал баҳтига кам бўлма, обод Ўзбекистоним.

ҲАЁТ ЗАВҚИ

Ватан кезиб юрмоқдаман,
Созу суҳбат қурмоқдаман.
Зарра ғам йўқ юрагимда,
Ҳаёт завқин сурмоқдаман.

Дўст дилига дилим пайванд,
Давронимдан ҳамма хурсанд,
Яхши ният доим бизда,
Турмуш баҳтли, шакару қанд.

Яшнамоқда тўрт фаслимиз,
Мард, баҳодир, пок наслимиз.
Баҳор ўйнар чаманимда,
Шер боласи — шер аслимиз.

Бизга ётдир ҳасрат-фигон,
Меҳнат билан шуҳрату шон.
Еру дўстлар ҳар ёнимда,
Зафарлардан кўнглим шодон.

Шоирларда қайнар илҳом,
Ватан мадҳи дилга ором.
Халқим яшар гулёrimда,
Акмалдан кўп сизга салом.

ҚАҲРАМОН БҮЛДИ

Элимда барча халқлар қон-қариндош, хўб замон бўлди.
Ҳамма миллат жигардек бир-бирига меҳрибон бўлди,
Жасорат кўрсатиб меҳнатда, номи қаҳрамон бўлди,
Қурашларда чиниқди, зўр тарихи осмон бўлди,
Жаҳон тинчлик йўлида чин забардаст пособон бўлди.

Яшаймиз шоду хуррам баҳт тўла энг яхши давронда,
Букилмас шер каби бардам, ҷароғон боғу бўстонда,
Улуғвор режалар тўйғуси чандон ишчи-дехқонда,
Жўшар денгиз каби ғайрат ва ижод катта майдонда,
Элимда барча халқлар қон-қариндош хўб замон бўлди.

Қуёшдек нур сочар оламга юртим ҳар минут, ҳар чоқ,
Поёнсиз кенг чаманларда оқ олтин ҳосили зўр тоғ,
Қақир чўлларда унди тоабад кўм-кўк, яшил гулбоғ,
Ватанда Акмалингиз кўнгли доим хурсанду хушchoқ,
Ҳамма миллат жигардек, бир-бирига меҳрибон бўлди.

ТАНИШ

Гул диёрим шуҳрати
Ер била осмонга таниш.
Таърифи минг хил китоб,
Энг яхши достонга таниш.
Ойга қўнган бургутим,
Ул юлдузистонга таниш.
Шер йигит, мардона қизлар,
Янги бўстонга таниш.
Катта «жанг» бошланди ҳозир
Марказий Фарғонада.
Бўлмаган бундай жасорат
Ҳеч қадим афсонада.
Қаҳрамон халиқ наъра тортиб,
Чўлни қилди тору мор.
Пахтазору янги боғ,
Гулзор, гулистонга таниш.
Марказий Фарғона энди
Жумла жаҳонга таниш.

М Е Х Р

Дўстлар сўрашади:— Кездинг кўп элни,
Мулки Ҳинд, Турк, Эрон, Миср, Юнон,
Хельсинки, Парижу ҳам Брюсселни,
Хўш, айт-чи, қайсиси гўзалдир чунон?

Билингиз, дўстларим, қалбим амрини,
Чертиб дил торини бераман жавоб:
— Хорижий элларнинг кўрдим барини,
Улар учқун бўлса, Ватаним — офтоб.

Ўзга ўлкаларда жуда кўп юрдим,
Мафтун этолмади ўзга эл сеҳри.
Ҳа, Акмал, согиниб, қўмсадим юртим,
Баридан иссиқдир Ватаним меҳри!

ЎЗБЕКИСТОНГА ҚЕЛИНГ

Мангу озод, ҳур диёр бу, боғи бўстонга келинг,
Қон, завод, ГЭСлар макони илму урфонга келинг.
Халқи ботир, таърифи зўр, катта достонга келинг,
Қон-қариндош, ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг!

Ҳуснидир обод элимнинг Андижон, Фарғонаси,
Водийлардан водийларга ялласи, шодёнаси.
Осмонда баҳт қуёши ёз бўйи парвонаси,
Қон-қариндош, ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг!

Шарққа машъал Ўзбекистон, халқи доно пахтакор,
Унга бўлган меҳримизнинг зарраси дунёча бор.
Москва нури билан бу элда доим гулбаҳор,
Акмалинг дер:— Ёру дўстлар, Ўзбекистонга келинг!

ҚҰШИҒИМДА

Бахту қувноқ замонни,
Шодлик, кулги, хандонни,
Зафар тұла давронни
Күйлайман құшиғимда.

Улуг шонли Ватанни,
Нурли, обод чаманни,
Билим, маърифат, фанни
Сўйлайман қўшиғимда.

Мустаҳкам дўстликни ҳам,
Бузилмас бирликни ҳам,
Халқимда мардликни ҳам
Қутлайман қўшиғимда.

Чўлни обод этганни,
Чўққилярга етганни,
Ростин, ҳалол айтганни
Мақтайман қўшиғимда.

Олтин қўлли пахтакор,
Туганмас зўр қучинг бор,
Меҳнатда доим илфор
Сақлайман қўшиғимда.

Партиямиз жонажон,
Халқа чексиз меҳрибон,
Олқишлиар уни замон,
Қўллайман қўшиғимда.

Халқым қандай валломат,
Мехр, вафо, мұҳаббат,
Әл-юртимга садоқат
Асрайман құшиғимда.

Ұлкамда мангу баҳор,
Севинч, қувонч ҳар наҳор,
Ақмал унутмас зинҳор,
Күйлайман құшиғимда.

ГУЛИСТОНЛАР АРО

Лола гуллар барқ уриб очилди бўстонлар аро,
Сайрамоқда завқ ила булбул гулиstonлар аро,
Ҳур яшар халқим менинг бу даври давронлар аро,
Довруғи, шони юрар энг яхши достонлар аро.

Бахтимиз душманлари албатта бўлғай тор-мор,
Ер билан яксон ва шу дунёда охир шармисор.
Юртимиз кўрмас хазонлик, яшнагай мисли баҳор,
Мангудир тинч ҳур ҳаёт бу боғу бўстонлар аро.

Бахт Ватан осмонида гўёки бир сўнмас қуёш,
Шу қуёшдан баҳраманддир бу чаманда кекса-ёш,
Ҳамламиздан гулга айланди биёбон, тоғу тош,
Халқимиз топди камол, қардош-қадрдонлар аро.

Партия йўл бошлади, бўлди ҷароғон бу Ватан,
Меҳнату ғайрат билан бўлди фаровон бу Ватан,
Акмалинг куйлар ҳамиша, даври даврон бу Ватан,
Ҳур яшар, озод яшар инсон бу бўстонлар аро.

ТУРНАЛАР

Кўкда учган турналар, эшитинг овозимни,
Юлдузлардан сўрангиз самода парвозимни.

Ватанимнинг шуҳратин кўринг еру осмонда,
Шундай ўлка бормикин, айтинг, ҳеч бу жаҳонда.

Дермидим деганларим бўлмаса гар ҳақиқат,
Дунё кезиб юрибсиз, ростини айтинг фақат.

Ер, осмонни ёритгай коммунизм қуёши,
Қанча-қанча дўст эллар совет халқин йўлдоши.

Зафар устига зафар қувонтирас үлкамни,
Қайдан ҳам топулурсиз бу ўлгадан кўркамни!

Бу диёрда ғам нима — билмас меҳнаткаш инсон,
Инсонларга ҳамиша партиямиз мөхрибон.

Ақмал қўшиқ ёзади халқ учун, Ватан учун,
Оlamни мафтун этган ҳур, обод чаман учун.

Кўкда учган турналар, эшитинг овозимни,
Юлдузлардан сўрангиз самода парвозимни.

МИЛЛИОНЛАР ОВОЗИ

Чексиз завққа тұлдим яна шонли съезд кунлари,
Хаёлимда жүшқин йиллар кундуз, ҳатто тунлари.

Чүққиларни босиб үтдик, сиғмайды ҳеч таърифга,
Зафарлардан зафарга деб ёздик олтин тарихга.

Күч-қудратга тұлди чуонон жондан азиз ҳур диёр,
Ҳур диёрим қучогида халқлар тинчу баҳтиёр.

Дилимизда баҳор ўйнар, баҳор ўйнар чаманда,
Тұты, булбул хушнуд сайрап бизнинг севган Ватанда.

Тинчлик учун курашдик биз, йўқолсин, деб урушни,
Кенг дунёда бошлаб бердик тинчлик учун юриши.

Миллион-миллион қўлда баланд доҳий Ленин байробги,
Қуёш каби нур сочмоқда ўлкамизнинг ҳар ёғи.

Минг-минг яша, омон бўлгин шонли улуғ партиям,
Акмал дейди, сенга доим юракдаги мадҳиям.

Чексиз завққа тұлдим яна шонли съезд кунлари,
Хаёлимда жүшқин йиллар кундуз, ҳатто тунлари.

УЛУФВОР КУНЛАР ҚУШИФИ

Кунлар ҳаётимиз каби мазмундор,
Кувноқ оҳангига инсон завқи бор.
Ҳар бир дам ғалаба, зафарга тўлиқ,
Партиямга қуллуқ, минг қуллуқ!
Қуллуқ, диллардаги ҳаяжон учун,
Қуллуқ, тиллардаги шўх достон учун,
Мангу баҳор учун, сўлим ёз учун!
Дугор-танбур учун, турмуш соз учун!
Қуллуқ дейман, қўлим кўксимда мудом.
Ҳаётим, меҳнатим қилгумдир инъом.
Сирдарё тонгининг алангасида,
Мардлик, жасоратнинг жаранг сасида —
Оташин ёшликда, совумас қонда,
Чўл юзини очган боғу бўстонда,
Боболар ниятин розини кўрдим,
Бахтнинг мазмуни-ю ғозини кўрдим.
Дўстлар, тингланг шоир қалбин назмини,
Шеърига сингдирган замон азмини,
Замонки, саодат, зафарга тўлиқ,
Замонки, ҳар йили бахтимдай бўлиқ!
Ииллар пиллапоя манзил йўлида,
Ииллар сайқал олур инсон қўлидан.
Бахтдан қанот боғлаб учган йиллар бу,
Ҳар зуми саодат қучган йиллар бу,
Ҳар нафас, ҳар дами — бир лавҳа эрур,
Ҳар лаҳза зафарга сарлавҳа эрур!
Оппоқ пахтамизнинг ипак толаси,
Дўстларга армуғон дуру донаси.
Унда гўзал Сирнинг тиллоси бордир.
Унда хонатласнинг жилоси бордир.

Пахтадан қирларга ёпдик поендоz.
Шоир, чўл мардларин куйла, қайнаб ёз!
Меҳнатда етишди ажойиб шерлар,
Ажойиб шерларга тасанио дерлар.
Инобат, Қенжагул, Роза, Оппоғой,
Меҳнат қучоғида юз очган чирой.
Қувондиқ, Насибжон, машҳур Жавод ҳам,
Валентин сингари меҳнатда шахдам.
Бугун ғолибларга, дўстлар, балли денг,
Забардаст ишлари юз достонга teng.
Саҳро ободликдан ажиб ранг олди,
Инсон шуҳрати-ла чўллар йўқолди.
Партия, баҳт учун қуллуқ, минг қуллуқ,
Ақмал дер, замоннинг ҳар дами улуғ!

ВАТАН ИШҚИ

Юракдан севаман сени, Ватаним,
Онадек азизсан обод чаманим.
Халқларга тинчликдир қатъий шиоринг,
Шунинг-чун хазонсиз боғу баҳоринг.

Ҳар қанча мақташга лойиқ давронсан,
Бахт-иқбол, севинчга улуғ маконсан.
Фашистлар бошингга солди кўп савдо,
Одамхўр, босқинчи, сурбет, беҳаё.

Майдонда қизиди Ватан уруши,
Дунёга фош бўлди ёвлар қилмиши.
Гитлер солмоқчиди сени қулликка,
Ғам-алам, мусибат, очлик, йўқликка.

Ўт қўйди шаҳар ҳам қишлоқларингга,
Бўридек ташланди аймоқларингта.
Сичқонлар ўйнашмоқ бўлди шер билан,
Дунёга нур сочган асл эр билан.

Жангларда кўтардик номингни кўкка,
Бир киши тушмади душманнга чўкка.
Оловли йилларда тобландик яна,
Тарихдан ўчмайди бу шонли сана.

Аъло бўлди жангда катта имтиҳон,
Советлар диёри оламга достон.
Тўхтовсиз жанг билан Берлинга бордик,
Халқларни зулмдан мангу қутқардик.

Рейхстагга тикдик зафар байроғин,
Порлатдик яна ҳам элнинг чироғин.
Онадек азизсан, обод чамансан,
Акмалга камолот берган Ватансан.

ҮЛКАМ БАЕТИ

Элимда тўй-тамошолар сенинг азми ҳалолингдан,
Яшармиз давру давронда олиб қувват камолингдан.

Бутун олам севар жондан сени эй, меҳрибон ўлкам,
Муҳаббат ҳам садоқатда жаранг берган мақолингдан.

Жасорат, ғайратингдан кўкка етди пахта хирмонлар,
Ҳамма мафтун сенга доим нурафшон гул жамолингдан.

Зафарлар боиси албат шарафли, шонли меҳнатдир,
Неча халқ баҳраманд боғингдан оққан тоза болингдан.

Ёзар Акмал қўшиқ доим Ватанг жон фидо айлаб,
Бутун халқи каби хушнуд, қониб меҳру висолингдан.

Д А В Р И М И З

Барча халқлар қон-қариндош,
Унга сарбон давримиз.
Чўлда гул унди бугун,
Гулшанда чандон давримиз.
Давримизнинг бойлигига
Тўй-томушалар гувоҳ.
Меҳнату ижод билан
Оlamга достон давримиз.

* *
*

Давр бизнинг давримиз,
Даврон бизнинг давронимиз.
Шу азиз, шонли Ватанда
Зарра йўқ армонимиз.
Кенг ва чексиз илму фан
Ҳам маърифат майдонимиз.
Завқли ялла, шўх қўшиқ,
Хушнуд ғазалхон давримиз.

* *
*

Таърифинг дилларга сигмас
Гул диёримсан ўзинг.
Бахту иқболим, ғурурим,
Куч-мадоримсан ўзинг.

Қенг жаҳонга бергусиз
Зўр ифтихоримсан ўзинг.
Акмал айтар, боғу роғ,
Сўнмас гулистон давримиз.

БҮСТОНИМГА ЯРАША

Аъло меҳнат донг таратсин давронимга яраша,
Чаманзорлар атрин сочсин бўстонимга яраша.

Юрагимда мавж уради ҳур Ватанга пок меҳрим,
Нур устига нур ёғмоқда достонимга яраша.

Бахтли, қувноқ давронимиз — давронларнинг даврони,
Лочинларим парвоз қилас осмонимга яраша.

Улуғвордир янги режа, янги юксак мэрралар,
Катта хирмон кўтарамиз карвонимга яраша.

Қенг жаҳонни ёритмоқда Октябрнинг қуёши,
Ватанимда мангу тинчлик паймонимга яраша.

Мустаҳкамдир бу қардошлиқ ҳалқлар аро ҳамиша,
Порлаб боқар истиқболим жавлонимга яраша.

Акмал сизга ёзар қўшиқ тоғ кўтарган Фарҳодлар,
Шер мисоли олға юринг замонимга яраша.

ЧАМАНЯЛЛА

Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширин бизнинг палла.

Ҳамма дилдан меҳр қўйган диёrimга,
Қон-қардошлар жўр бўлади гулёrimга.

Гулёrimning туб маъноси саодатdir,
Ҳалол меҳнат мард халқимга чин одатdir.

Фароғатда яшар халқим меҳнат билан,
Қамол тоғдик, эллар аро иззат билан.

Давроннимиз нур сочмоқда юлдузсимон,
Гул диёrim чин мардларга бўлди макон.

Шуҳратимиз жаҳон қезар, ер-осмонда,
Она-Ватан муҳаббати нок вижонда.

Акмал қуйлар доим дўстлик шиорини,
Дилдан қўймас асло тинчлик қарорини.

Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширин бизнинг палла.

КУИЛАЙМАН

Улуг, шонли, қаҳрамон,
Сенга қойил кенг жаҳон.
Мақтасам арзир чунон,
Жасоратли Ватаним.

Қатъий дўстлик қароринг,
Мангу тинчлик шиоринг.
Яшнаган боғу роғинг,
Саодатли Ватаним.

Бахт-иқболинг доим ёр,
Қўйнингда ўйнар баҳор.
Қўшиғинг ялла, гулёр,
Шарофатли Ватаним.

Кенг багринг гўзал, обод.
Нур сочмоқда ҳур ҳаёт,
Халқим сендан хуррам, шод,
Фароғатли Ватаним.

Пахта, кўмир, нефть кони.
Мардларнинг чин макони.
Қатта олтин карвони,
Саховатли Ватаним.

Таърифинг куйлар Акмал,
Дилдан жўшиб ҳар маҳал.
Беш йилликлар бўлар ҳал,
Шарофатли Ватаним.

КИШИЛИК БИР БОҒ БУЛСА,,

Қишилик бир боғ бўлса, боғбонидир партиям,
Меҳнат аҳлининг қалби, виждонидир партиям,
Фахридир, ишончидир, достонидир партиям,
Озодлик гулшанларин посбонидир партиям.

У түғилган кунданоқ ҳалқларнинг кекса-ёши
Ном қўйиб куйладилар: «Башарият Қуёши».
Коммунизм асрига парчамиз йўлбошли,
Мазлум ҳалқлар орзуси — армонидир партиям.

У бор экан, дунёда ҳақлик бўлур барқарор,
Қурашларда чиниқмоқ бизнинг улуғ ифтихор.
Инсон яшаб-яшинашда барқ уриб мисли баҳор,
Юксалиш кунларининг имконидир партиям.

Партия номи билан чўллар бўлур боғу роғ,
Биз яратган боғларда сайрай олмас бирон зоғ,
Ватан истиқболига ҳамишалик бўлсин соғ —
Меҳнат аҳлининг қалби, виждонидир партиям.

ШОНЛИ ПАРТИЯМ

Севикли партия, шоним-шуҳратим,
Сен борсан — яшнайди бу азиз диёр.
Сен менинг йўлбошчим, қалбим, қудратим,
Сен борсан, ҳамма тинч, ҳамма баҳтиёр.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Ўзинг имонимиз, ўзингсан устоз,
Ўзинг бор — халқ шоду юрт дориламон.
Йўл очдинг фазога, биз қилдик парвоз,
Советлар юртига қойилдири жаҳон.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Сени дер Ватаннинг кекса ва ёши,
Саҳроларда бўстон яратдик янги.
Ўзинг йўлчи, ўзинг йўлларнинг боши,
Кенг жаҳонга довруқ таратдик янги.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Покиза диллардан ҳайқириб учар
Халқлар тинчлигини куйлаган овоз.
Сафимиз урушнинг йўлини тўсар,
Тинчлик таронасин чалар жаранг соз.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик, ўзингдан олиб тарбия.

Севикли партия, шоним-шуҳратим,
Сен борсан, яшнайди бу азиз диёр.
Сен менинг йўлбошчим, қалбим, қудратим,
Сен билан ҳамма тинч, ҳамма баҳтиёр.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улгайдик, ўзингдан олиб тарбия.

ЛЕНИННИ ҚУЙЛАЙМАН

Улұғ Ленин — шараф-шоним, устозим,
Фазоларни қучиб ўтди парвозим.
Хақиқатни завқта тұлиб күйлайман,
Кенг жаҳонда жаранглайди овозим.

Коммунизм ижодкори Ленинdir,
Бахтимизнинг гул-баҳори Ленинdir.
Ҳар нафасда деймиз унга ташаккур,
Халқимизнинг ифтихори Ленинdir.

Партиямиз кўрсатди баҳт йўлини,
Баланд қилди меҳнаткаш халқ қўлини.
Эртакда ҳам топилмайди бу диёр,
Бўстон қилдик қадим Мирзачўлини.

Парваришда гул бўлди ҳар ёғимиз,
Сенсан дилда қувончу ардоғимиз,
Сен яшайсан токи ҳаёт бор экан,
Мангу порлар муқаддас байроғимиз.

МУҚАДДАС КИТОБ

Коммунистик партия, ўзинг раҳнамо,
Халқларга бахт берган ҳаётбахш офтоб.
Сен билан ғолибмиз ишда доимо,
Таълиминг бизларга муқаддас китоб.

Сен билан очилди осмон сирлари,
Чўлларга жон бердик, шаҳарлар кўркам.
Кемалар учдилар юлдузлар сари,
Боғлар кўкатиридик, мисоли қўклам.

Умримиз азиздир, яшнади диёр,
Яшнаган диёргинг баҳти сарфароз.
Халқлар тотувликда, қардош, баҳтиёр,
Доно йўлбошчимиз, ўзингсан устоз.

Коммунистик партия, улуғ раҳнамо,
Ўзингсан халқларга мисоли офтоб.
Сен билан ғолибмиз ишда доимо,
Таълиминг бизларга муқаддас китоб.

УЛУФ ОКТЯБРЬ

Минг яша, жонажон, Улуф Октябрь,
Ҳар кунинг зафарга тўлиқ, Октябрь.

Октябрь қутқазди ҳалқни зулматдан,
Мусибат, ғам-алам, қайғу, кулфатдан.

Қуллик кишанларин парчалаб, уздиқ,
Дунёда энг гўзал, ҳур ҳаёт туздик.

Сен туфайли йўқолди амирлар, хонлар,
Ватанда бошланди янги давронлар.

Коммунизм сари бормоқда инсон,
Юртимга қойилдир жумлаи жаҳон.

Олтмиш баҳор кўрди азamat ёшинг,
Ҳамиша баҳт-иқбол, шараф йўлдошинг.

Дўстликдир юракда мангу шиоринг,
Бу йўлда қатъийдир аҳду қароринг.

Акмал куйлар доим сенинг мадҳингни,
Нурафшон ҳур ҳаёт, мангу баҳтингни.

ДАВРОН ҚҰШИҒИ

Юртимизда күп, жаранг түй мавсуми,
Авжида ялла-құшиқ, күй мавсуми,
Довруғи оламга машҳур гул диёр,
Боғлари сочгай атиր, бүй мавсуми.

Мавсуми мавсумлар ичра шуъладор,
Шодиёна кулги, қаҳ-қаҳ қанча бор,
Түйга келгай барча қардош, дүсту ёр,
Дүсту ёр меҳнатда ҳам мардонавор.

Гул әлимда ҳар куни янги зафар,
Тоғ каби улкан зафардир ҳар сафар,
Акмал, кўкка кўттар ботирларинг,
Ҳар нафас янги зафардан бер хабар.

БЎСТОН ДИЁРИМ

(Мадҳия)

Ям-яшилсан, фусункорсан бўстон диёrim,
Измингдадир ҳам тақдириM, ҳам ихтиёrim!
Сен жаҳоннинг юрагига очгансан сўқмоқ,
Тақдирингни тинчлик билан этдинг ёрқинроқ.
Сенинг тиниқ, сенинг янгроқ овозинг баланд,
Қитъа аро бургут мисол парвозинг баланд.
Меҳмоннавоз! Саховатда сенсан бекиёс,
Йўлинг ойдин! Сенда лим-лим муҳаббат, ихлос!

Эй муқаддас, эй севикили ўлкам, қулоқ сол!
Сўзлашайлик қона-қона. Қелмасин малол —
Боқ, Ватаним, борар саф-саф марду майдонлар,
Чўлга баҳор етаклаган қизлар, ўғлонлар...
Она-юртим эртакмисан, сўлим жоймисан?
Латофатга, кароматга шунча боймисан?
Шафтолосизор, анжирзорлар, узумзор боғлар...
Шарбатидан шарбат эмар гиолос дудоқлар.
Ризаматлар — азаматлар! Пайвандлар дилин...
Кўйла, қалбим, дутор бўлиб боғларнинг тилин,
Туганмасин таърифингни айтган ҳикоят!

* * *

«Олтин қўллар» дейди Ватан олтинкорларни,
Ботирларим деб улуғлар чин шунқорларни.
Пойтахтим Москва ҳам олқишилар мағрур,
Узбекистон пахтакори жаҳонга машҳур.
Чаноқдаги момиқ пахта — тинчлик тимсоли,
Қўзимизни қамаштирап кумуш жамоли,

Мисқол-мисқол оппоқ тола тоғ-тоғ хирмондир,
«Оқ олтин»нинг ўзи қўшиқ, ўзи достондир.
Эй, азиз юрт, узилмасин бошланган суҳбат,
Мадҳингни мен давом этай, бер озроқ муҳлат.
Қардошларинг қондошисан, аҳил, иттифоқ!
Шарқ кўкида сен маёқсан, зулматга чақмоқ!
Улуғ ҳалқнинг ҳамроҳисан, абад елкадош,
Ўн беш фарзанд қаторида турибсан сафдош.
Қудратингдан, шуҳратингдан диллар мунаввар,
Юлдузларга етар қўлинг узатсанг агар.
Саховатда ягонасан, билади жаҳон —
Дўстлар учун қалбинг очиқ, ёзиқ дастурхон.



Эй жонажон она юртим, бергин ижозат,
Туганмасин таърифингни айтган ҳикоят.
Коммунистик партиямиз ғамхўр, меҳрибон,
Ўзбекистон қатордаги пахтакор карвон,
Бошинг узра ҳилпираиди алвон байроғинг,
Шуъласидан порлаб турар яқин-йироғинг.
Партиямиз меҳри билан яшнар диёрим,
Партиямиз меҳри билан яшнар баҳорим!
Партиямиз деганлари — ҳалқ муддаоси,
Партиямиз деганлари — ҳалқнинг нидоси!
Санъат юрти, иқбол юрти, бўстон диёрим,
Сен шарафим, сен камолим, сен учун борим!

В А Т А Н И М

Табаррук, улуғвор, ватаним, ёшинг,
Тоғ кўтарар куч-қудратинг, бардошинг.

Курашларда доим бўлди зафар ёр,
Мангу порлоқ кўкда порлоқ қуёшинг.

Сени деган халқлар топди баҳт-иқбол,
Дўстлик шиор, дўстлик доим йўлдошинг.

Совет юрти дерлар машҳур номингни,
Доҳий Ленин кечакундуз қўлдошинг.

Коммунистик партия меҳрибон, устоз,
Соф бўлсин ҳамиша шу азиз бошинг.

Акмал ёзар сенга аatab шўх гулёр,
Юракдан куйласин қон-қариндошинг.

И И Л Л А Р

Бир-биридан аъло келур саодатли йиллар ҳам,
Янги-янги зафарлардан завқа тўла диллар ҳам.
Шонли Ватан қудратига қойил бугун кенг жаҳон,
Коммунизм нури порлар йил сайин ўткир, чандон.
Фазоларни ёриб учдик, юлдузларда йўлимиз,
Дўстлик билан кўкка етди узатганда қўлимиз.
Бахт-иқболнинг чашмасидир шонли съезд қарори,
Қон-қардошлиқ ҳеч бузилмас, бу озод эл шиори,
Ўзбекистон яшнамоқда, туганмайди мақтови,
Эл бошига нур сочмоқда баб-баравар офтоби.
Меҳнат билан шараф топди пахта кони — ҳур диёр,
Жондан севган дийёrimiz бизга дилдан ифтихор.
Илм-фанда машҳур юртим, етдик баланд мақомга,
Йиллар мадҳи жаранглатар Акмал тўлиб илҳомга.

АРМОНИМ ЙҮҚ

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса — ой, кун деса — кундузиман.
Узатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

Ҳамма халқлар бахтли менинг элимда,
Гул-чечаклар пояндоздир йўлимда.
Қалбим кенгdir, олис кўрар кўзларим,
Улуғ Ленин номи яшар дилимда.

Кенг жаҳонда қўшиқларим янграйди,
Барча дўстлар овозимни тинглайди.
Ҳар бир сўзим тинчлик ишин гавҳари,
Халқлар менга жўр бўлади, яйрайди.

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса — ой, кун деса — кундузиман.
Узатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

ВОДИЙЛАРИНГДА

Советлар юртим — бөгү бүстоним,
Тинчлик диёрим — ҳур гулистоним,
Үзингсан доим яллам, достоним,
Гуллаб-яшнаган водийларингда.

Улуг Ватанда ҳамма шод, қувноқ,
Эркин мәхнатдан ободдир ҳар ёқ.
Ильич чироги ҳамиша порлоқ,
Гуллар түшалган водийларингда.

Нурин сочмоқда бошингга қүёш,
Ҳар дамда сенга зафарлар йўлдош.
Озод халқларинг дўсту ёр, қардош —
Қўшиққа тўлган водийларингда.

Советлар юртим — бөгү бүстоним,
Тинчлик диёрим — ҳур гулистоним.
Сенсан қувончим, яллам, достоним,
Гуллаб-яшнаган водийларингда.

Д О В Р У Ф И Н Г

Гул диёrim, катта мақtов довруғинг,
Катта шуҳrat, катта қutлов довруғинг.
Яшнади қир, чўли яйлов довруғинг,
Гул диёrim, катта мақtов довруғинг,
Катта шуҳrat, катта қutлов довруғинг.

Довруғингга тан берар аҳли жаҳон,
Даштларингда мавж урар оби равон,
Илмимизга бўлди таслим осмон,
Гул диёrim, катта мақtов довруғинг,
Катта шуҳrat, катта мақtов довруғинг.

Хур Ватан довруғларин элдан сўранг,
Мард, баҳодир, покиза дилдан сўранг,
Гул диёrim, катта мақtов довруғинг,
Катта шуҳrat, катта қutлов довруғинг.

М О С К В А М

Довруғи кўқдан ошган,
Борсам қўйнини очган,
Ёвлари қўрқиб қочган,
Меҳрибоним Москвам.

Ўзи тинчлик макони,
Илм, ҳунар, фан кони,
Ўргатди чин вафони,
Жонажоним Москвам.

Үнга қойил кенг дунё,
Меҳри туганмас дарё,
Ой, қуёш ўзи гўё,
Қадрдоним Москвам.

Бизда ҳамма дўсту ёр,
Меҳнатда доим илғор,
Совет ҳалқи байроқдор,
Зафардорим Москвам.

Раҳмат сенга, рус ҳалқи,
Қуёшдай яшина, балқи,
Ҳамиша умри боқий.
Мададкорим Москвам.

ЯХШИЛИК

Яхшилик қил дўстларингга, яхши даврон, яхши шон,
Яхшидир озод Ватан, бойликка тўлган ҳур макон.
Бахтимизга Москва, рус халқи, сен мангу яша,
Сен билан обод ҳамиша, тинч, фаровондир замон.

Кимки қилди халқига хизмат юрақдан — баҳтиёр,
Фахримиздир у киши, шонли Ватанда ифтихор.
Яхшилик одат — баҳодир, мард совет авлодига,
Шу сабабдан барча халқлар бизга бўлди дўсту ёр,

Яхши ният бирла юртни биз гулистон айладик,
Яхши дўстлар бирла ишлаб, чўлни бўстон айладик.
Бу ҳаёт, бу тинчлигу баҳт — яхши ният меваси,
Яхшиликни кенг жаҳонга катта достон айладик.

ҚАЛБ СҮЗИ

Ким хиёнат қиласа халқа, икки юзи қора денг,
Халқни алдайман, деганинг бағри қон, дилпора денг.
Топмайин ўтгай мунофиқ дардига ҳеч чора денг,
Охири қиласанг пушаймон, нағи йўқ юз бора денг,
Қилмишдан хору зору, нокасу овора денг.

Халқига хизмат қилиш жондан, билинг, катта савоб,
Она юрт тупроғини ҳар лаҳзада этгум тавоғ,
Мехрибон халқим, мадорим, сен ўзингсағ офтоб,
Ким хиёнат қиласа халқа, икки юзи қора денг,
Халқни алдайман, деганинг бағри қон, дилпора денг.

Жони дилдан қаҳрамон халқ хизматин этгум бажо,
Хур Ватан фарзандидурман, иззатин этгум бажо.
Акмал ўғлинг дер: Ватанинг ҳурматин этгум бажо,
Ким хиёнат қиласа халқа, икки юзи қора денг,
Халқни алдайман, деганинг бағри қон, дилпора денг.

СОВЕТ ФАРЗАНДИ

**Қандай баҳтли ер юзида совет фарзанди,
Озод халқнинг севган ўғли, асл дилбанди.**

**Яхши ўқиши, меҳнат қилиш сенга одатдир,
Юртимизда ҳалол меҳнат таги роҳатдир.**

**Сен ҳам худди Чкаловдек бўлгин қаҳрамон.
Шуҳратингга қойил қолсин ҳамиша жаҳон.**

**Софлом ўсиб, ватанпарвар, жасоратли бўл,
Партиямиз кўрсатмоқда бизга ёруғ йўл.**

**Яшнайверсин коммунизм озод гулбоғи,
Мангу порлар қўлимизда Ленин байроби!**

ОМОН БҮЛ

Коммуна асрининг яшнар баҳори,
Дилларда Ватанинг ғуури яшар.
Мустаҳкам тинчликдир халқим шиори,
Советлар юртига қойилдир башар.

«Қосмослар» учирдик юлдузлар сари,
Марсга ҳам йўл олдик фазони бўйлаб.
Биздадир жасорат, мардликнинг бари,
Қалбларда ҳур меҳнат мадҳини куйлаб.

Жонажон партия, меҳрибон падар,
Ўзингсан жаҳонга нур сочган қуёш.
Акмалинг баҳтига доим омон бўл,
Тинчликка асосчи — зафарларга бош.

ЧАРОГОН ЎЗБЕҚИСТОНИМ

Улуғ тўйингни қутлайман, диёрим Ўзбекистоним,
Саодатли элим, баҳту-барорим Ўзбекистоним.
Ёшинг эллик баҳор авжи, баҳорим Ўзбекистоним,
Жаҳонда тенги йўқ, дулдул суворим Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтихорим Ўзбекистоним.

Сенинг фикринг, шиоринг тоабад тинчлик-фароғатдир,
Зафарли меҳнатинг мазмуни доим әлга роҳатдир.
Ҳамиша яхшилик, дўстлик сенга энг яхши одатдир,
Жаҳонда тенги йўқ, дулдул суворим Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтихорим Ўзбекистоним.

Совет нурли қуёшида диёрим гулласин дейман,
Ҳамма халқ бир-бирин доим юракдан қўлласин дейман.
Бу гулшанда бирон гул ҳам баногоҳ сўлмасин дейман.
Саодатли элим, баҳту барорим Ўзбекистоним,
Ёшинг эллик баҳор авжи, баҳорим Ўзбекистоним.

Қақир чўлларни яшнатган баҳодир паҳтакоримсан,
Улуғ ваъданг йўлида, битта сўзлик барқароримсан.
Юракдан Акмалинг дейди мудом сен азмикоримсан,
Улуғ баҳтингни куйлайман диёрим Ўзбекистоним,
Қувончим ҳам ғурурим, ифтихорим Ўзбекистоним.

НУР ҮЛКАСИГА

Барча халқлар қойил сенинг жамолингга,
Қадди-қомат, төгдек буюк камолингга.
Чарақлаган күкда офтоб ҳилолингга,
Эллар қонған сенинг шарбат зилолингга,
Қон-қардошлар тўймас зинҳор, висолингга.

Партиядан таълим олиб топдик камол,
Бўлавергин яна кўркам, соҳибжамол.
Илми ҳикмат бирла қилдик дунёни лол,
Барча халқлар қойил сенинг жамолингга
Қадди-қомат, төгдек буюк камолингга.

Ватанимиз еру кўкка нур сочмоқда,
Янги дунё фазоларга йўл очмоқда.
Қувон Акмал, шоввозларинг шон қучмоқда,
Барча халқлар қойил сенинг қамолингга,
Қадди-қомат, төгдек буюк камолингга.

БАИРОҚДОР

(Хор)

Ассалом, севикли партия устоз,
Нурафшон чўққига қиласиз парвоз.
Етаклар бизларни ҳамиша олға,
Дўстликда яшаймиз қўл бериб қўлга.

Нақорат

Партия тинчликнинг мард байроқдори,
Ватанда яшнайди инсон баҳори.
Ленинчи замонга мангу шараф-шон,
Советлар юртига қойилдур жаҳон.

Халқимиз севади сени жонидан,
Саломлар йўллаймиз пахта конидан.
Омон бўл партия минг йиллар қадар,
Ўзингсан бизларга меҳрибон падар.

Нақорат

Амалга ошмоқда энг ширин хаёл,
Кун сайин порлайди турмуш, баҳт, иқбол.
Беш йиллик режалар қудрат ватанга,
Бойликлар қўшади озод чаманга.

Нақорат

Партия тинчликнинг мард байроқдори,
Ватанда яшнайди инсон баҳори.
Ленинчи замонга мангу шараф-шон,
Советлар юртига қойилдур жаҳон.

Ҳ У Р Д И Ё Р И М

Таърифинг зўр ҳур диёр,
Бағрингда доим баҳор.
Сенга қўшиқ, шўх гулёр
Жонажон ҳур диёrim.

Ҳамза, Навоий эли,
Халқларнинг жону дили,
Зафар тўла ой, йили,
Мехрибон ҳур диёrim.

Ўғил, қизинг мард, полвои,
Тоғ кўтарган қаҳрамон,
Доим бўлгин соғ-омон,
Нурафшон ҳур диёrim.

Пахтанг олтин, кумушинг,
Бахтли, озод турмушинг.
Элга ёқар ҳар ишинг,
Қадрдан ҳур диёrim.

Богу роғлар макони,
Нефть, кўмир, олтин кони,
Дўстлик, қардошлиқ жони,
Чароғон ҳур диёrim.

Тўй устига тўй бўлсин,
Юртим зафарга тўлсин.
Дўстларим доим кулсин,
Шараф-шон ҳур диёrim.

**Номи бор, Узбекистон,
Уни севар кенг жаҳон,
Акмал дейди, бўл омон,
Жонажон ҳур диёrim.**

БАХТИМИЗ

**Ассалом, Москва, пойтахтимиз,
Ўзингсан шон-шуҳрат, севинч, бахтимиз!**

**Қаҳрамон халқларнинг ғуури ўзинг,
Дилларга оромдир ҳар айтган сўзинг**

**Кремль юлдузи яшнасин мудом,
Ўзбеклар юртидан оташин салом!**

**Москва илму фан, ҳунар макони,
Мустаҳкам тинчликнинг олтин қўрғони.**

**Бағрингда порлайди Ильич чироғи,
Чаманга айланди Ватан ҳар ёғи.**

**Коммунистик партия бизга ёр, устоз,
Шавкатли ишимиз яхши, аъло, соз.**

ЕШЛИК ҚУШИҒИ

УРГАНДИМ

Ақл-идрокни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан бοғин безатмоқни чаман ородан ўргандим,
Атир сочмоқни гулшанга гули раънодан ўргандим,
Муҳаббат маъносин ҳам Вомиқу Узродан ўргандим,
Киши қадрига етмоқни дили рӯшнодан ўргандим.

Не келса сенга турмушда ёмон-яхши, ўзингдан кўр,
Безаркан дўсти ёронинг, тикан янглиғ сўзингдан кўр.
На кулфат келса бошингга ўша икки юзингдан кўр,
Ақл-идрокни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан бοғин безатмоқни чаман ородан ўргандим.

Етарсан ниятингга яхшилардин ошна этсанг,
Бўлурсан эл аро расво, ёмон йўлга қараб кетсанг,
Дегайсан ростини, Ақмал, ҳамиша сен ғазал битсанг,
Ақл-идрокни, дўстлар, оқилу донодан ўргандим,
Ватан бοғин безатмоқни чаман ородан ўргандим.

НОН АЗИЗ

Турмушим доим гўзал бўлсин десанг,
Гул диёр дон — галлага тўлсин десанг,
Халқларим хушнуд яна кулсин десанг,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Бурда нонга оталар зор бўлганин,
Бой қўлида бағри қонга тўлганин,
Минг азоб, жабру жафолар кўрганин,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Нон билан баҳтли ҳаётнинг зийнати,
Қаҳрамонлик ғаллакорнинг меҳнати,
Кўп оғир нон тепкиларнинг кулфати,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Нон азиз инсон учун, қилма увол,
Ким увол қиласа уни, кўргай завол.
Нон учун сен доимо ишла ҳалол,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Ҳамма баҳтли, шод, фаровон нон билан,
Тўй-томуша, юрт чароғон нон билан,
Ҳамма дўст, қардош-қадрдан нон билан,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил.

Ташлама ҳеч нон ушоғин, кўзга сурт,
Раҳмат айтгай шунда сенга элу юрт,
Акмалинг айтганларин сен эсда тут,
Ҳеч унутма, нонни исроф этмагил,

ОТА НАСИҲАТИ

Эй, ёш дўстим, сенга айтар гапим бор,
Юрак сўзларимни унутма зинҳор.
Навқирон, ишда чиник, жўмард бўл,
Ёмон юрма, яхшиларга улфат бўл!
Мардлар бермас ўзгаларга ҳеч озор,
Дилозордан қўёни-қўшни, юргт безор.
Қўпполлик, жаҳолат — кучсизнинг иши,
Лаънат ўқир уни кўрган ҳар киши.
Аҳдингни бузмагин, дўстим, мард бўлсанг,
Юзинг қаро, халқ мулкига қўл чўзсанг.
Ота-онанг насиҳатин унутма,
Меҳнатсиз ҳеч қандай яхшилик кутма.
Ҳалолликдир, билгин, мардлик зийнати,
Ҳаромхўрнинг ошар қайғу-кулфати.
Мардликка хилофдир қуруқ ҳаяжон,
Меҳнатда тер тўккин мисоли маржон.
Ахлоқ, одоб асил чирой одамга,
Боодоб ёқади бутун оламга.
Мард, камтарин мақтанмайди умрида,
Мардлар номи доим кўнгил тўрида.
Мард етказар ҳар кун элга манфаат,
Мардликнинг замири, унутма, меҳнат.
Меҳр қўйиб ўқи, ақлинг ишлатиб,
Насиҳат тинглагин фикринг пешлатиб.
Кимки бўлса халқ ишига фидокор,
Мардлигин амалда кўрсатиш даркор.

БИЛИМ ОЛ

Бўлай десанг сен олим,
Доно, устоз, муаллим,
Меҳр қўйиб ўқиб қол.
Бор кучингни ишга сол.
Билим — чексиз хазина,
Кўкка ясайди зина.
Ҳамма нарса билимдан,
Ойга ҳам учдик шундан.
Меҳнат — устоз китобинг,
Бошингда офтобинг.
Билим берган устозга,
Хур ленинчи авлодга
Чин дилдан деймиз раҳмат,
Минг йил бўлсин саломат.

ДОНОЛАРДАН ҮҚИБ

Қўли гуллар зар қилади тупроқни,
Нодон сира кўролмайди узоқни.

Насиҳат тингласанг ақлингни пешлаб,
Қолмайсан ҳеч қачон тилингни тишлаб.

Дўст бўлсанг, ҳақиқий дўст бўл юракдан,
Нур ёғар бошингга юртдан, элатдан.

Меҳнат севган ҳаётида хор бўлмас,
Бутун умри ҳеч нарсага зор бўлмас.

Ёмон юрма зинҳор, ўзингга зарар,
Ёмондан ҳамиша сен қилгин ҳазар.

Човут солар ҳасадгўй ошинг егач,
Ҳасадгўй мунофиқ, очкўз ва жирканч.

,

О Т А М

Жонингизга жон бўлай, жонимга дармоним отам,
Қамтарин, пири бадавлат, шавкатим-шоним отам,
Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври давроним отам,
Давлатим, покиза виждон, уста боғбоним отам,
Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Меҳрибон, меҳригиёдир ўз ширин фарзандига,
Ул ишонган боғи роғи, севгани, дилбандига,
Чашмадек меҳри туганмас ҳеч жигар пайвандига,
Гул ҳаётим кўрки, ёрқин даври давроним отам,
Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Арзигай жондан тавоф этсам отам кўз, қошини,
Бор вужудим ўрганур тўйса мурувват ёшини,
Доимо меҳнат билан кўкка кўтаргум бошини,
Қамтарин, пири бадавлат, шавкатим-шоним отам,
Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

Боадаб, ақли расо фарзанд отанинг жонидур,
Парпираб ёнган чироги, танда тоза қонидур,
Гул ҳаётнинг кўрки, ёрқин довруғи, давронидур,
Акмал ўғлинг жон бўлай дер, жонга дармоним отам,
Сиз билан йўқ заррача кўксимда армоним отам.

М У А Л Л И М

Фан боғининг боғбонисан, муаллим,
Миллион диллар достонисан, муаллим.

Сен ўқитдинг маърифатдан зар китоб,
Бир китобки, нур сочишда офтоб.

Хазинасан, қалбинг меҳр дарёси,
Үнда порлар улуғ Ленин зиёси.

Дўстлик, мардлик, садоқатдан дарс бердинг,
Кураш, идрок, фаросатдан дарс бердинг.

Бутун умринг, жонинг фидо фарзандга,
Етаклайсан доим олий мақсадга.

Бахту иқбол доим сенга ёр бўлсин,
Ватанимиз шону шуҳратга тўлсин.

Сен лойиқсан диёргингда ҳурматга,
Азизсан, отасан Акмал Пўлатга.

Фан боғининг боғбонисан, муаллим,
Миллион йиллар достонисан, муаллим.

ЁШ ИШЧИ ҚИЗЛАР

Дилрабо, дилкаш, гўзал ой қизлар,
Ақл-идрокка чексиз бой қизлар.
Меҳнатда жўшқин гўё сой қизлар,
Доим бор бўлинг, ёш ишчи қизлар.

Чин баҳтиёrsиз озод Ватанда,
Меҳрингиз доим жон ила танда.
Сизга нурли йўл обод чаманда,
Завқларга тўлинг, ёш ишчи қизлар.

Бири наққош, бири бинокор,
Бири механик, бири дурадгор.
Қалбида мангу яшар гулбаҳор,
Шўх ўйнаб-кулинг, ёш ишчи қизлар.

Безакдир сизга ҳисобсиз ҳунар,
Халқда мақол-ку, ҳунардан унар.
Элда ҳунарнинг қиймати ҳам зар,
Давронлар суринг, ёш ишчи қизлар.

Баҳт-иқбол, зафар бари ҳунарда,
Шарафли байроқ миллион қўлларда,
Ақмал куйлади боғу чўлларда,
Қандингиз уринг, ёш ишчи қизлар.

С О Л Д А Т Л А Р Г А

Халқим юракдан севган, саодатли солдатлар,
Улуғ Ватан фахрисиз, фароғатли солдатлар,
Ҳайтимиз посбони, адолатли солдатлар,
Дунё қойил сизларга, салобатли солдатлар,
Ленинчилар авлоди, жасоратли солдатлар.

Чегарарадан бир қузғун учса дарҳол биласиз,
Босқинчи, малъунларнинг адабини берасиз,
Ағёрларнинг бағрини найза билан тиласиз,
Извогарлар илдизин таги билан юласиз,
Омон бўлинг ҳамиша, шижоатли солдатлар.

Коммунизм ишига тайёрсиз доим дилдан,
Мангутинчлик шиорин қўймайсиз зинҳор тилдан,
Қўрқиши ҳеч билмайсиз, даҳшат, сурон ва селдан,
Маҳоратда, меҳнатда олқиш оласиз элдан,
Қон-қариндош дўстларга, шафоатли солдатлар.

Чарчаши ҳеч билмайсиз, шўх сойлардек шарқироқ,
Партиямиз ишига тайёрсиз ҳар дам, ҳар чоқ,
Эркалатиб сизларни биз очамиз кенг қучоқ.
Ватан учун ўзингиз порлаган машъал, чироқ,
Ҳар нафасда ҳушёrsиз, садоқатли солдатлар.

Бири майор, полковник, бири машҳур генерал,
Баҳодир халқ фарзанди, сира кўрмангиз завол.
Тасанно дер ер-осмон, меҳнатингиз пок, ҳалол,
Ҳақиқат Акмал сўзи, душманингиз мангут лол,
Сизга минг-минг оғарин жасоратли солдатлар.

ЁШЛИК ҚҰШИГИ

Қорли тоғлар әриб оқса, тошқин дерлар,
Зёр меңнатда синалади ботир эрлар.
Комсомол қиз-йигитларға дунё қойил,
Шулар ўзи чүлни қувган асл шерлар.

Шерлар деймиз чүлни бўстон қилганларни,
Қанал очиб, ер бағрини тилганларни.
Шоғири Ватан олқышлайди қулоч очиб,
Эл олдида ўз бурчини билганларни.

Ватанига чин содиқдир бизнинг ёшлар,
Бир-бирига ака-ука, дўст-қардошлар.
Акмал дейди, партиямиз омон бўлсин,
Зафарлардан зафарларга бизни бошлар.

КАМТАРЛИК БИЛАН

Дўстларим топди камол, албатта камтарлик билан,
Тер тўкиб доим ҳалол, албатта камтарлик билан,
Душманин ҳам қилди лол, албатта камтарлик билан,
Топмагай асло завол, албатта камтарлик билан,
Қандайин кўркам жамол, албатта камтарлик билан.

Камтарлилик кимда бордир, унда маъно ўзгача,
Тенги йўқ ширин қалом, сұхбатда доно ўзгача,
Қўзда нур, дилда шуур, боғларда раъно ўзгача,
Дўстларим топди камол, албатта камтарлик билан,
Тер тўкар доим ҳалол, албатта камтарлик билан.

Кеккайиб қошинг чимирма, кеккайиш жоҳилга хос,
Кеккайишдан ҳамма безор, келмагай давримга мос,
Акмало сен кеккайишдан доимо бўлгин ҳалос,
Қандайин кўркам жамол, албатта камтарлик билан,
Топмагай асло завол, албатта камтарлик билан.

И И Г И Т Л А Р

Файратга, кучга тўлган,
Марди майдон йигитлар.
Саодатли Ватанга
Бағри қалқон йигитлар.

Пахтазорлар кўркисиз,
Фахримизсиз, йигитлар.
Севинчга, завқта тўлган,
Бахтимизсиз, йигитлар.

Лобар қизлар севгиси
Сизга аён, йигитлар.
Сафда содиқ ва йўлдош,
Бир тану жон, йигитлар.

Ҳорманг, янги ер очғаң
Мардонавор йигитлар.
Чўлда баҳор яратган,
Қалби баҳор йигитлар.

Чаман бўлган чўлларда
Тўй қилайлик, йигитлар.
Нурга тўлган, фаровон —
Үй қилайлик, йигитлар.

Меҳнатда донг таратган
Мардона, шўх йигитлар.
Ишда ўзган қизларга
Парвона шўх йигитлар.

ТАҲСИН СИЗГА

Чўллар қувиб эл кўнглини чоғ этган,
Янгиерда янги чаман, боғ этган,
Оқ олтиндан осмонўпар тоғ этган,
Мардлар қабул этинг қалб саломимни!

Қаҳрамонсиз, ушбу хислат сизга тан,
Шуҳратингиз ардоқлайди гул Ватан.
Мадҳингизни қанча ёсам оз экан,
Илҳом жўшар тўлдириб дил жомини.

Қанча дарё жиловланди қўлларда,
Канал тўлиб сувлар оқди чўлларда.
Гуллар унди сизлар ўтган йўлларда,
Унда бугун топдим дил оромимни.

Биронингиз гўё Ширин, дилбарсиз,
Биронингиз Фарҳод сифат сарварсиз,
Наққош бўлиб Мирзачўлни безарсиз,
Сиз бўлдингиз қайнатган илҳомимни.

Таҳсин сизга, эй чўлқувар полвонлар,
Мард йигитлар, эрка қизлар, жононлар,
Акмалинг дер, келди даври-давронлар,
Сизга бағишладим бу каломимни!

МОСКВА ҚИЗЛАРИГА

Москванинг қувноқ, гўзал қизлари,
Пойтахтнинг эй, юзлари қирмизлари.

Тошкентдан келтирдим бир дунё салом,
Меҳру муҳаббатдан дил олсин ором.

Қайси тилда сўйлай, тасаддуқларим,
Қайси тилда куйлай, тасаддуқларим.

«Жон» дейми, ё «жонон» бўлсин сўзларим?
МГУ, метро қурган бўтакўзларим!

Келиб Ўзбекистон боғларин кўринг,
«Оқ олтин» водийисин, тоғларин кўринг.

Сиз учун ҳар ерда иззату ҳурмат,
Сизларни кутади Қумри, Марҳамат.

Москванинг қувноқ, гўзал қизлари,
Пойтахтнинг ойлари, юлдузлари.

Тошкентдан келтирдим туганмас салом,
Акмалий меҳридан дил олур ором!

ҚОЛХОЗИМИЗ БОГИДА

Колхозимиз боғида,
Яйрайман қучогида.
Булбул жўшиб сайрайди,
Ҳар куни тонг чоғида.

Боққа экдик турфа гул,
Яшнади лола, сунбул.
Олма, узум, шафтоли,
Ширин-шакар ҳосил мўл.

Уста боғбондир отам,
Меҳнатсевар жуда ҳам.
Боғдан сира чиқмайди,
Ўзи саҳий ва хотам.

Меҳнат билан боғ обод,
Мевасидан эллар шод,
Боғ кўпайсин юртимда,
Унутмасин ҳур авлод.

КОМСОМОЛ МАРШИ

Меҳнат билан шон таратган комсомол,
Саҳроларга боғ яратган комсомол,
Довруғинг бор номи кетган — ленинчи,
Ленинчилар — халқнинг фахри, севинчи.

Чақирмоқда Оҳангарон боғлари,
Бойликка кон адирлари, тоғлари.
Отлан, ўртоқ, «Қора олтин» конига,
Отлан, ўртоқ, зўр меҳнат майдонига!

Яниги кон оч, кон устига кон бўлсин,
Совет юрти яшнаб, бойликка тўлсин.
Қадам ташла Оҳангарон шаҳрига,
Тизма тоғлар, шахталарнинг бағрига.

Она-Ватан чақирмоқда, тайёр бўл!
Шуҳратингни яна ошир, комсомол!
Сенинг ўзинг мужассам бир зафарсан,
Партиямиз таянчисан, жигарсан!

УЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Ширинликда сўзи бол,
Мангу ёрдир бахт, иқбол,
Меҳнати завқли, ҳалол,
Ўзбекистон қизлари.

Ақл-идрокда аъло,
Қалби тоза бебаҳо,
Мақтовга арзир расо,
Ўзбекистон қизлари.

«Олтин қўл»лик пахтакор,
Илму ҳунарда илғор,
Дўст, ёрига вафодор,
Ўзбекистон қизлари.

Шоҳи, атлас кийгани,
Муҳайёдир дегани,
Она-Ватан севгани,
Ўзбекистон қизлари.

Тинчлик, дўстлик, шиори,
Мустаҳкам, зўр қарори,
Ватаннинг ифтихори,
Ўзбекистон қизлари.

Яшнаган баҳор гўё,
Қучгани зафар, зиё.
Доним ёр одоб, ҳаё,
Ўзбекистон қизлари.

Ақмал күйлар мадҳингиз,
Тилар доим баҳтингиз.
Бузманг сира аҳдингиз,
Ўзбекистон қизлари.

Қ Е Л И Н Г

Мирзачўлни чўл деманг,
Гулзор-гулистон деб келинг.
Шуҳрати оламга кетган,
Янги бўстон деб келинг.
Қайнаган шарбат булогу
Шакаристон деб келинг.
Ҳар баҳодир таърифи
Тилларда достон деб келинг.
Пахтаси оламни тутган
Колхозистон деб келинг!

Довруғи машҳур жаҳонга
Қизлари, ўғлонлари.
Қўли гул, уста миришкор,
Танти, мард деҳқонлари.
Турмуши баҳтли, фаровон,
Нашъали ҳар онлари.
Бунда ҳурматда ҳамиша
Дўстлари, меҳмонлари.
Дилга жойлаб меҳрингизни,
Дўст-қадрдан деб келинг!

Қаҳрамон Жавод, Инобат,
Юлдузойлар шундадир.
Файзга ҳам, шодликка ҳам,
Севгига бойлар шундадир.
Дейди Акмал, жаннату
Анвойи жойлар шундадир.

Нахтадан бунёд Чотқолу
Олойлар шундадир.
Чўл эмас, тенгсиз хазина,
Нахтаю дон деб келинг!

ТЕКСТИЛНИНГ ҚИЗИМАН

Элнинг кўрар кўзиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Кимлигимни сўрсангиз,
Текстилнинг қизиман.

Текстилнинг йўли соз,
Қўлида ўйнайди ғоз.
Текстилнинг қизлари
Меҳнатда баландпарвоз!

Шўх булбуллар сайрайди
Баҳор фасли бўлганда.
Ёш юрагим яйрайди
Дастгоҳимни кўрганда.

Мардана қиз — паҳтакор,
Бергил, қанча паҳтанг бор.
Шоҳи, читлар тўқийман,
Ватан бўлсин миннатдор.

Элнинг кўрар кўзиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Кимлигимни сўрсангиз,
Текстилнинг қизиман.

МИРЗАЧҮЛ ПОЛВОНЛАРИ

(терма)

Қутлуғ бүлсин түйларингиз,
Завқали, шавқали куйларингиз
Мунча күхли бүйларингиз,
Мирзачўлнинг полвонлари.

Пахтазордир асрый чўллар,
Ҳаётбахшдир бугун қўллар,
Нур сочмоқда ёруғ йўллар,
Мирзачўлнинг полвонлари.

Инобат ҳам Саодатой,
Иигитлари шарқироқ сой,
«Оч дала»га берди чирой,
Мирзачўлнинг полвонлари.

Машинани дулдул дерлар,
Чўл қувади асл шерлар,
Ҳаммангиз ҳам ботир, әрлар,
Мирзачўлнинг полвонлари.

Дўст, қардошлиқ паймонимиз,
Зафар тўла ҳар онимиз,
Мангу тинчлик шиоримиз,
Мирзачўлнинг полвонлари.

Кўкка етар яна хирмон,
Пахтакорлар бўлсин омон,
Меҳнатингиз катта достон,
Мирзачўлнинг полвонлари.

**Партиямиз мард, жонажон,
Уни деймиз биз ҳар қачон,
Чўл пахтаси нуқра, маржон,
Мирзачўлнинг полвонлари.**

**Қўшиқ ёзар Акмал тўлиб,
Ҳар он сиздан мамнун бўлиб,
Сизни кўрай доим ғолиб,
Мирзачўлнинг полвонлари.**

ЧҮЛҚУВАР ЙИГИТ

Құлға олай тағин жаранг торимни,
Тошиб-тошиб күйлай дилда боримни.
Чүлқувар йигитни ардоқлай чунон,
Номини қўймайман тилдан ҳеч қачон.

Дунёда бўлғанмас бундай паҳлавон,
Зарбидан тоғни ҳам ағдарған нолвон.
Дарёлар тақдири унинг қўлида,
Гул-чечак унмоқда босган йўлида.

Зилол сув оқмоқда янги сойларда,
Шуҳрати жаранглар юлдуз, ойларда.
Бир томон Мирзачўл, Жиззах ва Қарши,
Тўхтамас дунёда зафарли марши.

Яшнайди юртимда паҳтакор ғоғлар,
Азамат, мард йигит чўққини чоглар.
Меҳнат, ижод қайнар улуғ Ватанда,
Мардларнинг севгиси жон ила танда.

Акмалнинг қалбида шерларнинг номи,
Чўлқувар деганда қайнар илҳоми.
Құлға олай тағин жаранг торимни,
Тошиб-тошиб күйлай дилда боримни.

Ҳ Е Й І Й А Ҷ

Беришибди одамлар донишмандга бир савол,
Жавоб беринг, эй устоз, агар бўлса bemalol.

Лайтиб беринг бизларга аёл сўзин маъносин,
Жондан севамиз халқининг асл ўғил-доносин,

Шунда дебди донишманд саволга жавоб айлаб,
Ҳар бир ҳарф таърифини сўйлабди хитоб айлаб:

«А» дегани — аллома, меҳр, вафо, муҳаббат,
«Е» дегани — ёронлар, аёл жонларга роҳат.

«Л» дегани — латофат, аёл сўзи бир жаҳон,
Бахтимизга аёллар доимо бўлсин омон.

Менга берса ҳуқуқни дунёдаги бор эрлар,
Аёлларни севгучи вафодор, ботир, шерлар,

Ажратмасдан аёлни зинҳор икки томонга,
Биронта ҳам аёлни чиқармасдим ёмонга.

Ахир она-ку, дўстлар, йўқдан бизни бор этган,
Ким хўрласа онасин багри қон, тубан кетган.

Она — азиз, мўътабар, она боғу рогимиз,
Она сўзи нурафшон, ўчмас ҳеч чироғимиз.

Она билан хонамиз ҳамиша хушнуд, обод,
Она билан ўғил, қиз ғамни билмас, мангу шод,

Она номин кўтарсак, торлик қиласар ер, осмон,
Она сўзин таърифи туганмас қўшиқ, достон.

Акмал дейди, онадек борми сира меҳрибон,
Она азиз, улуг зот, онам дейман ҳар қачон.

ТУРСУНОЙ

Қаҳрамон қиз Турсуной,
Кўкда жило берган ой,
Улуғ ишларинг билан
Юртимга қўшдинг чироў.

Машинада шўх парвоз,
Жаранглайди хуш овоз.
Қалбим буюрганидай
Таърифингни қилсам оз.

Шонли ишни бошладинг,
Кўпайди издошларинг.
Олтин тоғлар яратди
Турсунойчи ёшларинг.

Замон-замон сеники,
Даври даврон сеники.
Мардлар Ўзбекистони,—
Олтин макон сеники.

Ленин орденли қизим,
Дейди Ақмал, юлдузим,
Буюк ҳиссанг қўшавер,
Яшасин коммунизм.

РАСУЛ ҲАЙДАРОВ ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Дилларни яшнатур Ҳайдаров шони,
Жиззахнинг қалби ўт марди майдони.

Аҳдида барқарор, забардаст деҳқон,
Меҳнатда чарчамас асл паҳлавон.

Қутлади Расулни партия устоз,
Юксак мэрраларга қилгин деб парвоз.

Тарихий мактубдан ўлкам шод-хуррам,
Бўлингиз Расулдай меҳнатда шаҳдам.

Акмал қўшиқ куйлар зафардан ҳар чоқ,
Дўстларга юракдан очади қучоқ.

Дилларни яшнатур Ҳайдаров ғони,
Жиззахнинг қалби ўт, марди-майдони.

И Н О Б А Т

Бахтли замон, шўх замон
Зафарларга чорлайди,
Илғор қизлар юлдуздай
Юрт кўкида порлайди.

Паҳтакор қиз Иnobat,
Бахтиёр қиз Иnobat,
Чўлда олтин ундирган,
Эй, донгдор қиз Иnobat.

Тонна-тонна ҳосилинг,
Мунча ишга чеварсан?
Элга қувонч баҳш этиб,
Чўл қувишни севарсан?

Ҳаво ранг пўлат отинг,
Сира толмас қанотинг.
Чўлни чаманга буркаш
Асл мақсад-муродинг.

Шуҳратингни мадҳ этай,
Унди гуллар йўлингда.
Чўл олибди андоза
Сенинг чевар қўлингдан.

Паҳтакор қиз Иnobat,
Ҳур, донгдор қиз Иnobat.
Чўлда олтин ундирган
Бахтиёр қиз Иnobat.

Ҳ У Н А Р И М

Ҳамма нарса ҳунарда,
Ҳунар билан унар-да.
Боғ яратдик чўлларда,
Шараф-шоним ҳунарим.

Ҳунар ўрган, жон ўртоқ,
Ҳунарга олам чанқоқ,
Ҳунар билан диллар чоғ,
Куч-мадорим ҳунарим.

ТОШДУ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ

(*Tўйхат ўрнида*)

Фан боғининг гулисиз,
Элнинг жону дилисиз,
Саодат булбулисиз,
ТошДУ йигит-қизлари.

Үйнаб оқар шўх сойсиз,
Фазилатга хўп бойсиз,
Ҳур Ватанга чиройсиз,
ТошДУ йигит-қизлари.

Ленин қўйиб берди ном,
Сизга қилди зўр инъом,
Ҳаммангиз ҳам дилором,
ТошДУ йигит-қизлари.

Муҳандис, доктор, олим,
Мураббий ва муаллим,
Устоздан олур таълим,
ТошДУ йигит-қизлари.

Қалбингиз кулган баҳор,
Одоб-ахлоқ сизга ёр,
Ватан қилур ифтихор,
ТошДУ йигит-қизлари.

Тарихингиз зўр, улуғ,
Ўлкамиз баҳтга тўлуғ,
Байрам муборак, қутлуғ,
ТошДУ йигит-қизлари.

Ақмал дейди, соғ бўлинг,
Бахту иқболга тўлинг,
Минг йиллар омон бўлинг,
ТошДУ йигит-қизлари.

ҚУТЛУҒ БҮЛСИН

Сирдарснинг соҳилида уйларингиз,
Мунча ширин, мунча қувноқ куйларингиз!
Табриклаймиз, чўлқуварлар, дилдан сизни,
Қутлуғ бўлсин шодиёна тўйларингиз!

Янги чаман-боғ яратдик Мирзачўлда,
Гуллар унди мардлар босган ёруғ йўлда.
Бахтимиэга омон бўлинг йигит-қизлар,
Саҳро таслим, яна яшинар кучли қўлда.

Тўлқин уриб оқар доим жўшқин дарё,
Дарё эмас, бағри тўла меҳригиё,
Туганмасдир унда фалла, олтин коғи,
Сенга менинг муҳаббатим дунё-дунё.

Севганимнинг чин боиси сенга аён,
Даркор эмас бунга сира узоқ баён.
Юрак қўрим билан сенга бердим зийнат,
Ой жамолинг кўриб энди Акмал шодон.

МАГАЗИНЧИ ҚИЗ ҚУШИГИ

Магазиним гул жамол,
Йўлдошим баҳту иқбол.
Улуғ халқим хизматин
Бажараман пок, ҳалол.

Элнинг чаққон қизиман,
Ишда ёруғ юзиман.
Совет савдо бобида
Турсунойнинг ўзиман.

Кун каби ёруғ йўлим,
Чарчаши билмас қўлим.
Советлар замонида
Ҳаётим завқли, сўлим.

Шалола бўлиб оқдим,
Савдода элга ёқдим.
Ватанимдан ўргилай,
Кўкракка орден тақдим.

Касбим савдо ходими,
Улуғлайман мен уни.
Совет савдо меҳнатин
Шарафлайман ҳар куни.

Қандай гўзал кошонам,
Ярқираган пешонам.
Ширин сўзли харидор,
Акмалдек багри кўклам.

**Магазиним гул жамол,
Иўлдошим баҳту иқбол.
Улуғ ҳалқим хизматин
Бажараман пок, ҳалол.**

ЖИЗЗАХ ЧҮЛЛАРИ

Меҳру ишқим олибди Жиззах чўллари,
Гулистонга туташган нурли йўллари.

Қақир даштда яралур янги гулбоғлар,
Үлкамизин ёритгай машъал чироглар.

Биз ўзимиз чўлларни гулзор этгувчи,
Дўстлик билан мақсадга тугал этгувчи.

Кучимизга қойилдир бугун кенг жаҳони,
Жиззах чўли гул очур Мирзачўлсимони.

Олтин сандиқ очилмас меҳнат бўлмаса,
Бахту омад қаёқда ғайрат бўлмаса.

Қўшиқ айтиб борамиз Жиззах чўлига,
Гул тутади саҳролар Акмал қўлига.

Меҳру ишқим олибди Жиззах чўллари,
Гулистонга туташган нурли йўллари.

Ш О Ф Е Р Л А Р

Эрта саҳарда турган,
Мардонавор йўл юрган,
Ернинг танобин бурган,
Марди майдон шофёрлар.

Меҳнатидан кўнгли чоғ,
Писанд эмас саҳро, тоғ,
Қалбидек порлар чироғ,
Шоду хандон шофёрлар.

Юртда қанча зўр иш бор,
Ёзу қиши ҳам куз, баҳор.
Ҳаммасида ул тайёр,
Донги достон шофёрлар.

Евга қарши жангларда,
Ут-оловда, чангларда,
Юракка берди далда,
Кўкси қалқон шофёрлар.

Гўзал шаҳримиз кўрки,
Юзида доим кулги,
Бебаҳо ортган юки,
Чин паҳлавон шофёрлар.

Билмайди қайғу-алам,
Севгани Зебо, Санам,
Тебратар Акмал қалам,
Бахти боққан шофёрлар.

ЎРМОНЧИЛАР ҚҰШИҒИ

Бўстонимни ўрмонларга ўрайман,
Ниҳолларин меҳр билан тарайман.
Тоғ, саҳрода қанот ёссин ўрмонзор,
Урмонимни фаҳрланиб куйлайман.

Қувонтирар яшил ўрмон камоли,
Ватанимнинг кўрки, ҳусни, жамоли.
Яшнай берсин баҳтимизга ҳур диёр,
Ҳур диёrim халқлар баҳти — иқболи.

Кўм-кўк, яшил дараҳтларга боқаман,
Соясида анҳор бўлиб оқаман.
Барқ уриб яшнасин азиз Ватаним,
Кўчат экиб ҳар йил элга ёқаман.

Мунча ҳам ёқимли ўрмон ҳавоси,
Дилларга оромдир қушлар навоси.
Урмонларда изланг, дўстлар, Ақмалини,
Урмонда янграсин қўшиқ садоси.

ТҮЙ ЛАПАРИ

Қизлар

Ер-ёр айтиб келдик бизлар түйингизга,
Чин юракдан жўр бўламиз куйингизга.

Иигитлар

Жон тасалдуқ, ишда ўзган ҳур қизларга,
Ҳар бир сўзи ширин-шакар, дур қизларга.

Қизлар

Иигитларга ярашади бедов оти,
Аҳдин бузмас асл йигит, шерлар зоти.

Иигитлар

Гувоҳ бўлсин тўй кечаси келин-куёв,
Пахтазорга айланади қақир яилов.

Қизлар

Она-Ватан бўз ерларга сизни йўллар,
Қўлингизда сайқал топсин саҳро-чўллар.

Иигитлар

Ипак дурра ярашибди қош устига,
Шартингизни бажарамиз бош устига.

Ҳамма

Ер-ёр айтиб келдик бизлар түйингизга,
Акмал билан жўр бўламиз куйингизга.

ҚАНДАЙ ЯХШИ

**Қандай баҳтли ер юзида совет боласи,
Озод ҳалқнинг дилдан севган чаман, лоласи.**

**Яхши ўқиши, меҳнат қилиш сенга одатдир,
Юртимизда ҳалол меҳнат таги роҳатдир.**

**Сен ҳам худди Чкаловдек бўлгин қаҳрамон,
Шуҳратингга қойил қолсин ҳамиша жаҳон.**

**Соғлом ўсиб, ватанпарвар, жасоратли бўл,
Партиямиз кўрсатмоқда бизга ёруғ йўл.**

**Яшнайверсин коммунизм озод гулбоги,
Мангу порлар қўлимиизда Ленин байроби!**

ТИЛЛА ҚҰЙ

Құйларимиз сараси майин жунли тилла құй,
Асл мовут хазинаси бағри түла пилла қўй.
Тилла қўйлар ярашар янги, обод ерларга,
Минг офарин ижодкор чорвадор қиз-әрларга.
Қандай гўзал бахмал қир, ям-яшил денгиз гўё,
Қўй подаси оқади балқигандай зўр дарё.
Киши қалбдан қувонар, тилла қўйни кўрганда,
Эркаланиб қўзилар ўйноқлашиб юрганда.
Минг-минг бўлсин, кўпайсин чорвамизнинг галаси,
Адир бўйлаб янграсин чўпонларнинг ялласи.

ҚАЛБ САДОСИ

Фарзандларим онаси жонимсиз, жоним,
Юрагимда жўш урган қонимсиз, қоним!

Сизнинг билан ҳамиша ёруғ кошонам,
Бахтли, таҳтли кошонам ҳамда пешонам!

Сизнинг билан уйимиз саришта баҳор,
Сизнинг билан сайримиз доим лолазор!

Жаҳон-жаҳон шодлигим сизсиз, жонгинам,
Менинг асл борлигим сизсиз жонгинам!

Хонамизнинг безаги, кўрки, савлати,
Үйимизнинг бебаҳо баҳти, давлати.

Маликасиз, тушса ҳам сочингизга оқ
Акмалингиз қўлида чироқсиз порлоқ.

Фарзандларим онаси, онаизорсиз
Дилимда, ўйимда ҳамиша борсиз!

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Совет халқин мард, баҳодир фарзанди,
Юракдан севувчи асл дилбанди,
Жонларим жонларингни пайванди,
Омон бўл ҳамиша, шонли милициям.

Уз постингда ғоят тетик, ҳушёрсан,
Жанговар меҳнатга доим тайёрсан.
Қон-қардош дўстларга юракдан ёрсан
Омон бўл ҳамиша, шонли милициям.

Кечалар уйқусиз, бедорсан ҳар чоқ.
Эл-юрт ухлайди, сен бўлсанг уйгоқ.
Файратинг қайнайди мисоли булоқ.
Омон бўл ҳамиша, шонли милициям.

Туганмасдир сенда мардлик, жасорат,
Чарчашни билмайсан, ўтли ҳарорат.
Акмалинг куйлайди сенда зўр ғайрат
Омон бўл ҳамиша, шонли милициям.

БИРГА КУЙЛАЙЛИК

(Лапар)

Иигитлар

Лобар қизлар, тингланг юрак сўзимизни
Гина қилиб қизартирманг юзимизни.

Кизлар

Иигитларни қизартириб бўлармиди,
Гина қилиб қизлар кўнгли тўлармиди?

Иигитлар

Сизлар билан сафда туриб тортишамиз,
Хирмонларни машинага ортишамиз.

Кизлар

Қизлар билан айтишмоққа юрак керак.
Пахтазорда тортишмоққа билак керак.

Иигитлар

Мард билинар ғайрат қилиб майдонларда,
Қоюманг ортда хижолату армонларда.

Кизлар

Мард йигитлар ўзин мақтаб керилмайди,
Дене қизлар қуруқ сўзга берилмайди.

Иигитлар

Гўзал қизлар, тили ширин-шакар қизлар,
Сизлар билан тенглашмоққа чиқдик бизлар.

Қизлар

Шундай бўлса, аҳди ростлар қўлни берсин,
Бизга ўхшаб ўн беш тонна пахта терсин.

Иигит-қизлар

Ҳисса қўшинг республика планига,
Қад кўтарган баракали хирмонига.

ҚАПИТАН ҚИЗ ҚҰШИНЕ

Машинам бор зангори,
Дилгинамнинг баҳори,
Чарчаши ҳеч билмайди,
Пахтазоримнинг нори.

Олтин далам савлати,
Барно, кўркам қомати,
Қўшиқ айтиб ишлайман,
Жонгинамнинг роҳати.

Пўлат рули қўлимда,
Нур сочади йўлимда,
Терган пахтам тоғ бўлди,
Зафар ўнгу сўлимда.

Машинам дулдул гўё,
Узим унга маҳлиё.
Қокилларин тарайман.
Муҳаббатим зўр дарё.

Юртим йигит-қизлари,
Пахтазор юлдузлари.
Ҳа, денг тезроқ маррага,
Шундай қизғин кезлари.

Катта байрам Ватанда,
Озод, гўзал чаманда.
Акмал қўшиқ ёзади,
Лабида кулгу, ханда.

**Машинам бор зангори,
Дилгинамнинг баҳори,
Чарчашни ҳеч билмайди,
Пахтазоримнинг иори.**

СУВЧИ ЙИГИТГА

(Қиз қўшиғи)

Пахтазордан шилдир-шилдир сув оқади,
Сувчи йигит дилгинамга хўп ёқади.
Ҳар кўрганда жазиллайди юраккинам,
У ҳам менга қиёланиб шўх боқади.

Боқишилари жонгинамга қувват, дармон,
Юракларда зарра йўқдир қайғу, армон.
Асир этди мени қалдан сувчи йигит,
Мен ҳам қалбим очайми ё тутай пинҳон.

Ёш пахтакор сув тарайди саҳар чоги,
Кенг далани ёритмоқда нур чироғи.
Минг офарин шундай полвон йигитларга,
Бахтилизга яшайверсин чаман — боги.

Майли, бўлай шундай йигит парвонаси,
Кўзни олар оппоқ олтин, дурдонаси.
Уни дилдан севганлар кўп диёримда,
Ростин айтсан мен ҳам шулар бир донаси.

Севсам арзир сувчи йигит тенгдошиман,
Акмал айтган мўл ҳосилда йўлдошиман.
Дадил туриб ишқим баён айта қолай,
Халқим севган баҳодирлар қўлдошиман.

Пахтазордан шилдир-шилдир сув оқади,
Сувчи йигит дилгинамга хўп ёқади.
Ҳар кўрганда жазиллайди юраккинам,
У ҳам менга қиёланиб шўх боқади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИГА

Комсомолман, юрагимда ўт, олов,
Омон топмас менга қарши бўлган ёв
Комсомолман, жасоратли ленинчи,
Ленинчилар элнинг баҳти, севинчи.
Эллик йилдир, комсомолга аъзоман,
Душманларга бердим лойиқ жазо ман,
Коммунистик партия етакчи устоз,
Янги чўққиларга қиласиз парвоз.
Жангларда улғайди бу азиз бошим,
Зафар бўлди доим менинг йўлдошим.
Чапаевлар маҳкам тутди қўлимдан,
Устун чиқдим ҳатто мудҳиш ўлимдан.
Пўлатдек чиниқдим қатъий жангларда,
Босқинчи ёвларим бўлди шарманда.

* * *

*

Тарихда мисли йўқ жангларни кўрдим,
Тинчлик деб ҳамиша ёвга от сурдим.
Врангель, Махнолар бўлди тор-мор,
Юртимда яшнади абадий баҳор.
Колчак, Деникинлар куйиб кул бўлди,
Советлар Ватани шонларга тўлди.

* * *

*

Рус, қозоқ, украин, тоҷику ўзбек,
Яқиндир дўстликда бир қошу кўздек.

Күртимда ҳамма ҳалқ қардан, қадрдан,
Дўстга дўст, ёвларга қақшатқич бўрон.
Гўрга тиқдик фашистларни биз тамом,
Қаҳрамон деб комсомолим олди ном.
Комсомолни қўшиқ қилиб куйлайман,
Дилда борин сизга очиқ сўзлайман.

* * *

*

Сен ҳақиқий ленинчисан, довюракли комсомол,
Жасоратинг тоғ кўтарар, мард билакли комсомол,
Улуғ йўлдан бормоқдасан, зўр тилакли комсомол,
Партиянинг солдатисан, мададкори комсомол,
Қўрқмас жангчи, Ватан баҳти, ифтихори комсомол.

Сен ўзингсан, наъра уриб, ёвни қувган қаҳрамон,
Корчагиндеқ ботирларнинг номин билар кенг жаҳон.
Ҳар нафасда қучмоқдасан ҳур меҳнатда шараф-шон,
Халқим дейди қалбдан сенга — комсомолим, бўл омон,
Сен ҳақиқий ленинчисан, довюракли комсомол.

* * *

*

Тинчликдир ҳалқимнинг қатъий қарори,
Тинчликдир ҳамиша юксак шиори.
Тинчлик билан етдик бизлар муродга,
Тинчлик билан етдик баҳтли ҳаётга.
ГЭСлар қурдик, Ватан бўлди чарогон,
Шер каби борамиз чўққига ҳар он.
Саҳролар айланди бугун бўстонга,
Ҳар ишимиз лойиқ катта достонга.
Пахтадир ўлкамнинг асл бойлиги,
Гулларга қопланган водий, сойлиги.
Ширин-шакар мева тўла боғлари,

Туганимас бойликка кондир тоғлари.
Барида, комсомол, сенинг қўлинг бор,
Комсомолим элга шараф, ифтихор.
Комсомол номида юзлаб қурилиш,
Ҳаммасида улкан зафар, бурилиш.
Беш йилликлар бизга катта имтиҳон,
Комсомолга қойил жумлан жаҳон.
Нур сочмоқда коммунизм чироғи,
Миллионлар қўлида Ленин байроги,
Яша, эй комсомол, доим омон бўл.
Ватанга доимо шарафу шон бўл.
Муборак кўкракда Ленин нишонинг,
Оlamга машҳурдир шуҳрату шонинг,
Қуёшдек нур сочар ҳур Узбекистон,
Олқишлилар бизларни жумлан жаҳон.
Мард қайтмас ҳеч қачон орзу-тилакдан,
Акмалинг қутлайди сени юракдан.

УЙИН ЛАНАРИ

(Халқ қуйи)

Иигитлар — Ишда чечан қиз яхши, ўйнанг, ёр, ўйнанг,
Қизлар — Биздан кўра сиз яхши, ўйнанг, ёр, ўйнанг.
Иигитлар — Гул-лолалар очилди, қаранг ҳар ёнда.
Қизлар — Ўйнаб-кулмай бўларми шундай замонда.
Иигитлар — Жонон қизлар, ўйнангиз, ўйнанг беармон,
Қизлар — Шундай баҳтли замонга жонлар гиргиттон.
Иигитлар — Гам-аламдан йўқ асар озод бўстонда,
Қизлар — Ҳамма ҳалқлар дўст, қардош ҳур гулистонда.
Иигитлар — Товус каби товланиб жилвакор ўйнанг,
Қизлар — Чертиб танбур, дуторни ёр-ёр ўйнанг.
Иигитлар — Авжга чиқсин мусиқа, ғижжак, най, рубоб,
Қизлар — Акмалинг дилида ҳамиша офтоб.
Иигитлар — Ишда чечан қиз яхши, ўйнанг, ёр, ўйнанг.
Қизлар — Биздан кўра сиз яхши, ўйнанг, ёр, ўйнанг.

ГАИ

(Давлат автоинспекциясиға)

Қафтдек текис, равон йўл,
Назоратда ўнг ва сўл.
Дўст, аямас, қаттиққўл,
Адолатли ГАИсан.

Ҳурматда доим номинг,
Тартибу интизоминг.
Меҳнат билан ороминг,
Жасоратли ГАИсан.

Севади халқим жондан,
Пок юракдан, имондан:
Олқиши ёғар замондан,
Ҳароратли ГАИсан.

Элга қалқон кўнкраги
Милициямнинг тираги.
Яхшиликдир тилати.
Инобатли ГАИсан.

Саратонда ё кинча.
Саринжому саришта.
Шаҳримиз осойишта,
Салобатли ГАИсан.

Элда хизматинг катта,
Унутмаймиз албатта.
Йўриғинг шартта-шартта,
Маҳоратли ГАИсан.

Үткір сенинг құзларинг,
Хақиқатдир сүзларинг.
Ярқирап юлдузларинг,
Халоватли ГАИсан.

Фалокат ҳеч бўлмасин,
Гулинг асло сўлмасин.
Багринг ғамга тўлмасин,
Саховатли ГАИсан.

Ёмонларга йўл берма,
Ғафлатга ҳеч қўл берма,
Ақмал ёзгани терма,
Шарофатли ГАИсан.

ОЛТИИ ҚҰЛЛЫ ПАХТАКОРИМ

МЕҲНАТ АҲЛИ

Меҳнат аҳли құлди обод, Фарҳод даштими гулбоғлар,
Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч зоғлар.
Чидолмай душманим фарёд уриб, кўксини минг доғлар,
Суринг меҳнат гурурин чарчамасдан дўстлар, ўртоқлар.

Забардаст ҳалқ музafferадир, ҳамиша қулди давроним,
Қуйиб кул бўлди душман, биз қулармиз йўқдир армоним.
Бу чўллар энди бўстондир, қувоничда келди меҳмоним,
Суринг меҳнат гурурин чарчамасдан дўстлар, ўртоқлар.

Юринг колхозчи дўстлар, сувга сероб пахтазор бўлсин,
Шу кенг водий кўкарсин, яшинасин, бир лолазор бўлсин.
Эзилсин душманим ўз қилмишидан, шармисор бўлсин,
Суринг меҳнат гурурин чарчамасдан дўстлар, ўртоқлар.

Ватан гулзорида ҳар бир йингит, қиз мисли булбулдир,
Очилган пахтазорим, шоналар кулган атиргулдир.
Қувон Акмал, элингда нози-неъмат лаззати мўлдир,
Суринг меҳнат гурурин чарчамасдан дўстлар, ўртоқлар.

ЯНГИ ЕР ТАРОНАСИ

Янги ерлар очди халқ, унди чаман, боғ устида,
Саф чекиб ўсди дарахтлар қанча ирмоқ устида.
Яшнади кенг пахтазорлар, ҳосили сероб бўлиб,
Қақраган чўлларни ювдик, қолмади доғ устида.

Мирзачўлни чўл деманглар, ям-яшилдир ҳаммайёқ,
Яшнаган Фарғонадек бағрида машъал минг чироғ.
Элу юрт обод, фаровон партия меҳри билан
Мўлчиликдан бор нишон ҳар битта япроқ устида.

Сир, Аму, Норин, Зарафшон янги ерда топди шон,
Коммунизм шуъласидан порласин буткул жаҳон.
Минг яша, эй, Москва, Акмални баҳти сен ўзинг,
Порлагай нуринг яна кўп янги қишлоқ устида.

КЕЛДИЛАР

Севганим, фасли баҳорим, лолазорим келдилар,
Ҳам кўнгил мулкида бўлган гулбаҳорим келдилар,
Халқ ишига доимо содиқ, баҳодир — қаҳрамон,
Чўлни бўстон айлаган мард паҳтакорим келдилар.
Белни боғлаб қанча-қанча дўсту ёрим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

Паҳтакорим келдилар, эй янги ер, қўйнингни оч,
Гулга чулғансин бу водий, янги ГЭС, нурингни соч,
Бир умрли бедаво дардингга биз топдик илож,
Энди дерсан, қиши кетиб, ёзим — баҳорим келдилар.
Шаҳди шарбатга тўла олма, анорим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

Унмагай кўксингда энди тоабад янтоқлар,
Ташналиқда бўлмагай бағрингда шўрлар, доғлар,
Энди кўксингда мунаввардир гўзал гулбоғлар.
Акмалинг шоддир, яна мард паҳтакорим келдилар,
Ўзбекистон ҳуснига кўркам баҳорим келдилар.

УРГИЛАЙ

Эй шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилай,
Яшнаган бофу Ватан, саҳро, чўлингдан ўргилай,
Сен ўзингсан эл аро донғин таратган қаҳрамон,
Турмушинг ширин-шакар, нурли йўлингдан ўргилай.

Мақтасам арзир юракдан, катта карвоним ўзинг,
Бахтлисан озод Ватанда, дилда достоним ўзинг,
Кенг жаҳонни тутди чандон пахтакорлик довруғинг,
Шер каби чарчаши билмас, шуҳрату шоним ўзинг.

Пахтакорлик касбини ёш наслимиз қилсин ҳавас,
Меҳнатингдан қанча чўллар бофу роғдир басма-бас,
Тинмайин куйлайди Акмал бахту иқболинг сенинг,
Бир чигитдан ундириш тог — катта ижод, катта дарс

Эй шарафли пахтакор, олтин қўлингдан ўргилай,
Яшнаган бофу чаман, саҳро, чўлингдан ўргилай.

КАТТА КАРВОН ҚУШИГИ

Бир чигитдан тоғ күттарган полвоним,
Сен ўзингсан элда катта карвоним.
Ортган юкинг нуқул олтин, гавҳардир,
Меҳнатингдан чаман бўлди ҳар ёғим.

Пахтазорга ярашади қоматинг,
Куч-қудратда ҳеч ким бўлмас сенга тенг.
Пок юрагинг дарёлардек тошқин, кенг,
Сенинг билан доим порлар чироғим.

Ишқинг билан лов-лов ёнар юрагим,
Омонлиkdir сенга олий тилагим.
Диёримда зинҳор толмас билагим,
Ер-дўстларга мангуд очиқ қучогим.

Водийларни ясантиргин яна ҳам,
Одимла илгари шер каби бардам,
Зафарлар ёр бўлсин сенга дам-бадам,
Давронимда хушнуд ҳар ён, ҳар чогим.

Оlamга машҳурсан, пахтакор номинг,
Ҳақиқатдур айтган ҳар сўз, каломинг.
Дилларга оромдур таъзим, саломинг,
Акмалинг сени дер, яшнаган боғим.

ОЗОД ДИЁРИНГ

Үргилай, эй паҳтакор, озод диёрингдан сенинг,
Ваъдасига чин вафо қилган қарорингдан сенинг.
Меҳнатингдан қақраган чўлларга келди гул баҳор,
Тинч яшаш орзусида отган шиорингдан сенинг.
Сен яратган ҳосилингдан унди олтин тоғлар,
Яңгиерда яшнамоқда қанча гулшан, боғлар.
Шуҳрату шонинг билан оламга машҳурсан ўзинг,
Ҳамма баҳтли, ҳамма шод, обод диёрингдан сенинг.
Яшнамоқда кун сайин турмуш фаровон, ҳур ҳаёт,
Шу ҳаётнинг нашъасидан Акмалингнинг кўнгли шод.
Минг яша, эй паҳтакор, оламга машҳурсан ўзинг,
Ҳамма баҳтли, ҳамма шод, озод диёрингдан сенинг.

КАРВОН КЕЛАДИ

Янги канал сувлари равон келади,
Кўчаларни тўлдириб карвон келади.
Шиорлари товланиб, алвон келади,
Пахта байрами қилиб жавлон келади.

Мунча бахтли экан бу совет даврони,
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

Пахтазорим гўёки яшнаган гулзор,
Водийларда янграйди шўх ялла, гулёр,
Қизлар рўмол ўраган чиройли, гулдор,
Ҳаммасининг қўлида оқ олтин — гул бор.

Мунча бахтли экан бу совет даврони,
Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони.

Оlam-olam севинчга тўла юраклар,
Тоғни талқон қилгудай кучли билаклар.
Акмалда ҳеч тугалмас орзу-тилаклар —
Марралардан маррага илдам етаклар.

РАВОН БЎЛСИН

Қурурмиз зўр каналлар, баҳтимиздек ул равон бўлсин,
Бу сув марданалик донг сочувчи бир нишон бўлсин,
Бу водий сув билан гуллаб, оқ олтинларга кон бўлсин,
Жаҳонда энг улуғ баҳтли, совет халқи омон бўлсин.

Бу ерга мард элимнинг тоғ кесар фарҳодлари келган,
Асов дарёни тўсган довюрак шерзодлари келган,
Қуёшли Ўзбекистоннинг асл дилшодлари келган,
Қурурмиз зўр каналлар, баҳтимиздек ул равон бўлсин.

Тўлиб-тошган билакда куч ва қувват ундирур гуллар,
Чаман, гулзоримда завқ билан сайрайди булбуллар,
Шу нурли йўлда бизларга поёндоз лола, сунбуллар,
Қурурмиз зўр каналлар, баҳтимиздек ул равон бўлсин.

Зарафшон сувлари чўлларни бўстон қилса арзиди,
Зилол сувлар билан ерни гулистон қилса арзиди,
Акмалинг бу канални элга достон қилса арзиди,
Юринг, колхозчи дўстлар, кенг адирлар баҳтга кон бўлсин,
Фаровон, тинч ҳаёт қурган совет халқи омон бўлсин!

ПАХТАКОРИМ

Меҳрим тушган вафодорим,
Оқ олтинга миришкорим.
Сен-ла яшнар ҳур диёrim,
Довруғи зўр пахтакорим.

Ҳалол меҳнат хирмони мӯл,
Чаманзорга айланди чўл.
Истиқболинг ёп-ёруғ йўл,
Довруғи зўр пахтакорим.

Ипак пахта кенг далалар,
Қувноқ, ширин, шод паллалар.
Оҳанграбо шўх яллалар,
Довруғи зўр пахтакорим.

Меҳрим тушган вафодорим,
Сен-ла яшнар ҳур диёrim.
Оқ олтинга миришкорим,
Довруғи зўр пахтакорим.

ГУЛДАСТА

Дилда қайноқ ҳурматимни жойладим гулдастага,
Ҳамма қойил, пахтакор, сен қомати барвастага.
Қомати барваста ёр аҳдингда бордирсан мудом,
Сенга дерман чин юрақдан ассалом, минг ассалом.

Меҳнат ила ошди қадринг ҳур Ватан бўстонида,
Шуҳратинг, шонинг жаранглар элу юрт достонида.
Қўллари олтин ҳамиша, номи шонли пахтакор,
Сен ўзингсан чўл қувиб, саҳрора келтирган баҳор.

Омадинг оламга довруқ, кўкда парвозинг сенинг,
Булбулигё каби гулшанда овозинг сенинг,
Акмалинг куйлар жўшиб баҳтли замонинг ҳар қачон,
Баҳтимизнинг посбони — партиям бўлсин омон.

ШУҲРАТИНГ

Пахтакор, мадҳингни куйлай, сен ўзинг чин қаҳрамон,
Мард элим қалбидаги номинг доимо бўлгин омон.

Пахтадан тоғлар яратдинг эл учун, халқинг учун,
Пок, ҳалол, зўр меҳнатингга офарин дейди замон.

Қақраган чўлларни бўстон айладинг мардонавор,
Сен ўзингсан доимо шонли элимга ифтихор.

Яшнамоқда барқ уриб кўксингдадур олтин нишон,
Пахтакорим сенга қойил тоза дилдан кенг жаҳон.

Минг яша баҳтли замонда еру кўклида шуҳратинг,
Акмалинг куйлар сени тоғ ҳам бўлолмас сенга тенг.

Пахтакор, мадҳингни куйлай, сен ўзинг чин қаҳрамон,
Мард элим қалбидаги номинг доимо бўлгин омон.

Ю Л Д У З И М

(*Пахтакор қизга*)

Колхозимда бир қиз бор, номи юрар эл аро,
Пахта терар тонналаб, толаси олтин, тилло.

Машинада парвози ўхшар худди шунқорга,
Айлантириди чўлларни яшнаб турган баҳорга.

Ақл-идрок бобида қувонтирди элимни,
Шон-шуҳратли меҳнати, мафтун қилди дилимни.

Ақмал юракдан дейди, минг яша доно қизим,
Мусаффо осмонимда чақноқ, ёргуғ юлдузим.

Колхозимда бир қиз бор, номи юрар эн аро,
Пахта терар тонналаб, толаси олтин, тілло.

ҚҰККА ЕТСИН ХИРМОНИНГ

Пахтакорим, жонажоним, полвоним,
Завқи, шавқи, машхур катта карвоним.
Аҳдида тургувчи, тоза виждоним,
Сен билан яшнайди боғи-бўстоним,
Меҳнатда чиниққан асл достоним.

«Оқ олтин»дан хирмонларинг тоғ бўлсин,
Тақир чўллар яшнаб чаман, боғ бўлсин,
Фалабангдан доим кўнгил чоғ бўлсин,
Еққанинг ярқироқ нур, чироқ бўлсин,
Ўзингсан баҳодир марду майдоним.

Ҳар нафасда суръат қўшгин суръатга,
Хушёр бўл ғанимат, ҳар он фурсатга,
Меҳнат билан тўлгин янги шуҳратга,
Лойиқсан ҳамиша чексиз ҳурматга,
Завқи-шавқи машхур катта карвоним.

Теароқ тергин, кўкка етсин хирмонинг,
Дўстларга очиқдир бой дастурхонинг,
Акмалинг тиласи — соғ бўлсин жонинг,
Пахтага макондир Ўзбекистонинг,
Сен билан заррача йўқдир армоним.

ГУЛ ДИЁРИМ ШУҲРАТИ

Меҳнат билан яшнар обод элимиз,
Зафарлардан шодлик тўла дилимиз.
Минг мақтовга ярашади гул диёр,
Гул диёрда халқлар мангу баҳтиёр.

Атир сочар обод, чаман боғлари,
Севинчларга тўла хушнуд чоғлари.
Ғам-аламни билмас ҳеч кимса зинҳор,
Юракда барқ уриб гуллайди баҳор.

Чўл қувади мард юртимнинг эрлари,
Қурашда чарчамас асл шерлари.
Қон-қардошлик Ватанимнинг йўлдоши,
Нур сочар оламга Ленин қуёши.

Дўстлик билан бизлар етдик муродга
Ҳушчақчақ, фаровон, озод ҳаётга.
Меҳнат билан топдик шараф, шуҳрат-шон,
Советлар юртига қойилдур жаҳон.

Илму-фан, маърифат — зўр шиоримиз,
Ҳамиша тинчлиkdir аҳд-қароримиз.
Ақмал кўйлар доим дили шодона,
Пахтакор шуҳрати машҳур жаҳона.

Б А Р А Қ А Л Л А

Зар қадрин билади чин уста заргар,
Заргarmас, зар қадрин билмаса агар!
Пахтамиз толаси — зардан қимматроқ,
Ҳар зумрад күсаги — дилларга чироқ.
Пахта билан халқим баланд иқболи.
Пахтадур қудрати, асалу боли,
Баракалла сенга, пахтакор ўртоқ,
Қайнайди далангда гүё зарбулоқ...
Мұл ҳосил унади кучли құлингда,
Гуллар поёндоздир босган йүлингда.
Оқ олтін ишқида ёнади қалбинг,
Меңнатда ҳеч кимса сенга бўлмас teng.
Ұзингсан миришкор бободеҳқоним,
Кўксимда мавж урган покиза қоним.
Бир дона чигитдан ясатасан боғ,
Пахтадан уясан хирмонлар төғ-төғ.
Меңнатинг юракдан олқишилар ўлка,
Номингни арзиди кўтарсам кўкка.
Пахта деб ёнасан саҳарлар бедор,
Даламга ташлайсан қанча кучинг бор.
Эллик баҳор кўрар ўзбек диёри,
Шу важдан баланддир аҳду қарори.
Тўйингга тайёрла муносиб совға,
Муносиб совға деб босавер олға.
Шону шуҳратларга тўлсин пахтазор,
Ұзингсан бир сўзлик, ишда фидокор!
Ҳақиқий қаҳрамон ўзинг, бешубҳа,
Қатта хирмонларинг тўйга зўр туҳфа.
Жасорат, кучингга келтиридим имон,
Қон-қардошлар чексиз сенга меҳрибон!

СУВЧИЛАРГА

(Terma)

Кўм-кўк қатор ғўзамиш,
Ғўза — олтин кўзамиш,
Сувчиларнинг меҳнатини
Зарҳал билан ёзамиш.

Сувчилар доим бедор,
Ҳосил ишқида ёнар.
Кечалари юлдуздек,
Кўлида чақирап фонар.

Жилдир-жилдир сув оқар,
Ғўзамиш кўкка боқар.
Колхозимиз сувчиси
Кўнглисимизга кўп ёқар.

Пахта — баҳт, иқболимиз,
Юракдаги боримиз.
Бизнинг уста сувчилар
Севикли ҳамкоримиз.

Сувчиdir севган ёrim,
Қатъий берган қарорим.
Аҳдимдан ҳеч қайтмайман,
Гуваҳdir номус-орим.

Ер — кон бўлса, сув — гавҳар,
Меҳнатнинг таги зафар.
Бизнинг колхоз сувчиси
Раҳмат олар ҳар сафар.

Ҳосил тақдирি сувда,
Ҳалол меҳнат, уқувда.
Колхозимиз сувчиси
Ишига моҳир жуда.

Ким билса сувчи қадрин
Пахтакор дейди аслин.
Қузда хирмон кўтарар,
Оппоқ олтин төғ, зарин.

Акмал куйлар сувчини,
Туганмас зўр кучини.
Эл олдида доимо
Бажарап ўз бурчини.

ОЛТИН ДАЛАЛАР

Ҳосил тўла далаларни, тўйиб қаранглар,
Шўх, ўйноқи, завқли куйлар тинмай жаранглар.
Дилга ором берар ҳар дам сахий қишлоғинг,
Мангу яша, ҳеч ўчмасин машъал, чироғинг.

Яшил қишлоқ чиройидир кумуш пахтазор,
Атрофида зеби зийнат олма, узумзор.
Қаналларда зилол сувлар чайқалиб ўйнар,
Қиз-йигитлар меҳнат завқин юракдан куйлар.

Партиямиз халқ ғамхўри, қадрдонимиз,
Ҳаёт эркин, меҳнат озод, хуш давронимиз.
Акмал айтар:— Фалабалар бўлсин пойдевор,
Партиядан совет халқи доим миннатдор.

ПАХТАЗОРИМГА ҚЕЛИНГ

Оппоқ олтинлар кони,
Мардларнинг чин макони.
Қайнаб турар пок қони,
Пахтазоримга келинг.

Аҳдида маҳкам турган,
Меҳнат завқини сурган,
Рулни зафарга бурган,
Пахтазоримга келинг.

Бўлай десангиз илфор,
Қалбингизда гул баҳор,
Ҳар дам сизга интизор,
Пахтазоримга келинг.

Машинага катта йўл,
Кўкка етар кучли қўл,
Ҳосил бўлар яна мўл,
Пахтазоримга келинг.

Ишқи вафо ҳам шунда,
Меҳнат, ором ҳам шунда,
Жасорат, илҳом шунда,
Пахтазоримга келинг.

Акмалнинг севган жойи
Элга машҳур чиройи,
Шўҳ оқар канал, сойи,
Пахтазоримга келинг,

ТЕРИМЧИЛАР ТЕРМАСИ

Чаноқлар хона-хона,
Меҳнат қилинг мардана.
Теримчилар довруғи
Ёйилсин кенг жаҳона...

Машинам бор зангори,
Пахтакорнинг тулпори.
Этаклари пўлатдан,
Деҳқоннинг чин ҳамкори.

Машинамиз баҳтимиз,
Терган пахта нақдимиз.
Нур сочар юртимизга
Москва пойтахтимиз.

Пахтамиз бу — оқ олтин,
Дур дерлар асл зотин.
Баҳтли халқим кўради
Мўл ҳосилнинг роҳатин.

Яшнади гул элимиз,
Кучга тўлди белимиз.
Тоғ-тоғ хирмонлар уйсак,
Завққа тўлар дилимиз.

Тўй устига тўй бўлсин,
Юртимиз гулга тўлсин.
Бизга душман бўлганлар,
Чидолмай куйиб ўлсин.

**Олтин қўлли пахтакор,
Бергин, қанча пахтанг бор.
Акмал тинмай куйлади,
Сени қиши ҳам ёз, баҳор.**

МАРКАЗИЙ ФАРГОНАГА

Эй, азиз дўстлар, келинг, янги гўзал Фарғонага,
Пахтаси қайнар булоқдек, толаси дурдонага.
Ҳар йигит арслон мисоли, қизлари марданага,
Чин баҳодир халқ яратган Марказий Фарғонага.

Партия йўл бошлади, чўлларни бўстон айладик,
Жонажон, шонли Ватан донгини достон айладик.
Гул экиб бағрига, саҳрони гулистон айладик,
Хуш келибсиз, халқ яратган Марказий Фарғонага.

Пахтазорлар яшнасин, меҳнатда довруқ, янги шон,
Қолмасин ҳеч заррача чўлу биёбондан нишон,
Акмало ўлкангда доим ҳамма тинч, хуррам замон,
Тез келинг, колхозчи дўстлар, Марказий Фарғонага!

ПАХТАКОРЛАР ДОВРУГИ

Пахтакорлар довругин ҳар қанча ёёсам оз,оз
Шон-шарафли меҳнати аълодан-аъло, соз, соз.
Мен эмас, олам бутун қойил сенга, қандингни ур,
Яллаларни кўкка ўрлат, яллаларки, дилнавоз.

Сен ахир тоғлар кўтарган паҳлавоним, бўл омон,
Шарқираб оқмоқда чўлда мавж уриб оби равон.
Зўр кураш майдонида тобланди олтин қўлларинг,
Сен ўзингсан ҳур Ватанга ҳам азиҳ, ҳам жонажон.

Катта ҳосил ишқида сен ишладинг мардонавор,
Доимо қатъий қарорсан, доимо аҳдинг барор.
Акмалинг куйлар сени қалбида илҳоми тошиб,
Файратинг кўрсат, яна шонларга тўлсин пахтазор.

ТОЖИХОН

Пахтакор қиз Тожихон,
Тоза қалби кенг жаҳон.
Айтгин, мунча чеварсан,
Чўл қувишни севарсан,
Ухтайсан тўлин ойга,
Шарқираб оққа ўйга.

Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга достон.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!

Чўл юлдузи сен ўзинг,
Ширин-шарбат бол сўзинг.
Механизатор номинг бор,
Ўзинг асил гул баҳор.
Обод Жиззахдир боғинг,
Ҳеч ўчмасин чироринг.

Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга достон.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!

Бахтиёрсан умрбод,
Ғамни билмас, мангу шод.
Нур сочади нишонинг,
Зарра йўқдир армонинг,
Акмал дейди, бўл омон,
Сенга шараф, сенга шон!

**Тожихон, Тожихон, Тожихон,
Меҳнатинг элга достон.
Сенга шон, сенга шон, сенга шон,
Яшнагин, бўлгин омон!**

ТУЙ УСТИГА ТУЙ БҮЛСИН

(Лапар)

Иигит

Пахтазорда кўрдим барно бўйингни,
Чин кўнгилдан айтай қувноқ куйингни.
Жонимдан ҳам сени яхши кўрганман,
Рози бўлсанг, бошлай катта тўйингни.

Қиз

Шошманг, йигит, тўйнинг ҳали пайти бор,
Пайти келмай бунча бўлманг бекарор.
Терим фасли бирга меҳнат қиласийлик,
Майли, бўлсин сўнгра сизда ихтиёр.

Иигит

Тўлин ойдай кулиб туарар ой юзинг,
Кўкрагингни безар Олтин Юлдузинг.
Юрагимга ишқ ўтими солгансан,
Қани энди, менга қатъий бер сўзинг.

Қиз

Сўзим қатъий — план олдин юз бўлсин,
Хирмонлар тоғ бўлиб, кўнгиллар тўлсин.
Ваъдадаги пахтани бериб Ватанга,
Юртимизда тўй устига тўй бўлсин.

Иигит — Қиз

Пахтазорда кўрдим барно бўйингни,
Чин кўнгилдан айтай қувноқ куйингни.
Жонимдан ҳам сени яхши кўрганман,
Рози бўлсанг, бошлай катта тўйингни.

ОЙБҮСТОН

**Комсомол қиз Ойбўстон,
Номинг оламга достон.
Мирзачўлда яратдинг
Обод, янги гулистон.**

**Меҳрим тушди ўзингга,
Доно, ширин сўзингга.
Боқсам, қалбим қувонар
Ойдек кулган юзингга.**

**Чаман боғнинг гулисан,
Элнинг жони дилисан.
Чўлда баҳор яратган
Миллионларнинг бирисан.**

**Ўзинг дилбар, жонона,
Жонлар сенга парвона.
Озод, гўзал барни қиз,
Чўлни енгдинг мардана.**

**Комсомол қиз Ойбўстон,
Номинг оламга достон.
Саҳроларда яратдинг
Янги, обод гулистон.**

ПАХТАКОР УЗБЕКИСТОН

Даерон келган, ўйнаймиз,
Уйнаб-ўйнаб куйлаймиз.
Пахтазорлар қўйнида
Меҳнат қилиб тўймаймиз.

Пахта терсанг тоза тер,
Чаногида қолмасин.
Уни кўрган пахтакор
Қўнгли доғда қолмасин.

Ҳамма чиқсин далага,
Дала тўлсин яллага.
Бир киши ҳам қолмасин
Ўзин олиб панага.

Пахтакорлар соғ бўлсин,
Доим қўнгли чоғ бўлсин.
Терим пайти меҳнатда
Шону шуҳратга тўлсин.

Ёрим моҳир механик,
Ҳунари бор ҳар турлик.
Машинанинг рулида
Яна бўлади кўҳлик.

Теримчилар майдонда,
Жавлон урар ҳар ёнда.
Ҳамма баҳти, шод-қувноқ,
Бизнинг озод Ватанда.

Оқ олтиннинг толаси —
Гулбоғимнинг лоласи.
Мунча ҳам чевар экан
Колхознинг қиз боласи.

Пахта тердим саралаб,
Эгатларни оралаб.
Бир қизни кўриб қолдим,
Кетди қалбга ўт қалаб.

Меҳнат қилинг, эй шоввоз!
Унуми ҳам бўлсин соз.
Мўл ҳосил деб курашдик,
Тинмай баҳор, куз, қиши, ёз.

Боғда булбул навоси,
Ором берар садоси.
Ёргинамнинг боқиши —
Ишқ дардининг давоси.

Терим мадҳин куйлайман,
Қуйлаб сира тўймайман.
Кечалар юлдуз санаб,
Севган ёрим ўйлайман.

Ватанимиз гулистан,
Обод, яшнаган бўстон.
Акмал юртин сўрсангиз,—
Пахтакор Узбекистон.

ДАВР ТЕРМАЛАРИ

Осмондаги уч ўрдак,
Уччаласи ҳам бирдек.
Бизнинг колхоз қизлари
Очишган қизил гулдек.

Боғ айланма шафтоли,
Учган кимнинг капитари,
Айтсан адo бўлмайди
Пахтакор қиз дафтари.

Пахтакор қиз хўп чаққон,
Янги ер гулин таққан,
Ақлу одоб бобида
Элу юртига ёққан.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади.
Қаналга кетган ёрим
Орден тақиб келади.

Сув оқару сув оқар,
Сув тагидан қум оқар,
Ёри куйлаган қўшиқ
Акмалга жуда ёқар.

СИРДАРЁ ҚИЗИ

Дарёларнинг сирин очган Сирдарё қизи,
Товланади кўкрагида Олтин Юлдузи.
Пахтазорга ярашади зебо қоматинг,
Мунча кўркам, мунча дилбар, гўзал савлатинг.

Чин оқила, меҳнатсевар, вафодор жонон,
Довруғларинг бўлсин яна оламга достон.
Водийларни безатмоқда кучли қўлларинг,
Баҳт-иқбол сенга ёрдир — нурли йўлларинг.

Айтингиз-чи, ким севмайди шундай ҳур қизни?
Ой деса ой, кун деса кун, порлоқ юлдузни?
Жаранглайди қўшиқлари янги ерларда,
Унинг меҳри яшар доим миллион дилларда.

Дарёларнинг сирин очган Сирдарё қизи,
Товланади кўкрагида Олтин Юлдузи,
Акмал дейди, минглар яшанг, ҳорманг, бор бўлинг.
Уяуг Ленин замонида давронлар суринг!

ҮЙНАБ-ҚУЛИНГ

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, жонон бўлинг, ёр-ёр,
Шундай ширин замонда ўйнаб-кулинг, ёр-ёр.

Меҳнат билан ясатилган тахтимиз бор, ёр-ёр,
Ҳавас қилса арзидиган баҳтимиз бор, ёр-ёр.

Ёр-ёр айтиб борамиз сой бўйига, ёр-ёр,
Совға қилсан ярашади эл тўйига, ёр-ёр.

Дока кўйлак этагига тут қоқайлик, ёр-ёр,
Келин тушган баҳтли уйда ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама қатланади, ёр-ёр,
Қизни олиб дугонаси отланади, ёр-ёр.

Қизни олиб дугонаси қараб турсин, ёр-ёр,
Оқ сут берган сиажони рози бўлсин, ёр-ёр.

Дарёга тош отманглар, ботар-кетар, ёр-ёр,
Колхозимиз берган ҳосил элга етар, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ой боласи, ёр-ёр,
Бизнинг келин қишлоқнинг гул-лоласи, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, жонон бўлинг, ёр-ёр,
Шундай ширин замонда ўйнаб-кулинг, ёр-ёр.

Ч У П О Н И М

Яша, танти мард чўпон,
Суравер даври даврон.
Писанд эмас чўлонга
Иссиқ, совуқ, қор, бўрон.

Пойенсиз яшил саҳро,
Халққа хизмат муддао,
Қўй-қўзилар яйрайди,
Еқимли, тоза ҳаво.

Бахтлисан гул ватанда,
Озод, гўзал чаманда.
Чорва ўссин, юксалсин
Шу ажойиб бўстонда.

Чорвадорлар бор бўлсин,
Доим бахти ёр бўлсин,
Пок юракли чўпонлар
Юртда донгдор бўлсин.

Чал найингни, чўпоним,
Омон бўл қадрдоним.
Акмал дейди юракдан
Йўқ заррача армоним.

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ

Кўрган ҳавасда гулбогимизни,
Яшил, ҳушҳаво чорбогимизни,
Яшнатиб турар кўм-кўк паҳтазор
Обод, чиройли қишлоғимизни.

Каналлар ичра зилол сув ўйнар,
Танни яйратар шўх, завқли куйлар,
Келишса дилдан кутиб оламиз —
Дўсту ёр, қардош, ўртоғимизни.

Еқимли, дилкаш йигит-қизлари,
Маънога тўла ширин сўзлари,
Яшнаган чаман колхоз қишлоғи,
Сайр этиб кетинг гулбогимизни.

Оlamга машҳур Fанишерлари,
Ҳосилга тўла олтин ерлари,
Кўрингиз, дўстлар, гулга ўралган,
Азиз, мўътабар тупроғимизни.

Кўрган ҳавасда гулбогимизни,
Яшил, ҳушҳаво чорбогимизни,
Яшнатиб турар кўм-кўк паҳтазор
Обод, чиройли қишлоғимизни.

ҚАНДИНГНИ УР, ПАХТАКОРИМ

Аъло ўтдинг имтиҳондан,
Халқим севар сени жондан,
Ҳамма хурсанд мард дехқондан,
Олқишлиди эл ҳар ёндан,
Қандингни ур, пахтакорим,
Даврингни сур пахтакорим.



Кўкка учар пўлат отинг,
Меҳр қўйган қўш қанотинг,
Шерсан ўзинг, шердир зотинг,
Қулочингни очабер кенг,
Қандингни ур, пахтакорим,
Даврингни сур, пахтакорим.



Кўклам чоғи қийналди жон
Чангала урди шамол, бўрон,
Уст-устига тошқин, сурон,
Енгиб чиқдинг сен қаҳрамон,
Қандингни ур, пахтакорим.
Даврингни сур, пахтакорим.



Оппоқ олтин кенг пахтазор,
Мўл ҳосилли чаман гулзор,
Ваъда аниқ қатъий қарор,

**Қандингни ур, пахтакорим,
Даврини ни сур, пахтакорим.**

* * *

*

Терим чоги мәднатингга,
Тан берамиз ҳимматингга,
Минг оғарин ғайратингга,
Ақмал қувнар таърифингга.
**Қандингни ур, пахтакорим,
Даврингни сур, пахтакорим.**

Ҳ О Р М А Н Г И З

Минг тасанно сизга устоз қаҳрамонлар, ҳормангиз,
Сўзда тургувчи эрлар, паҳлавонлар, ҳормангиз.
Мард йигит, мардона қизлар, жонажонлар, ҳормангиз,
Жонлари жонга туташган меҳрибонлар, ҳормангиз,
Тоғ каби хирмон кўтартган қиз-жувонлар, ҳормангиз.

Довруғи оламга кетган ҳур элим шунқорлари,
Чўлда бўстонлар яратган, уста соҳибкорлари.
Сизга ҳурмат, сизга олқиш, пахтазор илфорлари,
Опа-сингил, дўсту-қадрдон, отажонлар, ҳормангиз,
Кўнглимиз мулкида гавҳар онажонлар, ҳормангиз.

Катта жанг майдони гўё ям-яшил, кенг пахтазор,
Ҳам табиат ҳамласин қилдик курашда тор-мор,
Шон-шараф, чексиз зафарлар доимо сизларга ёр,
Номингиз ботир ҳамиша, навқиронлар, ҳормангиз,
Сарви қомат, хушфеъл, соҳибқиронлар, ҳормангиз.

Кўкда бургут лолу ҳайрон ҳалқимиз парвозига,
Тиз чўқар йўлида мағрут шерлар өзозига.
Жўр бўлиб сайрайди Акмал паҳтакор овозига,
Оппоқ олтинлар яратган дўст-ёронлар, ҳормангиз,
Зарбига қойил жаҳон, эй қаҳрамонлар, ҳормангиз.

БАҲОР ТАРОНАСИ

(Лапар)

Қизлар

Баҳор бўлмай аргумоқлар чопарми,
Меҳнат қилмай инсон баҳтин топарми?
Йигит деган меҳнатда мард бўлмаса,
Айтингиз-чи, севганига ёқарми?

Йигитлар

Баҳор бўлмай аргумоқлар чополмас,
Меҳнат қилмай инсон баҳтин тополмас.
Йигит деган меҳнатда мард бўлмаса,
Ундақасин асло ёри ёқтирамас.

Қизлар

Ўзбек элин машъалистон дейдилар,
Пахтакорин донғи достон, дейдилар.
Тўти, булбул шайдо боғу роғига,
Бундай юртни асл бўстон дейдилар.

Йигитлар

Бўстонларга ярашиқлик бўйингиз,
Дилга ором шўх, ўйноқи куйингиз.
Үлкамизнинг номи асил, ҳур диёр,
Бўлаверсин тўй устига тўйингиз.

Қизлар

Ким севиб топишса, баҳтиёр дерлар,
Ваъдасига вафо қиласа чин шерлар.
Шер йигит синовда кўрсатар ўзин,
Ҳур диёр кўркидир сиз каби эрлар.

Й и г и т л а р

Тилингиздан шарбат томар, қизларжон,
Ҳавас қиласр гул-лолалар, қизларжон.
Кўзларингиз оловидан мардларнинг
Юраклари лов-лов ёнар, қизларжон.

Қ и з л а р

Севгучилар тўлиб-тошар ғайратга,
Жонин тикар шарофатли меҳнатга.
Файз берасиз, жон берасиз, жононлар,
Нурли ҳаёт, гуркираган санъатга.

Ҳ а м м а

Узбекистон паҳлавонлар диёри,
Ҳамиша меҳнатда зафарлар ёри.
Меҳри яшар доим Акмал дилида,
Бор бўлсин партия — эллар сардори.

МАЙДОНГА ЧИҚ

Бўлай десанг байроқдор,
Терим жангида илғор.
Тўпла, қанча кучинг бор,
Ҳа, бўл тез, майдонга чиқ!

Қовогин солди осмон,
Жонинг бўлса сог-смон.
Фармон берди соф виждон,
Ҳа, бўл тез, майдонга чиқ!

Ғанимат ҳар дам, фурсат,
Ишда жасорат кўрсат,
Жадал бўлсин зўр суръат,
Ҳа, бўл тез, майдонга чиқ!

Пахта иону тузимиз,
Қатъий ваъда сўзимиз.
Еруғ бўлсин юзимиз.
Ҳа, бўл тез, майдонга чиқ!

Ўзинг кучли навқирон,
Кенг далада сол сурон,
Тоғ кўтарган паҳлавон,
Ҳа, бўл тез, майдонга чиқ!

ШОДЛИК ҚУШИҒИ

Шу азиз Ватанда эллар баҳтиёр,
Ҳамма тинч, ҳур, озод дилларда баҳор
Эҳ, кўкка етгудай юксалар бўйимиз,
Жаранглаб ўйилар қувноқ куйимиз.

Ҳар ишда мададкор,
Улуғ рус ҳалқи,
Жонажон Ватанда,
Қуёшдай балқи.

Қувноқ куйларимиз жўшқинли дарё
Ҳур Ватан тупроғи кўзга тўтиё.
Минг яша дунёда гўзал ҳур ўлкам,
Ўзингсан чаманим ой каби қўркам.

Ҳар ишда мададкор,
Улуғ рус ҳалқи.
Жонажон Ватанда,
Қуёшдай балқи.

Ч И Н О З И М

Меҳри-ишқим сенда доим, Чинозим,
Ўзингсан қўлимда шўх, олтин созим.
Чаманингда учар қушдек яйрайман,
Завққа тўлиб, булбул каби сайрайман.
Мунчалар дилрабо боғи-роғларинг,
Қаҳқаҳа, шўх кулгу, хушнуд
чоғларинг.

Бир томон Чирчиғу бир ён Сирдарё,
Табаррук тупроғинг кўзга тўтиё.
Машҳурдирсан, тарихларда номинг
бор,

Меҳнат билан топдинг шараф,
эътибор.

Яллама, Қурама, Кўтарманг обод,
Халқларинг ҳамиша баҳтли, хуррам,
шод.

«Пахта» дерлар Турсунойнинг
қишлоғин,
Олтин ғўза ўраб олган ҳар ёғин.
Баланд тепа атрофида йўл тушган,
Кенг майдон Чирчиқ билан
туташган.

Қўловулда унди янги гулшан, боғ,
Дўйстларга юракдан очади қучоқ.
Исми-жисми билан «Олмазор»нинг
бор,

Ҳамиша бизларга баҳту иқбол ёр,
Гул сочар ўлкамга Чиноз баҳори,
Курашда енгилмас мард пахтакори.
Шер каби наъравор ўғил-қизларинг,

Қанчалар меҳрибон, ой, юлдузларнинг.
Үтган йили бажарилди планинг,
Аҳдингга яраша унди хирмонинг.
Ҳа, бўл, дейди сени тинмай гулбаҳор,
Далага ташлагин қанча кучинг бор.
Шу кунда ҳал бўлар ҳосил тақдери,
Унутма меҳнатда зафарнинг сири.
Ваъдага вафоли асл деҳқонсан,
Жангларда синалган мард

пахтакорсан.

Пахта, тилла, гўшт, сут яна мўл
бўлсин,
Чорва маҳсулига элу-юрг тўлсин.
Дунёни қопласни қовун-тарвузинг,
Амалда муҳайё ҳар айтган сўзинг.
Тошкентим довругин кўтар фалакка,
Интилган етади орзу, тилакка.

Акмал ёзди сенга жўшиб мадҳия,
Үтган йилдек яна машҳур бўл дея.
Меҳри ишқим сенда доим, Чинозим,
Ўзингсан қўлимда шўх олтин созим.

ВИЖДОН АМРИ

Офарин, заҳматкаш пахтакор ўртоқ,
Мехрингга тан бериб очамиз қучоқ.

Бўронни қайирар балқиган кучинг,
Ваъдани бажариш муқаддас бурчинг.

Отлигу пиёда кездим далангни,
Жасоратда кўрдим қизғин паллангни.

Таърифлаш қийиндир бу йилги ҳолни,
Дўл, ёмғирлар чақиб кетди ниҳолни.

Ҳаво жуда инжиқ, жуда паст келди,
Унга фақат сенинг сабринг даст келди.

Чақмоқ чақиб асов бўронлар ўтди,
Сел қайнаб, тоғларда суронлар ўтди.

Ойлаб тўхтамади шалаббо ёмғир,
Далада ишларинг машақкат, оғир.

Ором билмай, бир дам кундуз ва тонгда,
Қайта экдинг чигит ҳатто июнда.

Пайҳон бўлди қанча пахта майдони,
Туганмасдир халқим меҳнат достони.

Ҳақиқий қаҳрамон қорақалпоғим,
Офатларни енгган иним-аймоғим.

**Хоразм кўклами Амуга аён,
Нималар кўрмади у бобо дехқон.**

**Андижон, Фарғона, гўзал Тошкентим,
Меҳнатда синалган дилга пайвандим.**

**Наманган, Бухоро, азиз Самарқанд,
Хирмонинг Чотқолдек бўлсин сарбаланд.**

**Қашқадарё, Жиззах, азamat Сурхон,
Неча бор бўлганман далангда меҳмон.**

**Сирдарё оқлади ўзини жангда,
Шеър, қўшиқ ёзаман жўшқин оҳангда.**

**Қайсар табиатни енгдик мардона,
Майдонда яшнади янги дурдона.**

**Ҳар дамда ҳаволаб довонлар ошдик,
Олма гулидаги сойлардек тошдик.**

**Кудратин кўрсатди азим техника,
Фолиблик олдида ожиз техника!**

**Синовлардан аъло ўтган паҳтакор,
Ҳар лаҳза ғанимат, унутма зинҳор.**

**Бўронни қайирап балқиган кучинг,
Ваъдани бажариш муқаддас бурчинг.**

* *
*

**Унутмаки, ер тўймаса эл тўймас,
Меҳнат юзни ерга қаратиб қўймас.**

**Ғайрат отин «чұх»лаб, қамчилада тезроқ,
Ташаббус қайнасин мисоли булоқ.**

**Мусобақа авжга чиқсан даңада,
Бир киши қолмасин соя, панада.**

**Далага чиқмаган бир жон қолмасин,
Мәхнаткаш олтин құл асло толмасин.**

* * *

*

**Пахта билан фахрланар Ватаним,
Пахта билан яшнаб турар чаманим.**

**Пахта бойлик, пахтанғ қудрат әлимга,
Нур сочади «оқ олтинг»нг дилимга.**

**Пахтадир дүстликнинг асл тимсоли,
Бу дүстлик яшайди қүёш мисоли.**

**Пахта билан ҳалол ушатган нонинг,
Пахта билан күркем бой дастурхонинг.**

БАҲОР ҚЕЛДИ

Баланд-баланд тоғлар ошиб,
Дарёлари тұлыб, тошиб,
Тезроқ бүл деб шошиб-шошиб,
Баҳор келди, баҳор келди.

Деҳқон бұлсанг турғин тезроқ,
Кенг далага юргин тезроқ,
Мәхнат кайфин сурғин тезроқ,
Баҳор келди, баҳор келди.

Ҳар нафасинг тиллога teng,
Қулоқларинг очилсін кенг.
Шимарилсін мардана енг,
Баҳор келди, баҳор келди.

Мустаҳкамдир пойдеворинг,
Мұл ҳосилдур номус-оринг,
Ақмал дейди: Мангу ёринг,
Баҳор келди, баҳор келди.

ОРОМИМСАН ЎЗГИНАНГ

— Яшнаб турган баҳоримсан ўзгинанг,
Севиб чertган баҳт торимсан ўзгинанг.
Шодлик яшар тоза дилингда,
Меҳр қўйган дилдоримсан ўзгинанг.

— Сен десам қалбимда қайнайди илҳом,
Ўзингсан Санобар, ўзинг Диlorом,
Ҳамиша соғ бўлгин ушбу дунёда,
Меҳр қўйган оромимсан ўзгинанг.

Умрбоддир сенга берган паймошим,
Ўзгинангсан менинг қоши камоним,
Асррагандек кўз мулкини мужгонинг,
Тунлар кутган бедоримсан ўзгинанг.

Ёрижоним менга чексиз меҳрибон,
Юракларда йўқдир заррача армон,
Ишқи вафо яшар доим дилимда
Акмал дейди ашъоримсан ўзгинанг.

САОДАТЛИ ВАТАНДА

Д У С Т Л А Р И М

Жондан ортиқ, жонажоним, дўсту ёримдир менинг,
Мақтасам арзир юракдан, куч-мадоримдир менинг.
Қалблари қалбга туташган, жонлари жонга туташ,
Мевазорим, боғу роғим, дилда боримдир менинг.

Ниятим, орзум ушалди ҳар нафас дўстлар билан,
Йўлларимга гул тўшалди ҳар нафас дўстлар билан.
Минг яшанг дунёда доим, кўрмангиз асти завол,
Қон-қариндош, ёру дўстим, ифтихоримдир менинг.

Гуркираб кулган баҳор, машҳур шифокор ўзлари,
Ҳамма юлдузлар ичиди ярқироқ юлдузлари,
Яхши дўстсиз ҳужрадек тордир кўзимга кенг жаҳон,
Дўстларимдир шодлигим, дўстлик шиоримдир менинг.

Эслагайман сизни доим токи умрим борича,
Чеҳрангиз гулгун очилсин, гул Ватан гулзорича,
Акмалингиз кўнглида сизга туганмас меҳри бор,
Дўстларим, жону дилим, зўр эътиборимдир менинг.

ОМОНМИ?

Ассалому алайкум, қариндошлар омонми?
Бирга ўсган жўралар, ёр-йўлдошлар омонми?
Опа-сингил, дўст-ёрлар, барча ёшлар омонми?
Нуроний чол-кампирлар, азиз бошлар омонми?

Бахтимизга ҳамиша сизлар омон бўлингиз,
Яшашда мисли қуёш, гўё замон бўлингиз,
Меҳнат билан Ватанга шарафу шон бўлингиз,
Режани ўринлашда кучли бўрон бўлингиз,
Бирга ўсган жўралар, мард йўлдошлар омонми?

Жаҳонга номи кетган зап баҳодир эрларсиз,
Канал қазиб, чўл қувган, наъра тортган шерларсиз,
Ўтказарсиз ҳадемай жаҳоншумул тўйлар сиз,
Карнай, сурнай, ногора — зафар куйин куйларсиз,
Опа-сингил, дўст-ёрлар, барча ёшлар омонми?

Акмалингиз қалбида сизга чексиз меҳр бор,
Тан-жонингиз соғ бўлсин, кўнглингизда гул баҳор,
Сиз ўзингиз ҳамиша ҳур Ватанга ифтихор,
Сизлар билан гуллайди поёни йўқ паҳтазор,
Қалбимизга ўт солган қалам қошлар омонми?

САЛОМ

Жонажон дўстларга биздан, янги бўстондан салом!
Меҳнати шавкатли қизлар, барча ўғлондан салом!
Мирзачўлдан сизга табриклар, саломлар йўлладик —
Бундай янги шаҳар, янги гулистондан салом!

Мавж уриб қайнар булоқдек меҳнату иходимиз,
Минг зафар қучган курашда ҳур совет авлодимиз.
Гуллатиб чўлларда доим пахтазору янги боғ,
Барқ уриб кулган чаманларда қадрдан салом!

Янгради, парпираб ёнди ҳаётнинг машъали,
Яшнагай чўл ўрнида қанча гулистонлар ҳали,
Акмалинг куйлар ҳамиша, Партия йўлбошчимиз,
Халқ учун ҳар ишга тайёр марди майдондан салом!

ДҮСТЛАР ЖАМОЛИ

Армоним дўстларнинг висоли,
Дилимда қуёшдек жамоли.
Қувончим сарбаланд камоли,
Меҳнатда шарафу иқболи.

Чўллардан сой бўлиб оқамиз,
Кўкракка баҳт гулин тақамиз.
Ватанга қудратли қалқонмиз,
Дўстликда оламга ёққанмиз.

Доимо ўзингиз қалбимда,
Нуроний юзингиз қалбимда.
Даводек сўзингиз қалбимда,
Чарақлар кўзингиз қалбимда.

Чаманлар бағрида яйрайлик,
Завқ билан булбулдек сайрайлик.
Акмал дер: Жўш уриб қайнайлик,
Дўстликни ёддан ҳеч қўймайлик.

Армоним дўстларнинг висоли,
Дилимда қуёшдек жамоли.

САОДАТЛИ ВАТАНДА

Саодатли Ватанда барча миллат қон-қардошим,
Қозоғу туркману тожик чин ўртоқ, мангу йўлдошим.
Заковатли улуғ рус халқи этди бизни миннатдор,
Мен ўзбек ўғлиман баҳтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

Жаҳонда борми ҳеч шундай Советлар ютидек обод,
Ҳаёт қувноқ, фаровон, ғамни билмас, ҳамма хуррам-шод.
Элимнинг фикри зикри тоабад тинчлик шиоридир,
Мен ўзбек ўғлиман баҳтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

Ҳалол меҳнат билан шуҳрат қозондик, донгимиз достон,
Тақир чўлларда унди боргу роғлар, яшиади бўстон.
Севикли партия — доно ҳамиша бизга ёр, устоз,
Бу Акмал шунга баҳтли, ҳамма эл қавм-қариндошим.

ДҮСТЛИК ТАРОНАСИ

Яхши одам олқиши олар элидан,
Уз халқини севар жону дилидан,
Дүст тушунар, дүсти учун жон фило,
Хар нафасда гуллар ўсгай йўлидан.

Гуллар қўшинг, гулдастамиз — гулдаста,
Меҳнат билан юртим яна барваста,
Дўстликандир асл яшаш маъноси,
Дўсти борнинг кўнгли бўлмас шикаста.

Дўстсиз киши гўё ёлғиз қамалда,
Дўстлик доим ривож топсин амалда,
Дўстлик билан машҳур совет диёри,
Дўсти кўп юрт ғам кўрмас ҳеч маҳалда.

Бўстонимда ҳамма баҳтли, дўст-ёрдир
Чин дўстлик Ватанда мангу шиордир.
Дўстлик юрти дерлар Акмал чаманин,
Юракда мавж урган ялла, гулёрдир.

ОЛҚИШ

(Тошкент қурувчиларига)

Чин юракдан олқиши бу, эй қаҳрамонлар,
Дилингизда қолмасин зарра армонлар.
Дүстлик нурин сочдингиз бутун оламга,
Кучингизга қойилдир замин, замонлар.

Инсонга чин безакдир ҳунар, наққошлиқ.
Фалабани ҳал қилас дүстлик, қардошлиқ,
Раҳмат деймиз юракдан сизга доимо,
Қурувчидан туганмас мардлик, бардошлиқ.

Тошкент шаҳрин яна тез, гўзал қурингиз,
Эркин меҳнат нашъасин расо сурингиз.
Кундан-кунга яшнасин ўзбек пойтахти,
Янги шону шуҳрат деб олға юрингиз.

Бирингиз рус, украин, молдаван, қозоқ,
Ватанимда ҳамма ҳалқ мангут иттифоқ.
Туркман ўғли, мард тоҷик, грузин, арман ҳам
Бир-бирига қон-қардош, меҳрибон, ўртоқ.

Зилзилани қайтарган ботир эрларсиз,
Меҳнатда ҳеч ҷарчамас қиз-йигитларсиз.
Тоғ кўтарар бир зарбда битмас кучингиз,
Кенг жаҳонга сиз машҳур, асиш шерларсиз.

Номингиз зўр, фахрли уста бинокор,
Совет юрти сиз билан қилур ифтихор.
Қуёш каби минг яшсанг озод дунёда,
Коммунизм даврида ҳамма баҳтиёр.

М Е Ҳ М О Н И М

Бош устига, келинг, азиз меҳмоним,
Меҳмонга очиқдир йўл дастурхоним.
Меҳмон билан хонам обод, юрт обод,
Яхши меҳмон доим дилни қиласар шод.

Пок юрак меҳмонга интиқман, зорман,
Қон-қардош дўстларга тоабад борман.
Топганим ҳаммаси қутлуг меҳмонга,
Хурматин кўтарай гўё осмонга.

Сатқайи бурда нон сўзи ёлғондан,
Безорман тамагир, қаллоб меҳмондан.
Акмалинг ташнадир меҳмонга ҳар чоқ,
Жонажон меҳмонга очаман қучоқ.

Бош устига, келинг, азиз меҳмоним,
Меҳмонга очиқдир мўл дастурхоним.

ПОЛЬ РОБСОНГА

Жаҳон тинглар, янграп эфирда,
Джоу Хил ҳақида негр қўшиги.
Кейин русча бошланар бирдан,
Бу қўшиқнинг ҳамма ошиғи:
«Волга-Волга, эй она дарё —
Чуқур ва кенг денгизсан гўё!»

— Бу қўшиқлар — мардона, дейди
Оlam уни севади чексиз.
Бу қўшиқни ким айтган эди?
Баравж овоз — оламда тенгсиз,
Эрк излаган негр ўғлони —
Бўлган эди элим меҳмони.

Қўшиқлари гўёки оташ —
Парвоз этар эди кўк сари.
Ҳарорати мисоли қуёш,
Мазмунида дўстлик хабари,
Куйларига бўлиб маҳлиё,
Куч олади қўшиқдан дунё.

ЯХШИ НОМ

Яхшилардан қолар доим яхши ном,
Яхшиларнинг номи дилларда мудом,
Яхшиларга ҳурмат, олқиш, эҳтиром,
Эл ичида яхши инсон яхшидур.

Яхшилар меҳнатда чўлни боғ этар,
Яшнатиб кўнгилни гўё тоғ этар,
Ширин сўзда беморни ҳам соғ этар,
Атрин сочган боғ-бўстон яхшидур.

Яхши билан юриб топдим баҳт, иқбол,
Юракдан ишладим халқимга ҳалол,
Бизга ҳамдам доим порлоқ истиқбол,
Она юртим, ҳур гулистон яхшидур.

Яхшиларнинг яхши номи китобда,
Китоб эмас нур сочади офтобда,
Акмал куйлар яхшиларни ҳар бобда,
Яхши билан ҳар дам, ҳар он яхшидур.

НУРАФШОН ТОЖИКИСТОНСАН

Советлар юртида озод,
Чароғон Тожикистонсан.
Ҳамиша улфатинг шодлиқ,
Фаровон Тожикистонсан.
Ҳазонсиз яшнаган бўстон,
Гулистон Тожикистонсан.
Жасорат — қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Дар ин мулки Советҳо
Ҳур, чароғон Точикистони,
Ҳамеша улфатат шоди,
Фаровон Точикистони.
Ба ёру дўстон ғоят
Қадрдан Точикистони,
Баҳори бехазон, зебо,
Гулистон Точикистони.
Жасорат, қудратат зўру
Нурафшон Тожикистонсан.

Буюк Фирдавсий, Жомий,
Айнийларнинг гул днёрисан.
Мудом тинчлик шиоринг,
Эркесвар халқларни ёрисан.
Дили пок, яхшиларни
Доимо сен интизорисан.
Муборак давру давронинг,
Бахти хандон Тожикистонсан.

Жасорат-құдратинг зұрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Помирдек қад күттардинг,
Водийларни айладинг обод.
Ажойиб ҳур Ватанда ҳамма баҳтли,
Ҳамма хуррам, шод.
Азизсан юртимизга, тоғигим,
Қалбимда номинг ёд.
Яшайсан баҳтли давронда,
Қадрдан Тожикистонсан.
Жасорат — құдратинг зұрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Ватанда ҳамма ҳалқлар
Сенга қардош, баҳтиёр бўлдинг.
Улур ҳиссанг билан
Тинчлик йўлида барқарор бўлдинг.
Шарафли меҳнатинг бирлан
Чаману лолазор бўлдинг.
Қариндош, ёру дўстларга
Қадрдан Тожикистонсан.
Жасорат — құдратинг зұрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Чақирдинг марҳабо деб,
Эй буюк юрт, келдим қошингга.
Юракдан офарин дерман
Фидокор қари — ёшингга.
Базинҳор тушмасин ҳеч дөр,
Ширин турмуш, қуёшингга.
Жаҳонда довруғинг достон,
Ғазалхон Тожикистонсан.

Юраклар завққа тұлди
Богу, рофу гул камолингдан.

Унутмас баҳра олдим сойларнингдан,
Шаҳду болингдан.
Тасаддуқ Ақмалинг ҳар дам
Сенинг дилбар жамолингдан.
Севикли икки фарзанд —
Ўзбекистон, Тожикистонсан.
Жасорат — қудратинг зўрдир,
Нурафшон Тожикистонсан.

Н У Р Ч И Л А Р

Ойдек равшан йўлингиз,
Нур яратар қўлингиз,
Гавҳар айтган сўзингиз,
Бахти боққан нурчилар.

Номингиз ер, осмонда,
Шуҳратингиз достонда,
Яшанг чаман, бўстонда,
Ишда чаққон нурчилар.

Олмос, ёқут, нурмисиз,
Ё нурли юлдузмисиз,
Олтин, садаф, дурмисиз,
Элга ёққан нурчилар.

Фарҳод ГЭСларин қурган,
Меҳнат кайфини сурган,
Ҳамиша олга юрган,
Дарё тўсган нурчилар.

Сиз ҳақиқий қаҳрамон,
Қойил сизга кенг жаҳон.
Раҳмат дейди ҳур замон,
Орден таққан нурчилар.

Ленин айтгани бўлди,
Гул диёр нурга тўлди,
Ғанимлар кўйиб ўлди,
Элга ёққан нурчилар.

ТОШКЕНТИМ МЕТРОСИДА

Шаҳримга кўрку чирой,
Турфа мармар, ажиб жой,
Нур сочади ўлдуз, ой
Тошкентим метросида.

Табаррук, зар тупроғи,
Лўстга очиқ қучоги,
Яқин бўлди йироги,
Тошкентим метросида.

Москвадан куч олур,
Оlamга довруқ солур,
Эл зафар маршин чалур
Тошкентим метросида.

Ер остида кошона,
Осиёда ягона,
Ундан ёруғ пешона,
Тошкентим метросида.

Бағри гўё қенг жаҳон,
Олтин тўйға армуғон.
Ақмал дейди, эл шодон
Тошкентим метросида.

МОСКВА — ХАНОЙ

Улуг дўстлик шиоринг,
Мустаҳкамдир қароринг,
Ватандир гул баҳоринг,
Озод, баҳтли диёргинг.

Н а қ о р а т

Яшна Ханой, Москва,
Яша Ханой, Москва.

Халқимиз, қому қардош,
Бир-бирига дўст, йўлдош,
Тинчлик ишидир қўлдош
Бўронга берар бардош.

Н а қ о р а т

Яшна Ханой, Москва,
Яша Ханой, Москва.

Файратинг тошқин дарё,
Салобатинг Сир дунё,
Пахтазоринг бебаҳо,
Жаҳон сенга маҳлиё.

Н а қ о р а т

Яшна Ханой, Москва,
Яша Ханой, Москва.

**Мард, баҳодир халқинг бор,
Москвадир байроқдор.
Буюк истиқболинг ёр,
Душманларинг тору мор.**

Н а қ о р а т

**Яшна Ҳаной, Москва,
Яша Ҳаной, Москва,**

**Коммунистик партия,
Улғайдик сени дея,
Акмал ўқири мадҳия,
Омон бўл эл баҳтига.**

Н а қ о р а т

**Яшна Ҳаной, Москва,
Яша Ҳаной, Москва.**

МУҲАББАТ ЙОЛДУЗИ

ЖОНДАН АЗИЗ

Бағрима ишқи туташган ёргинам жондан азиз,
Ёргинам олган нафас ҳар лаҳза, ҳар ондан азиз.

Мавж ураг дарёсимон жонимда меҳрим ёр учун,
Ҳар куни гулдаста боғларман ўшал ҳамкор учун.

Тўти, булбул, қумрилар сайрап элим ҳар ёғида,
Бахтиёрман ёр билан обод Ватан гулбогида.

Мақтасам арзир вафолик паҳлавоним васфини,
Завқ ила, гулёр ила куйлаб саодат азмини.

Акмало, қалбингни оч, кўрсат унга ишқ бοгини,
Билсин у, бу ошиёнда мангуга қолмогини.

Бағримга ишқи туташган ёргинам жондан азиз,
Ёргинам олган нафас ҳар лаҳза, ҳар ондан азиз.

ДИЛ КУИИ

Сен менинг жону дилимсан, ўзгага дил бермагил,
Бевафолар боғидан ҳам ошиқиб гул термагил.
Сен ўзинг гулдек очилган шу вафо бўстонида,
Ярқираб, кўзларни ўйнат, ҳеч заволни кўрмагил.

Аҳди ёлғон, бетайинлар арзимас кўз ёшингга,
Қанча савдолар солибди бегуноҳ ёш бошингга,
Садқайи кўз ёши кетсин, оғу солма ошингга,
Ишқни снгил ўйлагандан эзгу маъно сўрмагил.

МУҲАББАТ ЮЛДУЗИ

Мен тинимсиз талпинарман йўлларингга ҳар қачон,
Жонгинамнинг жонисан, жононгинам, бўлгин омон.
Яшнаган бوغу баҳорим, лолазоримсан ўзинг,
Шунчалар ёрқин бўларми кўкда порлоқ юлдузинг?

Сенга бўлган меҳру ишқим қатраси дарёсимон,
Офтобдек нурланур кўнглим сени кўрган замон.
Қайси сўз-ла айтайнин, мақташга ожиздир тилим,
Бир нафас, ҳа, бир нафас сенсиз ёришмайди дилим.

Яхши орзу, яхши ният, мақсадингга етгали,
Чўл қуварсан эл учун саҳрони обод этгали.
Акмалинг куйлар тарона, довруғингга куй тўқир,
Севгида ҳеч ким бўлолмас сенга teng, деб мадҳ ўқур.

ПАРВОНАМАН

Севганим сен деб у кун, қалбим баҳор этдинг мени,
Ваъда айлаб ишқ, вафодан, бахтиёр этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени,
Не сабабдан, жонгинам, васлингга зор этдинг мени,
Эй, нигор, термултириб мунча хумор этдинг мени.

Тинч-фаровон турмушим, обод диёrim қўйнида,
Гуллаган мангу чаман, дилшод диёrim қўйнида,
Ҳамма шод, бахтли, омон, озод диёrim қўйнида,
Не сабабдан, жонгинам, васлингга зор этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени.

Сориниб дилдан сени ишқинг ўтида ёнаман,
Сен чироқ бўлсанг мабодо мен унга парвонаман,
Акмалинг дейди висолингга қачон мен қонаман,
Севганим сен деб у кун қалбим баҳор этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени.

МУҲАББАТИНГДАН

Кўйди жисмим беомон ишқи муҳаббатингдан,
Кўйингда ақлим ҳайрон ишқи муҳаббатингдан,
Қилма мени кўп сарсон ишқи муҳаббатингдан,
Қийналди танда жон ишқи муҳаббатингдан,
Ҳажрингда дилим нолон ишқи муҳаббатингдан.

Лайли бўлсанг, ўзгинам мажнунинг бўлай дейман,
Мафтун этган юзингга термилиб тўяй дейман,
Сен ўт бўлсанг мабодо, ўртаниб куяй дейман,
Аҳдимни зарра бузсам, тил тортмай ўлай дейман,
Чекаман оҳу фиғон ишқи муҳаббатингдан.

Ширин ёрим, ҳар маҳал бир баҳона пеш қилма,
Нозингга жон тасаддуқ, баҳоримни қиши қилма,
Найза санчиб багrima, бир зулмингни беш қилма,
Фидойингман умрбод, ағёрни ҳеч эш қилма,
Акмалинг куйиб-ёнган ишқи муҳаббатингдан.

К Е Л М А Д И Н Г

Қўзларим йўлингда қолди, нозли ёрим, келмадинг,
Келди-ю наврўзи олам, сен баҳорим, келмадинг,
Ўзгинангсан дилбарим ҳам дилда борим, келмадинг,
Дилда борим, гулбаҳорим, лолазорим, келмадинг,
Интизор айлаб мени юзи анорим, келмадинг.

Сен ўзингсан дилгинамга нур сочиб ёнган чироқ,
Жонима ўтлар солиб сен, бунчалар кетдинг йироқ,
Бунчалар кетдинг йироғу бунчалар қийнар фироқ,
Қўзларим йўлингда қолди, нозли ёрим келмадинг,
Келди-ю наврўзи олам, сен баҳорим, келмадинг.

Кел бугун, зор этма ортиқ, ёри жоним ўзгинанг,
Қанду новвотдай ширин янграр қулоқда сўзгинанг,
Акмалинг олди дилин қоп-қора жоду кўзгинанг.
Ўзгинангсан дилбарим ҳам дилда борим, келмадинг,
Интизор айлаб мени юзи анорим, келмадинг.

А И Т А Й И Н

Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайнин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайнин.
Сарвинасум, сия bogимда гул-райхсанум, айтайнин,
Ишқ ҳатимни ёдим дилдан, шўх мужгоним, айтайнин,
Нурли оқшом — севги сиррин, Гулжаҳопум, айтайнин.

«Севдим» деган сўзни айтиш осон эмас, билсангиз,
Жавоб айлаб, майли сўнгра пок кўнгилни тилсангиз,
Тоғ бўларди кўксим агар зарба парво қилсангиз,
Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайнин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайнин.

Давронимиз чин муҳаббат, ҳур севгининг даврони,
Бизга ётдир ёр йўлида ошиқларнинг фифони,
Акмал жўшиб куйлар дилдан, мадҳида шўх жонони,
Дилгинамда на сирлар бор — келинг, жоним, айтайнин,
Яширмасдан орзуларим ҳам армоним айтайнин...

ДЕМАНГ

Кўкда сузса тўлин ой, юзда доги бор деманг,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор деманг,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор деманг,
Бевафо жонни тикмаса, асло уни ёр деманг.

Асл ошиқ тортмасин севгининг ҳижронини,
Бузолмасин ҳеч рақиб икки дил паймонини,
Айрилиқ оташида куйдирмасин жонини,
Фам-аламга солмасин асло ширин жонини,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор деманг.

Сохта ошиқ кирмасин ҳеч муҳаббат боғига,
Ўзи тушсия ўзининг ташлаган қармоғига,
Жони куйсин, етмасин юз кўришнинг чоғига,
Қолсин умри борича сохта ишқи доғига,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор деманг.

Кўкда сузса тўлин ой, юзда доғи бор деманг,
Ёр агар дил очмаса, дилбару дилдор деманг,
Сочмаса гул атрини, ҳеч қачон баҳор деманг,
Бевафо кўз сузса ҳам, кўзлари хумор деманг,
Дўйстларим, Акмал сўзин асти сиз бекор деманг.

А И Т И Ш У В

(Лапар)

Иигит

Гулгун ёнган гулмисиз,
Айтинг, мунча сўлимсиз?
Ёмон кўздан асрасин,
Сочлари сунбулмисиз?

Киз

Сайраб учар бўзтўрғай,
Сайрамаса на бўлғай?
Ёрим ширин жонимни
Қийнамаса на бўлғай?

Иигит

Гулзоримда ғунча кўп,
Қарашибангиз бунча кўп.
Қийнаган ўзингиз-ку,
Қачон тўйга дейсиз хўп?

Киз

Қайрилма қош қораси,
Битмас ишқнинг яраси.
Жондан севган ёргинам
Иигитларнинг сараси.

Иигит

Акмал кўнглин олибсиз,
Ишқ савдосин солибсиз.
Ваъдага вафо қилмай,
Уволига қолибсиз.

СЕВГАНИМ-СЕВГАН

Жондан севгандим сени, севганим-севган,
Унутмагин ёр мени, севганим-севган,
Унуссанг ҳам сен мени, севганим-севган,
Унутмайман мен сени, севганим-севган.

Гулзоримда яшнаган гулим ўзингсан,
Гул, раънолар ичиди сўлим ўзингсан,
Юрагимни ёритган нурим ўзингсан,
Жондан севгандим сени, севганим-севган.

Ўзгинаннга бунча ҳам бермасанг оро,
Жоним, менинг ишқимга бўлма бепарво,
Ағёрни ҳеч ўзингга кўрмагин раво,
Унутмагин ёр мени, севганим-севган.

Битсин дейман алдамчи, бегоналарни,
Кўйдиради улар пок кошоналарни,
Жондан севар Акмалинг жононаларни,
Унутмайман ҳеч сени, севганим-севган.

СИЗНИ ҚҮРГАНДАН БЕРИ

Ишқ дардин тортадурман сизни кўргандан бери,
Кўкда кулган мисли ой, юлдузни кўргандан бери.
Шунчалар кўркам бўларми турфа гуллар гулшани
Қош эмас, қўйма қалам, қундузни кўргандан бери,

Зордирман васлингизга, эй, гўзал барно, билинг,
Сайр әтиб гулбогимизга ёр-ёр айтиб келинг.
Лайлию, Фарҳоду Ширин бизга қойил қалбидан,
Янги ерда халқ яратган янги бўстонни кўринг.

Чин муҳаббатдан мисолдир өлга хизмат ҳар маҳал,
Бир кўчат өкмоқ зарурдир, майли ҳар кун лоақал.
Ақмало, қалбнигни очгил севганинг — ёр олдидা
Ховлиқиб қошииг чимирма кеккайиб сен ҳеч маҳал,

Седги дардин тортадурман сизни кўргандан бери,
Кўкда кулган мисли ой, юлдузни кўргандан бери.

ҚАРОРИМ ЎША-ЎША

Уни севаман жондан,
Жўш урган тоса қондан.
Дилга ўт тушган ондан —
Қарорим ўша-ўша.

Аҳдимни ҳеч бузмайман,
Үндан умид узмайман.
Висолини кўзлайман,
Қарорим ўша-ўша.

Пахтазорнинг юлдузи,
Қоши қаро қундузи,
Ҳақиқат Акмал сўзи,—
Қарорим ўша-ўша.

ГУЛЧЕҲРА ЁР

Гулчехра ёр, ишқим танҳо ўзингда,
Маъно тўла ширин-шакар сўзингда.
Бир нафас ҳам жилолмайман ёнингдан,
Сеҳр борми, жоним, қаро кўзингда?

Осмондаги тўлин ёруғ оймисан,
Еки жўшқин, ўйнаб оқар соймисан?
Кеча-кундуз сенда фикру хаёлим,
Латофатга, айт-чи, шунча боймисан?

Кулишларинг ўхшар худди баҳорга,
Арзимни айтайн сен ситамкорга.
Интизорман кулиб келгаймусан деб,
Бир мурувват айла менин интизорга.

Гулчехра ёр, ишқим танҳо ўзингда,
Маъно тўла ширин-шакар сўзингда.
Акмалинг жилолмас келсанг ёнингдан,
Сеҳр борми, жоним, қаро кўзингда?

МУНЧА КЎЗИНГ ҚОП-ҚОРА?

Гулбогингда ўзгинам,
Пир-пир ёнар кўзгинам.
Фикру хаёлим сенда,
Менинг ширин сўзгинам.

Лабинг гўё гулғунча,
Ой юзинг ширмон кулча,
Сени дейман умрбод,
Жоним ситаминг бунча?

Ўзинг боғим, баҳорим,
Бахти-иқболим ёри.
Чаманда ўйнаб-кулиш,
Шундай қалбим қарори.

Ишқим тушди сен ёра,
Мунча кўзинг қоп-қора?
Акмал дилин олганинг
Элга бўлди ошкора.

С О Г И Н Д И М - К У

Жондан азиз жононгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Гулчөхраси хандонгинам, жондан соғиндим-ку сени.
Ҳур меҳнати полвонгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Бахтда бедармонгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Бол сўзлари бийронгинам, жондан соғиндим-ку сени.

Ҳар нафасда мен интизор, кўз тутарман йўлларингга,
Минг ўргилиб ўзгинангдан, гул тутарман қўлларингга.
Дилдан яна оро берай обод, чаман чўлларингга,
Жондан азиз жононгинам, жондан соғиндим-ку сени,
Гул чехраси хандонгинам, жондан соғиндим-ку сени.

Фароғатли Янги йилнинг янги шонли хислати бор,
Сўзларимни тингла, гўзал, вафодорим, қалби баҳор.
Завқли кунлар ҳурматига, Акмал билан айтгил гулёр,
Ҳур меҳнати полвонгинам, жондан соғиңдим-ку сени,
Бол сўзлари бийронгинам, жондан соғиндим-ку сени.

К Ү Н Г Л И М А

Кўнглима озор бериб, ўзгани ёр этма ҳеч,
Аҳди паймонинг бузиб, ўз-ўзинг хор этма ҳеч,
Аввали севдим дединг, энди афгор этма ҳеч,
Менга берган пок сўзинг, жоним, инкор этма ҳеч,
Бевафолик дардига асло гирифтор этма ҳеч.

Ким меҳр қўймас ахир ўз гули раъносига,
Қайси маъшуқ жабр этар ошиқи шайдосига,
Тушма магрурлик билан сен ҳусн даъвосига,
Учма асло, жонгинам, шум рақиб нгвосига,
Қалбима озор бериб, ўзгани ёр этма ҳеч.

С Е В М А С М И Д И Н Г

**Эркалаб дердим: Гулим,
Айтгин, ўзинг гулмасмидинг,
Ғунчадек дил боғида
Ҳар дам менга кулмасмидинг,
Мирзачўлда чўл қувиб
Юрганлигим билмасмидинг,
Не сабаб буздинг сўзингни,
Қўзга ё илмасмидинг,
Мунча ҳам куттирмасанг,
Севсанг агар, келмасмидинг?!**

**Дилда оташ, белда куч,
Чўлларни куйдиргум тамом,
Мардлигим, бас, ушбу кун
Оlamга билдиригум тамом,
Кўҳна саҳро ташнасин
Сув бирла тўйдиргум тамом,
Янги бўстон бағрини
Гул бирла тўлдиригум тамом,
Сўзларинг бўлганда чин,
Сен ҳам сурон солмасмидинг?**

**Акмалингни чўл қувиб
Юрганлигин билмасмидинг?!
Қалбгинамни шод этиб,
Севсанг агар келмасмидинг,**

ЖОНОНИМ

Кўйида юрганимни
Ишқида куйганимни,
Таърифин йўйганимни,
Билармикан жононим.

Тунлари бедорлигим,
Ҳардам унга зорлигим.
Эрка, тантиқ нозлигим,
Сезармикан жононим.

Очиб турсам дилимни,
Яширмасдан сиримни,
Айтсам ўсган элимни,
Кезармикан жононим.

Оҳу кўзи хуморим,
Яшнаб турган баҳорим,
Акмал дер дилда борим
Келармикан жононим.

ИНТИЗОРМАН

Ер йўлида чекмоқдаман ғам, ҳижрон,
Айрилиқ, мусибат қанчалар ёмон,
Ташлаб кетди ёrim, қаҳри беомон,
У келар деб, интизорман йўлига.

Чаманда булбулим, кулган баҳорим,
У билан қувончли эртам, наҳорим,
У муродим, у тандаги мадорим,
У келар деб, умидворман йўлига.

Жудолик ўтини кўрмасин киши,
Тирикда айрилиш номарднинг иши,
Озор экан вафосизлар қилмиши,
У келар деб, беқарорман йўлига.

Зилол сув шимириб ташналар қонар,
Ҳижронда ўртаниб пок қалбим ёнар,
Билмадим, ёр қай кўйга солар,
У келар деб, кўп хуморман йўлига.

Ер йўлида чекмоқдаман ғам, ҳижрон,
Айрилиқ, мусибат қанчалар ёмон,
Ташлаб кетди ёrim, қаҳри беомон,
Келарми деб интизорман йўлига.

О Т А Ш И Н Г Д А

Қизил гул тарам-тарам,
Жонгинам сенга қарам,
Ёнаман оташингда,
Айламасанг сен қарам.

Раҳм айла ниғорим,
Үзингсан дилда борим,
Сени ўйлаб туну-кун
Ҳеч қолмади мадорим.

Номинг яна тўлин ой,
Шўхликларинг жўшқин сой,
Ишқ, вафо, муҳаббатда,
Ўлкамга бердинг чирой.

Акмал мафтундир сенга
Қайрилиб боққин менга,
Жоним сенга тасаддуқ,
Кўп азоб берма менга.

Қизил гул тарам-тарам,
Жонгинам сенга қарам,
Ёнаман оташингда,
Айламасанг ҳам қарам.

ЎХШАТДИМ

Севимли ёримни, дўстлар, ажаб барнога ўхшатдим,
Чаманда оҳу янглиғ кўзлари шаҳлога ўхшатдим.
Жамолин кўрмасам ҳар дам, билинг, асло чидолмасман,
Унинг қадди камолини гули раънога ўхшатдим.

Енар қалбим кўйида, мен ўшал ёримга муштоқман,
Тасаннолар ўқир ҳар ким, вафодоримга муштоқман,
Маломат айламанг зинҳор мени дилпора ошиқ деб,
Босинг қалбим ўтин дарҳол, юрак торимга муштоқман.

Асил севги, муҳаббат ҳам вафо, аҳдимда тургайман,
Вафодорим билан доим қувончу завққа тўлгайман.
Юрак сирин очур Акмал, бу бир ишқ қатраси, дўстлар,
Унутманг, бузсам аҳдим, гул каби бир дамда сўлгайман.

ҚУЙДИРМА ЁР

Ҳасратингда мунчалар куйдирма ёр,
Йўлларингга қўз тутарман интизор,
Кечалар бедор дилимда ёр-ёр,
Сирларим бўлди жаҳонга ошкор,
Жонгинам берсанг-чи зарра эътибор.

Эътиборинг менга сув, ҳаво демак,
Дардларимга малҳаму, даво демак,
Бир қиё боқмоқ ширин садо демак,
Меҳри, ишқим жўри ул, наво демак,
Ҳасратингда мунчалар куйдирма ёр.

Ҳар нафас сендан иноят кутаман,
Ёлвориб, ёрдам, ҳимоят кутаман,
Акмалингман рост, ривоят кутаман,
Ҳа, деган сўзингни ғоят кутаман.
Ҳасратингда мунчалар куйдирма ёр.

Т О З А Г У Л

(Қирғиз қизига)

Йўлларингга термилиб мен, зоридирман, Тозагул,
Тонггача ўйлаб сени, бедоридирман, Тозагул,
Ўйларинг, орзунингга ёридириман, Тозагул,
Дўстлигим, севгимга чин иқроридирман, Тозагул.

Яшнаган боғим, баҳорим, лолазорим бўл ўзинг,
Кўзларимнинг равшани, дилга мадорим бўл ўзинг.
Ҳар сахар тонг нури янглиф жилвакорим бўл ўзинг,
Буйруғинг жон устига, тайёридириман, Тозагул.

Айт-чи, обод гулшанинг ӽуми, Аровон ё Олой?
Қип-қизил ширмон юзинг, қадди-бўйингдан ўргилай,
Сенга деб, ўзбек боғидан дасталаб гуллар терай,
Тонггача ўйлаб сени, бедоридирман, Тозагул.

Мунча ҳам кўркам бўларми, сарвиноз қирғиз қизи,
Гул диёримга таниғлиқ дилнавоз қирғиз қизи,
Кела қол Акмал элига, ҳушовоз қирғиз қизи,
Йўлларингга термилиб мен, зоридирман, Тозагул.

М Е Х Р-В А Ф О

Дилгинамга олов ёқди муҳаббат,
Меҳр билан кулиб боқди муҳаббат.

Ёрим менга, мен ёримга меҳрибон,
Турмушимиз қувноқ, хушнуд, фаровон.

Вафосизлик бизга буткул бегона,
Юрт ишқида тер тўкамиз мардана.

Аввали севдим дер баъзи маккорлар,
Охири ғам билан ёр қўксин доғлар.

Вафодорлар маҳкам тутар аҳдини,
Қувламайди шодлик тўла баҳтини.

Ваъдасига вафо қиласи чин мардлар,
Ёр дилин доғлайди бебурд, номардлар.

Ақмало, аяма айёр номардни,
Юракдан олқишила вафодор мардни.

Дилгинамга олов ёқди муҳаббат,
Меҳр билан кулиб боқди муҳаббат.

Ў Ч Р А Т Д И М

Ажиб ширин, шакар чоқда,
Севикли она қишлоқда,
Оқ олтин тўла ҳар ёқда,
Гўзал ёримни учратдим.

Юракда оташи қолган,
Элимда яхши ном олган.
Фироқи дилга дард солган,
Дилафкоримни учратдим.

У Ширин бўлса, мен Фарҳод,
Этарман ҳар нафасда ёд.
Эсимга тушса, кўнглим шод,
Мададкоримни учратдим.

Атир пуркайди гулдаста,
Қаранг, чўл қандоқ орастা.
Бўйи шамшоду барваста,
Жаранг торимни учратдим.

Қиё боқсанг-чи сен аввал,
Сенга кўп интизор Ақмал.
Мурувват айлар, ёр, бу гал,
Вафодоримни учратдим.

КИМГА АЙТАЙ

(Ҳазил)

Ҳар хил хаёл ўраб олди дилимни,
У тутқазди қўлимдаги гулимни.
Кўз ўнгимдан кетмас ҳусни жамоли,
Кимга айтай юракдаги сиримни?

Севгимикин юраккинам ром этган,
Бағримни ўтида ёндириб кетган?
Билмай қолдим тушимми ё ўнгимми,
Ишқ китобин, айтинг, ўзи ким битган?

Муҳаббат оташи шундаймикин ё,
Ёш қалбим капитардек ўйнайди гўё.
Ўз-ўзимга: «Қизча, ўзинг бос,— дейман,—
Бўшашма, жонгинам, эй, кўзи қаро...»

Ҳар хил хаёл ўраб олди дилимни,
У берганди қўлимдаги гулимни.
Кўз ўнгимдан кетмас ҳусни жамоли,
Кимга айтай юракдаги сиримни?

КУЗИНГДАН

Вафодорим, сенинг ширин сўзингдан,
Колхозимда йўқдир гўзал ўзингдан.
Меҳнат билан достон бўлдинг элларга,
Кўзларимни узолмайман кўзингдан.

Богимизда тўти қушлар сайдайди,
Ой жамолинг кўрсам кўнглим яйрайди.
Бахтиёрман озод ватан қўйнида,
Ҳамма бизга меҳр билан қарайди.

Гул-райёнлар ўсар бизнинг йўлларда,
Ўрдак, гозлар сузар олтин кўлларда.
Халқлар бизда бир-бирига меҳрибон,
Ҳилпираиди шонли байроқ қўлларда.

Қандай гўзал, обод юртимнинг тонги,
Авжга чиқсин беш йилликлар оҳангиги.
Вафодорим, бу чаманда чин дилдан
Меҳнат қилган марднинг тарқалар доғи.

Вафодорим, сенинг ширин сўзингдан,
Колхозимда йўқдир гўзал ўзингдан.
Меҳнат билан достон бўлдинг чўлларга,
Акмал кўзин узолмайди кўзингдан.

МУНЧА МЕНИ ҚИЙНАМАСАНГ

Шафқатинг борми гулим, бунча мени қийнамасанг,
Сен каби йўқдир сўлим, мунча мени қийнамасанг,
Завқи шавқим, булбулим, мунча мени қийнамасанг,
Мадҳингга лолдир тилим, мунча мени қийнамасанг,
Ўзгинанг жону-дилим, мунча мени қийнамасанг.

Қийнасанг ҳам майлига, васлингга муштоқ этмагил,
Севганингни куйдириб, ётларни хушчоқ этмагил,
Дилларимни ўйнатиб, йўлингга илҳақ этмагил,
Шафқатинг борми гулим, мунча мени қийнамасанг.
Сен каби йўқдир сўлим, мунча мени қийнамасанг.

Келақол бағримга тезроқ, уйларимни тўлдириб,
Акмалинг ёзган қўшиқ ҳам куйларимни тўлдириб,
Завқ қўшиб, завқ устига баҳт тўйларимни тўлдириб,
Шафқатинг борми гулим, мунча мени қийнамасанг,
Сен каби йўқдир сўлим, мунча мени қийнамасанг.

ЙЎҚДИР АРМОНИМ

Сўзларимни эшиш азиз жононим,
Сен билан дилимда йўқдир армоним,
Бир нафас бўлмасанг агар ёнимда,
Үртаниб ёнади жисмимда жоним.

Катта карвон катта йўлдан юради,
Баҳодирлар ҳақиқатни кўради.
Уз ёрига дилдан вафо қилганлар,
Бахти ҳаёт давронини суради.

Давронларнинг давронидур бу даврон,
Турмушимиз тўкин, гўзал, фаровон.
Уз ёрига дилдан вафо қилганлар,
Обрўси кўкларда мисоли осмон.

Акмал айтган сўзларни демангиз бекор.
Турмушда яна ҳам бўлингиз ҳушёр,
Уз ёрига дилдан вафо қилганлар
Кўнглида яшнайди ҳамиша баҳор.

Ү И Н А

(*Лапар*)

— Үйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна.
Қокилларинг силкитиб,
Хипча белгинам, ўйна.

— Даврим келди, ўйнайман,
Ўйнаб сира тўймайман.
Севганимнииг мадҳини
Қўшиқ қилиб куйлайман.

— Үйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна,
Минг ишва-мақом билан,
Чикка белгинам, ўйна.

— Жараглайди шўх созинг,
Яшнайди баҳор, ёзинг.
Ором берар дилларга
Чамандаги овозинг.

— Гул-гул ёниб, ўйнаб кел,
Булбулсизмон куйлаб кел.
Севган ёринг бўйини
Бўйларингга бўйлаб кел.

— Сен ўзингсан дилбандим,
Асалу шакар, қандим,
Жоним гиргиттон сенга,
Дилга дили пайвандим.

— Ўйна, гулгинам, ўйна,
Жону дилгинам, ўйна,
Акмал дилин яшнатиб,
Чикка белгинам, ўйна.

— Давр келди, ўйнаймиз,
Ўйнаб сира тўймаймиз.
Севгимизнинг мадҳини
Қўшиқ қилиб куйлаймиз.

О И Г У Л И М

Севганим йўқдир жаҳонла, Ойгулим, сендан бўлак,
Гулу раънолар ичидан сумбулим сендан бўлак.

Ёргинам, ёлғиз ўзингсан, кўзларимнинг равшани,
Жон десам, жондан азизсан, сен дилимнинг гулшани.

Бахту иқбол сенга ёрдир, ярқирап нурли йўлинг,
Пахтазорим машъалисан, чарчамас олтин қўлинг.

Яйра, кул, тер тўқ ватанинг ҳурмати ардоғида,
Авжга чиқсин ялла, гулёр ўлкамиз ҳар ёғида.

Қаҳрамон халқим ғурури, ҳам шараф, ҳам орисан,
Дил қувончи, завқи-шавқи гул тўла гулзорисан.

Ойгулим, остоナмида катта тўй, олтин сана,
Пахтазор майдон аро кўрсат ўзингни сен яна.

Акмало, олгин қалам, куйла бу эл юлдузларин,
Ез ғазал, кўкка кўтар Ойгул каби юрт қизларич,

Х У М О Р М А Н

Ёргинам кўйидадурман ҳар қачон,
Ишқ ўтида оҳ, ловуллаб қўйди жон.
Жўш урар ёримга бор меҳрим менинг,
Сўзларимдан тингласин, майли, жаҳон.

Чин вафо, меҳру муҳаббат беғубор,
Ёргинам йўлигадурман интизор.
Кўрмайин дейман сира ишқ дардини,
Ёр йўлида кўп хуморман, кўп хумор.

Давримиз ишқу вафо давронидир,
Хур Ватан бу мардлар майдонидир.
Акмало, бузма сўзинг ёр олдида,
Яхши ёр бу — ёрлар жононидир.

Ёргинам кўйидадурман интизор,
Ёр йўлида кўп хуморман, кўп хумор.

ЕРГА АТАБ

Сарҳовузнинг атрофида гул панжара,
Ёр қадрига етмаганинг бағри қора.

Бағри қора қаллоблардан элим безор,
Тошбағирлар ўз ёрига берар озор.

Ерга атаб ўйдирдим мен тилло қошиқ,
Мен ёримга, ёрим менга дилдан ошиқ.

Икки ошиқ бирга бўлса эл бўлади,
Хонасига севинч, қувонч, баҳт тўлади.

Акмал айтар, пок қалбимиз осмондек кенг,
Муҳаббатда ҳеч ким бўлмас бизларга тенг.

Сарҳовузнинг атрофида гул панжара,
Ёр қадрига етмаганинг бағри қора.

ЛАПАР

Қиз

Бир кўришда хаёлимни олибсан,
Ёш бошимга шўри савдо солибсан.
Қийнама, ёр, ширингина жонимни,
Содда қизнинг уволига қолибсан.

Иигит

Сеҳр билан тортиб ўзинг ромингга,
Қандай қиласай, тушиб қолдим домингга.
Мехру ишқим сенда фақат, севикли,
Илтифот айлагин кўз хумёрингга.

Қиз

Шакармисан, шарбатмисан, ёрмисан?
Сен ҳам мендек висол учун зормисан?
Айта қолгин бир калима сўзингни,
Мусичами ё асл шунқормисан?

Иигит

Унутмагин дилдан айтган сўзимни,
Йўлларингга қаратмагин кўзимни.
Гиргиттонинг, вафодоринг бўлайнин,
Ситам билан сарғайтирма юзимни.

ҚЕЛИН ТУШГАН ОҚШОМДА

Улан айтинг, дугоналар, ўлан бўлсин,
Келин тушган шу ҳозлига гуллар тўлсин.

Нур қўйнида баҳтли, обод бу кошона,
Меҳнат билан ярқираган оқ пешона.

Жарангласин, жарангласин танбур, дутор,
Авжга чиқсан жўри бўлиб ялла, гулёр.

Гулёр айтинг гул ўлкани қўшиб чунон,
Баҳтимизга келин-куёв бўлсин омон.

Мўл ҳосилли бой колхозга синглим тушди,
Синглим деди: «Мард йигитга ишқим тушди».

Бизнинг куёв, сўрасангиз, зўр паҳтакор,
Саҳроларга келтирган у чаман, баҳор.

Акмал ёзар келин-куёв мадҳин дилдан,
Завқли қўшиқ, ўлан куйлар қўймай тилдан.

ЁЛГИЗ ЎЗИНГ СЕВГАНИМ

Шоҳи-атлас кийганим,
Кўнглим сенда деганим,
Унутма ҳеч, гўзал ёр,
Ёлғиз ўзинг севганим.

Ишқим тушди ўзингга,
Ширин-шакар сўзингга,
Қараб сира тўймайман,
Ёрим, шаҳло кўзингга.

Пахта тердим ўшанда,
Севдим сени гулшанда,
Бўйгинангдан ўргилай,
Қалб сўзига ишон-да.

Шоҳи-атлас кийганим,
Кўнглим сенда деганим,
Унутма ҳеч, гўзал ёр,
Ёлғиз ўзинг севганим.

МУНЧА ЛОБАР

Севганим, жоним, дилим, асли ўзинг гул-лоласан,
Мунча лобар, мунча шўх, ўйнаб оқар шалоласан,
Гоҳи ўйнаб, гоҳ кулиб, қалбимга ўтлар соласан,
Жисми жоним қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

Ургилай сендан, гўзал ёр, ўзга ёрни ёр дема,
Бир юракда асли сен икки муҳаббат бор дема,
Бир кўриб ошифта ҳолу кўзлари хумор дема,
Жисми жоним қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

Ташлама ёлғиз мени, кўп хор этиб меҳримни сен,
Ўтга отма жону таним, зор этиб меҳримни сен,
Элу юрт олдида дашном, ор этиб меҳримни сен,
Акмалингни қақшатиб, ёрим, қаерга борасан?
Қайси гулшан булбулига, айт-чи, сен дилпорасан?

АЗИЗИМ

Азизим, жон, азизим,
Жондан севган ёлғизим.
Сайр этайлик иккимиз,
Уш, Бухоро, Хорасм.

Ой юзингга тўймайман,
Номинг тилдан қўймайман.
Эшит юрак сўзимни,
Тасаддуғинг бўлай мен.

Азизим, жон, азизим,
Жондан севган ёлғизим.

Янграйди қўшиқ, созим,
Сенга ишқим, эъзозим.
Қанот бўлсанг ёнимда,
Самоларда парвозим.

Қоп-қора хумор кўзинг,
Қанду новвот, бол сўзинг,
Акмални сеҳрлаган
Кўнглимдаги ёр ўзинг.

Азизим жон, азизим,
Жондан севган ёлғизим.

ҚАЙДАСАН

Софиндим-ку, тоқат тоқ, ёр қайдасан?
Токай бу ноз, бу фироқ, ёр қайдасан?
Наҳот мени упутсанг, юз ўғирсанг,
Наҳот мумкин унутмоқ, ёр қайдасан?

Жоним десам арзийди, жонгинам ёр,
Жовдираиди йўлингда кўзларим зор.
Ялинтирма бунчалар, ялинтирма,
Кулофингга айтгулик сирларим бор.

Айтмасам кошкийди, ўзгинанг билсанг,
Ўзинг билиб, майли, бағримни тилсанг.
Пахтазорга тезроқ кел, нигорим сен,
Акмалингни излаб кел, аҳдда турсанг.

Софиндим-ку, тоқат тоқ, ёр қайдасан?
Токай бу ноз, бу фироқ, ёр қайдасан?

ҚЕЛДИЮ ҚЕТГАНИ ЙҮҚ

Ёрим мени севаркан, келдию кетгани йўқ,
Аҳдда маҳкам тураркан, келдию кетгани йўқ.
Замонамнинг қизида тили билан дили бир,
Бахт иқболи ёр экан, келдию кетгани йўқ.

Писанд қилмай дилбарим, кетса агар бўлмасди,
Ой бўлса ҳам жамоли, кўнглим сира тўлмасди.
Ёнардим севгисида, кетса бахтим кулмасди,
Ёр асл дилдор экан, келдию кетгани йўқ.

Қимлар нима дер эди келсаю кетиб қолса,
Майлими икки ошиқ ғаму аламга толса.
Яхшимас Акмал зинҳор йўлларда сарсон бўлса,
Ёр ёрига зор экан, келдию кетгани йўқ.

ГУЛ ЮЗЛИ ЁР

Үртаниб ёнмоқдаман ҳажрингда, ёрим билмадинг,
Сенга бўлган меҳри ишқим дилда борим билмадинг.

Билганингда ҳол сўрардинг гоҳида Узросимон,
Сен ўзингсан ўзгинамга жонажон, қошу камон.

Бормикан дунёда асло сен каби гул юзли ёр,
Сен билан обод ҳамиша бу Ватан, озод диёр.

Роҳатим, баҳтим ўзингсан, чин-вафодорим ўзинг,
Завқланурман ҳар маҳал ёрим ёниб турса кўзинг.

Севгилим кел сайр этайлик янги бўстонлар аро.
Давримизнинг довруғи энг яхши достонлар аро.

Акмалинг дилдан севар ишқига иқрор ёрини,
Бахш этар сенга ҳамиша ялла, шўх гулёрини.

Үртаниб ёнмоқдаман ҳажрингда, ёрим билмадинг,
Сенга бўлган меҳри ишқим дилда борим билмадинг.

ТАСАДДУҚМАН

Айланма кўчангда оқшом кездингми?
Гулзорингга келганимни сездингми?
Сезиб туриб, сезмасликка оласан,
Ё жонгинам, севганингдан бездингми?

Тасаддуқман-тасаддуқман ўзингга,
Жоним қурбон сенинг ширип сўзингга.

Баҳор чоғи очилади гулғунча,
Қийнаганинг етмайдими, ёр, шунча,
Айта қолгин бир калима сўзингни,
Термилтирдинг йўлларинги намунча?

Сендан бошқа дилбар кўринмас кўзга,
Даркор эмас менга жонона ўзга,
Унутмагин Акмал айтган сўзларни,
Мафтун бўлдим сендеқ лола-гул юзга.

ЕР ЯХШИ

Ер яхши-ю ёр яхши,
Ери вафодор яхши.
Ипак қўлларда тиник
Жаранглаган тор яхши.

Гул очилган боғимиз,
Нашъали ҳар ёғимиз.
Баҳор юрагимизда,
Йўқдир армон, доғимиз...

Ер яхши-ю ёр яхши,
Ери вафодор яхши.
Муҳаббатли юртимга
Тўй-томоша бор яхши.

ИШҚИГА ИҚРОР

**Тили ширин ёримдан, кўзлари хуморимдан,
Минг ўргилсан арзийди, ишқа иқрор ёримдан.**

**Боғ айланиб гул экдим, ёр келар деб кўз тутдим,
Келмасини эшитиб ҳажрида озор чекдим.**

**Дарё жим-жим оқади, ёр жонимга ёқади,
Юракдан севган ёрим, энди кимга боқади?**

**Йўқ, ёр келаман дебди, бирга бўламан дебди,
То ўлгунча айрилмай, ўйнаб-куламан дебди.**

**Тили ширин ёримдан, кўзлари хуморимдан,
Акмалгинанг ўргилсин, ишқига иқроримдан.**

Б У Л М А С

Ергинам йўқлабди, бормасам бўлмас,
Қалбига ишқ ўтин солмасам бўлмас.
Жонажон юртимнинг олтин тўйида,
Илғорлик даврасин олмасам бўлмас.

Вафодор ёrimни ой деб мақтайми,
Меҳнатда жўшқинли сой деб мақтайми?
Гўйга тўй улансин бўстонимизда,
Севганим чиройга бой деб мақтайми?

Бахт-иқбол бизларга кулиб боқади,
Пахтакор қиз-йигит элга ёқади.
Ватанин юракдан севган фарзандлар,
Гулдаста устига гуллар тақади.

Ҳамиша дилрабо диёrimизда,
Ишқ, вафо янграйди гулёrimизда.
Акмалинг завқ билан тебратар қалам,
Заррача губор йўқ баҳоримиэда.

ҚИЗЛАРГА

Жонон қизлар, кўнгил берманг номардларга,
Аҳди ёлғон, орсиз, қуруқ савлатларга.
Вафесизнинг ишқи қурсин чуваланмай,
Моғорлаган пўқак толдай уваланмай.

Минг ўргилиб, олдин сизга қаддин букар
Оҳ-воҳ қилиб, муғамбирлик ёшин тўкар.
Эртасига унутади севгисини,
Билиб қўйинг шилқим ошиқ белгисини.

Соялардек ҳар қаерда бўлур пайдо,
Бир нафасда ҳар кимсага ошиқ — шайдо.
Ширин қизлар, қаллоб ошиқ қўлин олманг,
Даврон суринг ҳур меҳнатда, асти толманг.

Акмал айтар, кўнгил берманг номардларга,
Аҳди ёлғон, орсиз, қуруқ савлатларга.
Вафосизнинг ишқи қурсин чуваланмай,
Моғорлаган пўқак толдай уваланмай.

КУРГАН САРИ

Қандай қиласай ой жамолинг күролмасам,
Кўрганда ҳам меҳрим қониб, тўёлмасам.

Хаёлингда кўнглим завқча тўлган сари
Кўргим келур, кўрган сари, кўрган сари.

Ҷаманларга нурин сочиб ой ботади,
Севганимни эслаб ҳар кун тонг отади.

Ургилайнин ёрнинг қадди бўйларидан,
Дилга ором шўх, ўйноқи куйларидан.

Айб айламанг, жоду кўзнинг адосиман,
Шу гўзалнинг мен ошиқи шайдосиман.

Үйнаб-кулмай бўладими шу давронда,
Ҳамма бахти, шоду хуррам, ҳур замонда

Акмал дили севганидан шод деб билинг,
Биз томонга ялла-гулёр айтиб келинг.

Ю З И Н Г

Юзинг ўхшайди ойга,
Шўхлигинг ўхшар сойга.
Мафтунман ақли расо
Сендай тенгсиз чиройга.

Ойдин кўллинг ғозиман,
Чертсанг — дутор, созиман.
Иҳтиёрим ўзингда,
Айтганингга розиман.

Замон тургунча тургин,
Даври давронлар сургин.
Гўёки Ширин бўлиб,
Ёнбошимда ўлтиргин.

Кўп азоб берма менга,
Ҳар сўзинг терма менга.
Сўзингда турмас бўлсанг,
Қулочинг керма менга.

Юзинг ўхшайди ойга,
Шўхлигинг ўхшар сойга.
Мафтунман ақли расо
Сендай тенгсиз чиройга.

МЕН БИР ҚИЗНИ УЧРАТДИМ

Янгиернинг йўлида
Чаман яшнар чўлида.
Мен бир қизни учратдим,
Даста гули қўлида.

Лафзи ҳалол қиз экан,
Сўзлари бол қиз экан.
Ой деса, ой дегулик,
Тиниқ жамол қиз экан.

Боқдим унга жоним деб,
Жониммас, жаҳоним деб.
Еруғ машъалим ўзи,
Севганим — жононим деб.

Иигитлари шўх, шоввоз,
Ерим бунда яшар соз.
Бизнинг ёрга ёқмайди
Меҳнатсиз қуруқ пардоз.

Янгиернинг йўлида,
Чаман яшнар чўлида.
Мен бир қизни учратдим,
Акмал гули қўлида.

А Н О Р Х О Н

Кўнглимдаги гўзал ёр,
Юзинг қип-қизил анор.
Ишонганим сен ўзинг,
Ҳажрингда чекмай озор.
Кел-кел, ёрим Анорхон,
Ишқинг билан ёнар жон.

Лабинг гўё гулгунча,
Нозу карашма мунча.
Қийнама ёш жонимни,
Ситам бўларми шунча?

Бўйинг бўйимга монанд,
Дилим дилингга пайванд.
Майли, билсин сиримни
Уш, Бухоро, Самарқанд.

Озод, шод диёримиз,
Тинч яшаш шиоримиз.
Бирга даврон сурайлик,
Қатъийдир қароримиз.
Кел-кел, ёрим Анорхон,
Акмалга сен ёнар жон.

УЗИНГА

Жоним тасаддуқ, жонон, ўзингга,
Яшнайди кўнглим, боқсам юзингга.
Ўзингсан чаман, ўзингсан баҳор,
Сен билан халқим қилур ифтихор.

Ўзбек элининг тоза гулисан,
Ардоқлаб, севган жону дилисан.
Яйра, кул, ўйна — келди давронинг,
Қолмасин сира дилда армонинг.

Шу гўзал қизнинг хуштори бўлдим,
Санъатинг кўриб, завқларга тўлдим.
Ўзим ўргилай ойдек юзингдан,
Мехримни олган шаҳло кўзингдан.

Жоним тасаддуқ, жонон ўзингга,
Яшнайди кўнглим, боқсам юзингга.
Ўзингсан чаман, ўзингсан баҳор,
Сен билан Акмал қилур ифтихор!

УН САККИЗДА ЁР ЁШИ

Ун саккизда ёр ёши,
Қоп-қора қалам қоши.
Асир олди ўзига.
Кўп сеҳрли қараши.

Боғ айланиб гул экдим,
Ёр келар деб кўз тутдим,
Келмасини эшитиб,
Ҳажрида озор чекдим.

Мунча гўзал камоли,
Ойга ўхшар жамоли.
Икки ошиқ бир бўлса.
Шудир ҳаётнинг боли.

СЁНИ ҮИЛАЙМАН

Кечакундуз фақат сени ўйлайман,
Бўйгинангни бўйларимга бўйлайман.
Меҳри ишқинг қўшиқ қилиб куйлайман,
Дунё кезиб мақтоворингни сўйлайман,
Шундай куйга ўзинг солдинг, наилайман.

Олтин кўлнинг олтин қанот ғозисан,
Ватанимнинг чаман, баҳор, ёзисан.
Қалбларни куйловчи жўшқин созисан;
Айт-чӣ, ўзинг нима қилсам розисан.
Кечакундуз фақат сени ўйлайман:

Бўйларинг ўхшайди худди сунбулга;
Ой юзинг ўхшайди боғдаги гулга:
Ошиқ бўлдим сендеқ тўти, булбулга;
Термулиб қолдим-ку сен ўтган йўлга;
Кечакундуз фақат сени ўйлайман.

Сўзларинг ёқимли дардга дармондир,
Юртимнинг қизлари асл жонондир.
Йигити чарчамас марди-майдондир,
Акмал дер Ватаним боги-бўстондир,
Кечакундуз фақат сени ўйлайман.

МАҚТАЙМАН

Ёргинамни тўлин ой деб мақтайман,
Жамолини гулчирой деб мақтайман.
Менга меҳри жўшқин сой деб мақтайман,
Жасоратга гоят бой деб мақтайман.

Мақташга арзирли, азиз ёрим бор,
Юзлари анору кўзлари хумор,
Ширин сўз, донишманд, оқила, дилдор,
Меҳнатда ҳамиша шарафли, донгдор.

Ёр олдига ёр-ёр айтиб бораман,
Завқли, шавқли гулср айтиб бораман.
Акмал кўнглин изҳор айтиб бораман,
Пок севгимни ошкор айтиб бораман.

Ёргинамни тўлин ой деб мақтайман,
Жамолини гулчирой деб мақтайман.

С Е Н Г А

Арзим эшит, Гуллола,
Кўнглим сенга ҳавола,
Сәхрлаб қўйдинг мени,
Бунча қилма овора.

Саҳроларда ер очдинг,
Ўлкамизга нур сочдинг,
Қон-қариндош дўстларга
Қучогингни кенг очдинг.

Кўнглимдаги ёр ўзинг,
Қўшиқда гулёр ўзинг,
Гулёр бўлиб, ёр бўлиб
Дил олар, дилдор, кўзинг.

ОРОМИЖОН

Ишқ ўтида бунчалар күйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор,
Сирларим бўлди жаҳонга ошкор,
Ҳар нафас мадҳинг дилимда, эй нигор,
Лоақал бир қайрилиб қил эътибор.

Дилгинангга дилгинам пайванд эрур,
Сен билан нурли йўлим, бирликда юр,
Ўзгинанг раъно гулим, аҳдингда тур,
Ишқ ўтида бунчалар күйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

Севганим, оромижонимсан ўзинг,
Ярқираб, яшнар чаманда юлдузинг,
Жонга роҳат баҳш этар доно сўзинг,
Ишқ ўтида бунчалар күйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

Булбулим бўл, сайрагин гулшан аро,
Кенг қанот ёз, яйрагин гулшан аро,
Акмалингдек куйлагин гулшан аро,
Ишқ ўтида бунчалар күйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

У С Т И Н А

Қайси номард ёр қилар, ўз ёри вафодор устина,
Аҳдига содиқ, қадрдон, кўзи хумор устина,
Лайлию Шириндан ортиқ чин вафодор устина,
Тушмасин асло жудолик ошиқи зор устина.

Қилмангиз, дўйстлар, менга ошиқлигимнинг таънасин,
Мард киши бузмас сира ёрига берган ваъдасин,
Акмалинг дер, ҳар киши ўз ёрини ардоқласин,
Тушмасин асло жудолик ошиқи зор устина.

Д Е М А Д И Н Г

Жоним десам, жон ёрингман демадинг,
Дилим десам, дилдорингман демадинг,
Гулим десам, гулёрингман демадинг,
Ҳолим кўриб нигорингман демадинг,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Йўлларингга термуламан бўлиб зор,
Висолингга интизорман, интизор,
Келмас бўлсанг, ушбу олам менга тор,
Арзимни эшигни, лола юзли ёр,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Саҳроларда bogу роғлар яратиб,
Меҳнат билан шону шуҳрат таратиб
Эл меҳрини ўзгинангга қаратиб,
Акмалингни мафтун этиб, зор этиб,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Жоним десам, жон ёрингман демадинг,
Дилим десам, дилдорингман демадинг.

ПОҚ СЕВГИ

Тоғ бўлмаса, шалола ҳам бўлмайди,
Ёр бўлмаса, кўнгил асло тўлмайди.
Зору гирён ёш тўкмайман йўлида,
Ёрим ўзи ёш тўккани қўймайди.

Улуғлайман, улуғ жонон элим бор,
Очиб кўринг меҳр тўла дилим бор,
Ҳамма ишда мададкордир ёргинам,
Рост дегувчи ҳақгўй, бурро тилим бор.

Ёр қадрига бели боғлиқ мард етар,
Бир-бирин севгувчи ҳамдард етар,
Акмалнинг ҳамиша покдир нияти,
Пок севгининг ҳурматига шеър битар!

ДИЛДОРИМ

Ёмғир ювар баланд төглар қорини,
Ким ранжитар ўз вафодор ёрини,
Ким ранжитса ўз вафодор ёрини,
Чертолмабди демак севги торини.

Мен чертаман созлаб севги торини,
Ёргинамга айтиб күнгил зорини,
Яширмайман дилда нелар борини,
Топсин дейман, дилда дардим корини.

Топса агар юрагимнинг дардини,
Ювар бўлса меҳри билан гардини,
Кўзим нури поёндозлар йўлига,
Ишқим билан битай шеърим бандини.

Юз мақтасам арзир тенгсиз, дилдорим,
Дардимга дармоним, асл нигорим,
Акмал дер, дилбарим, дилдаги борим,
Ёргинам ўзидир яллам-гулёрим.

СОҲИБ ЖАМОЛИМ

Журналист қиз, севган соҳибжамолим,
Сеҳринг билан олдинг фикру хаёлим.
Кўйдирсанг ҳам майли ширин жонимни,
Келмаса бас сенга зарра малолим.

Хақиқат жангчиси, оқила, барно,
Сенга олқиши, сенга ҳурмат, тасанио.
Қалбинг ҳам нақ ўзинг каби пок, ёрқин,
Ватаним боғида ўсган гул, раъно.

Шарқираган сойдек жўшқин илҳоминг,
Меҳнат билан қандай ширин ороминг.
Сатрларинг завқ бағишлар дилларга,
Акмал дилин қувонтирап камолинг,

САНЪАТКОР ҚИЗГА

Гулзорингда сайр этарман — күнглим чоғ,
Турфа гуллар очар менга — қенг қучоқ.
Бағишилайман сенга қанча мәхрим бор,
Эй гүзалим, бунчалар нозу фироқ?

Бош устида күтараман нозингни,
Дил-дилимдан севаман овозингни,
Бахтли ҳаёт, даврон гүзал! Үйна, кул!
Жаранглатгин әлга қўшиқ, созингни.

Санъат билан яшнар яна давроним,
Сен ўзингсан элим севган жононим,
Сен ҳамиша Акмал қалбидা борсан,
Кўркинг билан гўзал юртим, бўстоним!

Гулзорингда сайр этарман — күнглим чоғ,
Турфа гуллар очар менга қенг қучоқ.

ҚИЗЛАРЖОН

Тилингиздан шарбат томар, қизларжон.
Ҳавас қиласар гул-лолалар, қизларжон.
Кўзларингиз оловидан мардларнинг
Юраклари лов-лов ёнар, қизларжон.

Севгувчилар тўлиб-тошар гайратга,
Жон тикади қаҳрамонлик меҳнатга.
Сиз юлдуздай чиққан чоқда файз кирап
Нурли ҳаёт, шу шарафли санъатга.

Бир-бирин севганни ошиқ дерлар,
Ваъдасига вафо қиласар чин шерлар.
Акмал дейди, баҳтиёрлар соғ бўлсин,
Элнинг кўрки жоюн қизлар, мард эрлар.

Д У Т О Р И М

Чертсам, кўнглим яйрар менинг дуторим,
Шўх булбулдай сайрар менинг дуторим,
Қўшиғимга ҳамоҳангидир ҳамиша,
Ишқ-вафодан куйлар менинг дуторим,

Созлар ичра ягонасан, дуторим.
Эл-юртимга парвонасан, дуторим,
Мард йигитлар мадҳияси тилингда,
Жон қизларга дугонасан, дуторим.

Коммунизм давронидир бу даврон,
Меҳнат билан озод ҳаёт, фаровон.
Омон бўлсин халқим — улуғ ижодкор,
Дилимдагин тинмай куйлар дуторим.

Қон-қариндош — ҳамма дўстлар менга ёр,
Ватанимда мангу тинчлик барқарор.
Акмалингман, Москва шону шарафим,
Бахт-иқболдан тинмай куйлар дуторим.

ЖИГАРБАНДИМ

Акам-укам, жигарбандим,
Фурурим, дилга пайвандим,
Опа-сингил — шакар-қандим,
Ҳамиша соғ бўлинг, дейман.

Жигар бирлан юраклар тоғ,
Жигар бирлан кўнгил ҳам боғ,
Омон бўлсин жигар ҳар чоғ,
Яшаб даврон суринг, дейман.

Жигар қадрин жигар билсин,
Рақиблар бағрини тилсин.
Ота-она сўзин қилсин,
Мудом ўйнаб-кулинг, дейман.

Улуг даврон — шу давронда,
Ленни берган соз замонда,
Жигар меҳри тану жонда,
Буни доим билинг, дейман.

Жигар меҳрин хислати бор,
Унутмангиз буни зинҳор,
Акмал сўзин деманг бекор,
Шон-шуҳратга тўлинг, дейман.

КЕЛУР МЕҲМОНИМ

Севги мадҳин куйлайман
Чертганди дуторимни,
Қанча севсам кам дейман
Ёрим — вафодоримни.

Н а қ о р а т

Йўқдир армоним,
Келур меҳмоним.
Узган гулинг сўлмасин,
Севган ёринг ўлмасин.

Ақли-ҳушимни олди
Бир йигит шу гулшанда,
Юрагимга ўт солди,
Менинг ишқим ўшанда.

Н а қ о р а т

Йўқдир армоним,
Келур меҳмоним.
Узган гулинг сўлмасин,
Севган ёринг ўлмасин.

Үтганимда неча бор,
Ташлади кўз қирини,
Ийманаман сендан, ёр,
Айтгали қалб сўзини.

Н а қ о р а т

Йўқдир армоним,
Келур меҳмоним.
Узган гулинг сўлмасин,
Севган ёринг ўлмасин.

На бўлур унинг ўзи
Келиб ҳолими сўрса.
Кошкийди икки кўзи
Юрагим ўтин кўрса.

Н а қ о р а т

Йўқдир армоним,
Келур меҳмоним.
Узган гулинг сўлмасин,
Севган ёринг ўлмасин.

Севги мадҳин куйлайман
Чертганда дуторимни.
Қанча севсам кам дейман
Ёрим — вафодоримни.

Н а қ о р а т

Йўқдир армоним,
Келур меҳмоним.
Узган гулинг сўлмасин,
Севган ёринг ўлмасин.

ЮМАЛАБ-ЮМАЛАБ

(Халқ қуайда)

Юмалаб-юмалаб айтаман,
Юмалаб кетсам қайтаман.
Юракдаги дардимни
Ёргинамга айтаман.

Ёрим бору ёрим бор,
Кўзлари хуморим бор,
Ёрим жондан севади,
Яна не армоним бор-

Н а қ о р а т

Ёр яхши-ю ёр яхши..
Ёри вафодор яхши,
Ёр куйини куйлашга
Жаранглаган тор яхши.

Гул очилган боғимиз,
Нашибали ҳар ёғимиз.
Баҳор юрагимизда,
Йўқдир армон, доғимиз.

Минг тасаддуқ ўзгинам,
Ширин-шакар сўзгинам.
Акмалинг ошиқ сенга,
Менинг шаҳло кўзгинам.

КИМ КЕРАК?

(Лапар)

Оқ тेरагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Дили дилимга пайванд,
Тили ширин, тили қанд,
Мехри ишқим унга банд,
Шакар гуфторим керак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Жараглайди шўх сози,
Булбулсимон овози,
Жонгинамга жон нози,
Асили дилдорим керак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Обод, чаман гулшанда,
Кўриб қолдим ўшанда,
Муҳаббати жон-танда,
Гулим, гулзорим керак.

Оқ терагу кўк терак,
Биздан сизга ким керак?

Ташлади кўз қирини,
Ҳеч ким билмас сирини,
Акмал севади уни,
Вафодор ёрим керак.

ИШҚ КИТОБИН КИМ БИТГАН?

Ишқ байтими юраккинам ром этган,
Багримни ўтида ёндириб кетган?
Билмай қолдим тушимми ё ўнгимми,
Ишқ китобин, айтинг, ўзи ким битган?

Еши қалбим каптардек ўйнайди гүё,
Муҳаббат оташи шундаймикин ё?..
Ўз-ўзимга яна, ўзинг бос дейман,
Ховлиқма, ишқ қийин, сирли бир дарё.

УЧРАТМАСИН

Ваъдасида турмаган ёр, ёр эмас,
Беқарорлар ишқига иқрор эмас,
Қалбидан севмас экан, даркор эмас,
Пок юраклар меҳри йўққа зор эмас,
Кўкка парвоз этмаса шунқор эмас.

Қалбаки, айёрларни ёр деманг,
Қалбини очмас экан дилдор деманг,
Жонга жонин қўшмаса хуштор деманг,
Меҳнату турмушда ҳеч ҳамкор деманг,
Ваъдасида турмаган ёр, ёр эмас.

Яхшини қаллобга ҳеч учратмасин,
Севгини жаллобга ҳеч учратмасин,
Бопни нобопга ҳеч учратмасин,
Акмални саробга ҳеч учратмасин,
Ваъдасида турмаган ёр, ёр эмас.

ӢӢҲТАЗОР ШҮНҚОРИГА

Ергинам, жононгинам, васлингга зор этма мени,
Қуидириб жону дилим, меҳримни хор этма мени.

Ой юзингни бир кўриб, ишқинг ўтида ёнаман,
Йўлларингга термулиб, мен ҳар саҳар уйгонаман.

Зеб берибсан тоза дилдан янги ер гулзоғига,
На қилай, ишқим тушибди пахтазор шунқорига.

Банд қилиб дилимни қоп-қора оҳу кўзинг,
Боғу рофим сен ўзингсан, ифтихорим ўзинг.

Ўргилай сендан, гўзал, мендан сира кетма йироқ,
Акмалинг қалбин ёритган ўзгинанг нурли чироқ.

Ергинам, жононгинам, васлингга зор этма мени,
Қуидириб жону дилим, меҳримни хор этма мени.

ТАСАДДУҚ

Меҳнатда донг таратган жоним сенга тасаддуқ,
Чўлда гулзор яратган жоним сенга тасаддуқ.
Ақли расо барно қиз, жоним сенга тасаддуқ,
Чаман ичра раъно қиз, жоним сенга тасаддуқ.

Боғда булбул сайрайди, жоним сенга тасаддуқ,
Сен-ла кўнглим яйрайди, жоним сенга тасаддуқ.
Озод гўзал барно қиз, жоним сенга тасаддуқ,
Сўзи тўла маъно қиз, жоним сенга тасаддуқ.

К Е Л

Кўнглимни олган жонон, ўзингсан,
Эли юртимга достон ўзингсан.
Оқ олтин кони обод диёринг,
Дилим боғида боғбон ўзингсан.

Пахта деб доим қалбимиз ёнар,
Бизларни ҳозир пахтазор чорлар,
Унутма жоним, берган ваъдангни,
Пахтамиз бирлан гул ҳаёт порлар.

* *
*

Гулзоримни обод этиб кел,
Ёш кўнглимни дилшод этиб кел.
Поёnsиз кенг пахтазоримга,
Янги қўшиқ ижод этиб кел.

Сенинг билан яйрайди жоним,
Қолмас сира дилда армоним.
Тезроқ келгин лолазоримга,
Сен азизим, шарафим-шоним.

Дўстларимизни, кел, қўллашайлик,
Оқ олтин териб куй куйлашайлик.
Илан тўлиб гўзал куз фасли,
Катта тўйни бирга бошлайлик.

ЁР ДЕГАНДА

Ёр деганда, тилдан новвот сочар эмиш,
Дил талпиниб, сиру асрор очар эмиш.
Мард йигитлар қувонганда ёр-ёр айтиб,
Денгиз каби қиргоқлардан ошар эмиш.

Еш қалбларга оташ солган ёр висоли,
Кенг оламни ёритармиш ой жамоли.
Кенг оламни ёритганда ой жамоли,
Лабларидан томар эмиш асал-боли.

Асал томган лабларидагулёrim бор,
Биргалашиб чўл қувамиз қиши ҳам баҳор.
Акмал жонин ёр жонига пайванд билинг,
Иккимиз ҳам ишқ-вафога жондан иқрор.

ЎЗГИНАНГ

Ўзгинангсан дилдан севган арслоним,
Жонажоним, юракдаги түгёним,
Мардларимни олқыштайди кенг жаҳон,
Меҳр или узилмасин ҳеч қачон.

Давронимиз меҳру вафо даврони,
Бузилмасдир чин ошиқлар паймони.
Гар бузилса чин ошиқлар паймони
Юрагидан кетмас сира армони.

Мардлар билан саҳроларни боғ этдик,
«Оқ олтинг»ни осмонўпар тоғ этдик.
Меҳнатимиз меҳримиздек пок, ҳалол,
Кўрмайлик биз турмушда ҳеч гам, завол.

Бахт-саодат бизларга ёр доимо,
Куйларимиз баланд парвоз, дилрабо,
Акмал куйлар мадҳингизни жўшқин, соз,
Гуркирасин иқболингиз сарафroz.

ИККИ ЮРАК

Тоғ бўлмаса, шалола ҳам бўлмайди,
Ёр бўлмаса, кўнглим асло тўлмайди,
Зору-гириён ёш тўкмайман йўлида,
Ерим ўзи ёш тўккани қўймайди.

Икки юрак ишқ ўтида омихта,
Кунларимиз болдек ширин ва пухта.
Чирмовиқлар ўролмайди бизларни,
Ажратолмас иғво, олтин, зар, нўхта.

Улуғлайман улуғ жонон элим бор,
Очиб кўринг меҳр тўла дилим бор.
Ҳамма ишда мададкорим ёргинам,
Ёлғон айтмас, ҳақгўй, бурро тилим бор.

Ёр қадрига бел боғлиқ мард етади,
Бир-бирин севгучи ҳамдард етади.
Акмалинг ҳамиша покдир нияти,
Пок севгида ғубору гард нетади.

БАҲОРИМСАИ

Жондан азиз ёримсан,
Меҳнатда мадоримсан,
Бўстонимни яшнатган
Ям-яшил баҳоримсан.

Ёр дилин ёр билмасми,
Билса дарҳол келмасми,
Юракдаги сирларин
Севганига демасми?!

Менинг ёрим гулжамол,
Кўрганларнинг ақли лол,
Меҳру вафо бобида.
Тенги йўқ, лафзи ҳалол.

Боғ айланиб шафтоли,
Учган тинчлик каптари.
Айтсам адo бўлмайди
Севган ёрим дафтари.

БАХТИЁРЛАР ҚҰШИҒИ

БИЗНИКИ¹

Қайғумиз йүқ, дұстлар, бу болғар бизники,
Еқуту зумрадга тұлған зарли тоғлар бизники,
Бахтимизга доимо, эй ишчи-деҳқонлар яшанг,
Ҳамма шод, дилларда күлгү, завқли өнімдер бизники.

Паҳтага бел боғладик, бу паҳта дилда ўтимиз,
Паҳта бирлан мавж урар яшнаб, қароғон юртимиз,
Паҳта деб күйланғ ҳамиша, паҳтакор ўртоқлар,
Мангу озод, ҳур ҳаёт, машъал, чироғлар бизники.

Халқимизнинг бошидан кетди мусибат, кулфати,
Жабха бүйлаб от қулоч, эй большевиклар суръати,
Бор экан бундог иноят халқимизга, дұстлар,
Акмал айттар:— Кенг жамият, завқли өнімдер бизники.

¹ Бу құшиқ 1930 йылда ёзилған, ұша пайтда Үзбекистон ССРда хизмет күрсатған артист Али гармончи Ҳўжаев томонидан бириңчи марта радио орқали ижро этилған.

РАҲМАТ СОВЕТЛАР ХАЛҚИГА

Ўзбекистон дейди ҳардам: раҳмат советлар халқига,
Тоғ каби дўстликда бардам, раҳмат советлар халқига.
Кенг қанот ёзи жаҳонда кўкдаги бургутсимон,
Чарчамас меҳнатда, ўқтам, раҳмат советлар халқига.

Гуллаган обод диёрим — чин боғи-роғимдир менинг,
Бағрида нурли қуёш бу ёққан чироғимдир менинг,
Кўз қароғимдир менинг бу, ёвга яроғимдир менинг,
Тан берар ҳуснига олам, раҳмат советлар халқига.

Мақтасам қайнар юракда завқли илҳом денгизи,
Томчиси малҳам танамга, тотли илҳом денгизи.
Байраминг табриклар Акмал икки қўли кўксидা,
Тўхтамас суръатда шаҳдам, раҳмат советлар халқига.

ҒОЛИБЛАР ЛАПАРИ

Қонли жанглар майдонда,
Қолмадик ҳеч армонда.
Гитлерчи фашист ёвлар
Роса бўлди шарманда.

Фашист келганди шошиб,
Ақл-ҳушдан адашиб,
Охирида қочиб қолди,
Орқа курагин қашиб.

Мард билинар майдонда,
Янги зафар ҳар онда.
Фашистни мажақладик
Озод, баҳтли замонда.

Шаҳарларни ёндириди,
Бало нафсин қондириди,
Гитлерчи сариқ вабо
Тинч халқларни ўлдириди.

Улардайин мақтанчоқ,
Қўнғиз мўйлов, шум олчоқ.
Босқинчилар кул бўлди,
Гитлерчи малъун пачоқ.

Қонли жанглар майдонда,
Қолмадик ҳеч армонда.
Гитлерчи фашист ёвлар
Роса бўлди шарманда.

ДАВР ТАРОНАСИ

Қуёш каби нур сочмоқда, жондан азиз әлими,
Янги-янги зафарлардан завққа тұла дилимиз.
Ватанимиз құдратига қойил бу күн кенг жақон.
Ҳар бир ишда әллар — әлга жонажондир, жонажон.

Довонларни ошиб ўтдик, юлдузларда йұлнимиз,
Тонг юлдуди Зухро ила Марсга етди құлнимиз.
Бахту иқбол чашмасидир севиқли она диёр,
Бу диёрнинг зафарлари ҳар күнгилга ифтихор.

Совет халқи яшнамоқда, туганмасдир мақтови,
Бошимизга нур сочмоқда ёрқин бахтнинг офтоби.
Яйраб-яйраб ўйнанг, дүстлар, шўх, ёқимли мақомга,
Давронимиз мадҳин күйлар Акмал тўлиб илҳомга.

Қуёш каби нур сочмоқда жондан азиз әлими,
Янги-янги зафарлардан завққа тұла дилимиз.

А С С А Л О М

Ассалом, юртимнинг ботир эрлари,
Меҳнатда чиниққан асл шерлари.

Ассалом, қўли гул пахтакор дечқон,
Ватаним баҳтига доим бўл омон.

Шер каби наъравор, шердир аслингиз,
Пок юрак, баҳодир асл наслингиз.

Бир зарб билан дарёларни тўсган сиз,
Бедов миниб пойгаларда ўзган сиз.

Сиз ўзингиз чўлларга келтирган баҳор,
Парвозда юлдузни кўзлаган шунқор.

Помирдек «Олтин тоғ» кўтарган полвон,
Мўл ҳосил устаси, машҳур қаҳрамон.

Сизни десам Акмалда қайнайди илҳом,
Сизга ҳурмат, сизга олқиши, ассалом.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИҒИ

Қутлуғ бўлсин азиз дўстлар, шонли Янги йилингиз,
Янги-янги зафарлардан завққа тўла дилингиз.
Ватанимиз қудратига қойил бу кун кенг жаҳон,
Коммунизм сари бошлар, партиямиз жонажон.

Чўққиларни босиб ўтдик, юлдузларда йўлимиз,
Бир ҳамлада Зухрга ҳам, Марсга етди қўлимиз.
Баҳт-иқболнинг чашмасидир нурга тўла кенг диёр,
Пахта кони Ўзбекистон дўстлар учун ифтихор.

Совет халқи яшнамоқда туганмайди мақтоби,
Бошимизга нур сочмоқда доҳий Ленин офтоби.
Кўтарайлик қадаҳларни жаранглатиб мақомга,
Давронимиз мадҳин куйлар Акмал тўлиб илҳомга.

Қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар, шонли Янги йилингиз
Янги-янги зафарлардан завққа тўла дилингиз.

МАРДЛАРГА

**Мард агар мақтанса, асло мард деманг,
Кўнглини очмас экан, ҳамдард деманг.
Мардлиги меҳнатда машҳур бўлмаса,
Мард дилларга ҳеч пайванд деманг!**

**Мардларим эзгу элимга ифтихор,
Мардда доим камтаринлик барқарор.
Ўякамиз шон-шуҳрати мардлар билан,
Шерюрак, мардларга севган халқи ёр.**

**Мардларим номи кезар осмонда ҳам,
Шуҳрати машҳур қўшиқ, достонда ҳам,
Мардларимнинг фикри ёди яхшилик,
Яхшиликдир яшнаган бўстонда ҳам.**

**Бахтимизга мардларим бўлсин омон,
Мардларимга офарин дер кенг жаҳон.
Акмalo, олқишла тинмай мардларинг,
Мардларинг номин кўтар кўкка чунон.**

**Мард агар мақтанса, асло мард деманг,
Кўнглини очмас экан, ҳамдард деманг,**

ЎЗБЕКИСТОН ДАРЁСИ

Зар кокилдек терилган,
Мағрур оқиб, керилган,
Халқ ишига берилган
Ўзбекистон дарёси.

Норин, Қорадарёси,
Қўзни олар жилоси,
Суви шарбат сараси,
Ўзбекистон дарёси.

Оқдарё ҳам Зарафшон,
Мардликдан катта нишон,
Ҳамма иши саранжом,
Ўзбекистон дарёси.

Жайхун эди Сирдарё,
Жилов бермасди гўё,
Ҳар томчиси гул, зиё,
Ўзбекистон дарёси.

Ўйнаб оқар шўх Аму
Тошқин суви кўп маъмур,
Ёғдирмоқда чексиз нур,
Ўзбекистон дарёси.

МАРГИЛОН ЛУЧЧАГИ

Қанду новвот экан луччак шафтоли,
Маргилон ҳуснига луччаги холи.
Дардларга шифодир ширин-шарбати,
Мевалар ичида асалу боли.

Таърифин юракдан айтмасам бўлмас,
Шуҳратин оламга ёймасам бўлмас.
Ҳеч жойда кўрмадим бундай шафтоли,
Шарбатинг шимириб қонмасам бўлмас!

Гул десам, гул эмас, қип-қизил лола,
Ҳар бири қирмизи — митти пиёла.
Қизлардек бол томади лабидан,
Чол еса йигиту, кампир — қиз бола.

Қуёшда товланар ҳар бир донаси,
Завқларга тўладир баҳтли хонаси.
Ҳавас қиласи бу шаҳарни кўрганда,
Акмал доим Маргилон парвонаси.

ЗАРАФШОН

Қучогинг оч Зарафшон, бағрингга чин қаҳрамон келди,
Ҳаётингда сенга ҳозир ажойиб, хуш замон келди.
Сахий бўл, шарқираб оқсин сувинг ташна биёбонга,
Қақир чўлларни обод қил, яна зўр имтиҳон келди.

Зарафшон, шарбатингдан баҳра олмай қанча ер чанқоқ,
Ярат сен ҳам бу кун инсон қўли билан чаман — гулбоғ.
Фаровонлик яна ошсин, гўзал водийга оқ тезроқ,
Аму, Сирлар билан мавж ур, бу кун жисмингга жон келди.

Жасорат, қудратинг кўрсат, совет халқига хизмат қил,
Ватанда гулласин боғлар, қадрдонингни иззат қил.
Асрлар ташналаб ётган биёбонга саёҳат қил,
Шалола сачратиб оқ, сенга чиндан меҳрибон келди.

Сенинг тоза зилолинг бирла чўллар майсазор бўлсин,
Гўзал водий кўкарсин, яшнасин, кенг пахтазор бўлсин.
Юракдан Акмалинг дер, доимо дўстлар омон бўлсин,
Ватанда мангутинчлик барқарор, хуррам замон келди.

БҮСТОНЛИҚ

Жонга роҳат, хушҳаво, шўх сувлари шарбат, зилол,
Қорли тоғлар жилвасин кўрган киши бўлғуси лол,
Боғлари гулга тўла, кенг қирлари кўркам жамол,
Шонли меҳнатда ҳамиша ҳалқимиз топди камол.

Бўстонлиқ боғимиз тобора бўстон бўлғуси,
Олтину гавҳарли конлар устига кон бўлғуси,
Қаҳрамон ҳалқ шуҳрати оламга достон бўлғуси,
Тинч ҳаёт яшнаб, яна турмуш фаровон бўлғуси.

Янги бўстонда қувондик ёри дўстлар яйрашиб,
Сунбулистан булбулидек жилғаларда сайрашиб,
Икки қардош ҳалқ яна ортиқ муҳаббат боғлашиб,
Меҳнату ижодда ортиқ янги марра чоғлашиб.

Туҳфадир жўлдос қозоқлардан бу яйлов, янги боғ,
Янги ерлар яшнагай, қолмай юзида зарра доғ,
Акмалинг дер:— Ҳур Ватанда ҳамма баҳтли, кўнгли чоғ,
Мангу порлар бошимизда партия ёққан чироғ.

ФАРГОНАМ

Водий осмонида олмос тоғларинг,
Яп-янги кўк беқасамдай боғларинг.
Азаматсан, азиз жоним — Фарғонам,
Бунча гаштили оҳанграбо чоғларинг.

Шэпирилган қимизи ё шалола,
Үнгирларинг тўла зарғалдоқ лола.
Мўътабарсан ҳаммамизга Фарғонам,
Сўлмас баҳор ям-яшил япроқларинг.

Очиляпсан куидан-кунга барқ уриб,
Эллар яшнар озодлик гаштин суреб.
Табриклайман сени, тиниқ Фарғонам,
Имлаганда чиройли ҳар ёқларинг

СҮХ

Сўх чаманлар ичра бир боғ — хушҳаво, хушманзара,
Шўх эсар шаббода доим, сувларн шўх, шаршара,
Роҳатижон, кенг хиёбон, бағри бўстон, кенг дара,
Боқсангиз кўзлар қамашгай, Сўх ажойиб, соз экан,
Шавқу завққа кон экан, гулчеҳра — хушпардоз экан.

Янги бойликлар берар Сўх Ўзбекистон халқига,
Яшиаган озод, фаровон гул — Гулистон халқига,
Эл аро дўстлик бузилмас, донғи достон халқига,
Қиши куни ҳам сайд этарга Сўх ҳавоси ёз экан,
Янгратиб тинчлик куйин куйлашда жўр овоз экан.

Чўққилардек қад кўтарган халқи эркин, баҳтиёр,
Жонажон, шонли Ватан бирлан қилурмиз ифтихор,
Акмал айтар:— Партия бизларга устоз, мангут ёр,
Тизма тоғлар бағрида Сўх энг гўзал, энг соз экан,
Қизлари меҳнатда илғор, шўх экан, танноз экан.

АЗИЗ ВАТАНИМ

Азиз Ватаним, номинг ҳур диёр,
Иссиқ бағрингда халқлар баҳтиёр.
Мадҳингни дилдан тошиб қўйлайман,
Янгратиб қўшиқ, янгратиб гулёр.

Оlamга машҳур улуғ Ватансан,
Шону шуҳратга тўлуғ Ватансан,
Ҳаёт водийси десам арзиди,
Тупроғинг олтин, бўлуғ Ватансан.

Нурин сочмоқда Ленин чироғи,
Обод, чароғон юртнинг ҳар ёғи.
Бизларга устоз доно партия —
Эркевар халқнинг суюнган тоғи.

Азиз Ватаним, номинг ҳур диёр,
Иссиқ бағрингда халқлар баҳтиёр.
Акмалинг сени дилдан қўйлади,
Янгратиб қўшиқ, янгратиб гулёр.

Д У Т О Р С А Н

Хипча белинг тўрт эллик,
Ёндирасан бепилик.
Оҳангларинг минг турлик,
Элга ёққан дуторсан.

Чертсам меҳр торингни,
Гапирасан борингни.
Биламан хушторингни,
Дилга ёққан дуторсан.

Узоқ, зўр, тарихинг бор,
Икки қулоқ, икки тор,
Шайдоларинг сенга ёр,
Садаф таққан дуторсан.

Бахтинг келди, ўйнайвер,
Шўх қўшиқлар куйлайвер.
Ҳақиқатни сўйлайвер,
Кулиб боққан дуторсан.

Акмал кўнглини овла,
Юрагига ўт қала,
Чиниқтири, яна тобла,
Элга ёққан дуторсан.

Хипча белинг тўрт эллик,
Ёндирасан бепилик.
Оҳангларинг минг турлик,
Кулиб боққан дуторсан.

ҚАЛБИМ ЯИРАЙДИ

(*Kýşışq*)

Сизни кўрсам қалбим яйрайди,
Меҳрим дарё — тошиб қайнайди.
Кўнглим, меҳрим сизда, шифокор,
Меҳрингизга астн тўймайди.

Хаёлимда доим ўзингиз,
Дардга малҳам ҳар бир сўзингиз.
Севиб, кулиб турарсиз доим,
Акмалдан ҳеч узмай кўзингиз.

Сизни кўрсам қалбим кўп обод,
Ҳар сўзингиз хаёлимда ёд.
Меҳри-дилингизга тасанно,
Шифокорлар, сиздандир нажот!

ГУЛ ИШҚИ

Ширин қизим Саодат,
Гулни жуда севади.
Чанқаб қолса ҳар күчат,
Үнга тез сув қуяди.

Яхши қаранг ўзингиз,
Гул билан Саодатга.
Иккови гул эгиз —
— Жон озиғи роҳатга.

Меҳри, ишқи шу гулда,
Бир нуқтада кўзлари.
Үнга қараб тўймайман,
Ширип-шакар сўзлари.

Бахтили қизим Саодат,
Гулни жуда севади.
Чанқаб қолса гул күчат,
Үнга тез сув қуяди.

ҚИЛПИЛЛАМА

(Чол ва кампир лапари)

Юр жонгинам далага, қилпиллама,
Юзинг ўхшар лолага, қилпиллама.
Кампирсан, аммо тенгдир, қилпиллама,
Меҳнатинг қиз болага, қилпиллама,
Қилпиллама дейман-о, қилпиллама.

Шоли солдим келимга, қилпиллама,
Қийиқ боғлаб белимга, қилпиллама.
Мўл етишган ҳосилни, қилпиллама,
Совға қиласай элимга, қилпиллама,
Қилпиллама, дейман-о, қилпиллама.

Ўзим қари, кўнглим ёш, қилпиллама,
Доим ёшларга йўлдош, қилпиллама.
Чолу кампир меҳнатда, қилпиллама,
Бўлдик илғорларга бош, қилпиллама,
Қилпиллама, дейман-о, қилпиллама.

Рўмолим учи сочиқ, қилпиллама,
Борсам дарвозанг очиқ, қилпиллама.
Жон тасаддуқ бўйингга, қилпиллама,
Мен маъшуқу сен ошиқ, қилпиллама,
Қилпиллама, дейман-о, қилпиллама.

Юртимиз гўзал, обод, қилпиллама,
Яшнар ширин гул ҳаёт, қилпиллама.
Советлар замонида, қилпиллама,
Ҳамма баҳтли, кўнгил шод, қилпиллама,
Қилпиллама, дейман-о, қилпиллама.

ОЗОД ШАРҚНИНГ ҚИЗИМАН

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса ой, кўқдаги юлдузиман.
Узатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

Ҳамма халқлар бахтли менинг элимда,
Гул-чечаклар поёндоздири йўлимда.
Қалбим кенгдир, олис кўрас кўзларим,
Улуғ Ленин номи яшар дилимда.

Кенг жаҳонда қўшиқларим янграйди,
Барча дўстлар муддаомни англайди.
Ҳар бир сўзим тинчлик ишин гавҳари,
Халқлар менга жўр бўлади, яйрайди.

Армоним йўқ, озод Шарқнинг қизиман,
Ой деса ой, кўқдаги юлдузиман.
Узатганда қўлим етар осмонга,
Чўлда баҳор яратганинг ўзиман.

СА ЭҲАТНОМА

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажисб ҳис бор эди менда.

Ҳамид Олимжон

Қувват бергин яна тошқин илҳомим,
Бир умрли қувончиму, оромим.
Сен баҳона, элни бир-бир кезайин,
Сўз маржонин мисраларга тизайин.
Қирғий деган қуш ўтирас қиёда,
Шундай гўзал чаман борми дунёда,
Шундай гўзал чаман бўлса дунёда,
Кўхиқофдан келса арзир пиёда.

* * *

Дастлаб кездим гулирухсор Тошкентни,
Қадимий нон шаҳри, асалу қандни.
Шоир халқин оғзида мақтоби соз,
Айлагандир юрак-юракдан эъзоз.
Дейдилар: «Тошкентдан сув ичган чумчуқ,
Қайтиб келар экан Маккатиллодан.
Юзи ҳам, сўзи ҳам, ўзи ҳам очиқ,
Табаррук тупроғи олтин тиллодан».
Таърифи туганмас олтин диёрим,
Кузи ҳам, қиши ҳам тиниқ баҳорим.
Илми-маърифатнинг қайнаган жойи,
Тўлинойдай заб ярашгани чиройи.
Шаҳримиз тарихин эсласак яна,
Хужжатлар кўрсатар санама-сана.
Сизга аён эски шаҳар кечмиши,
Уч пулга ҳам етмас емиш-ичмиши.
Ёвғон эди чўмич солган гўжамиз,
Эгри-буғри, пастқам эди кўчамиз.
Бунга гувоҳ ажи-бужки номлари,

Эскижӯва, Каллахона томлари.
Лайлак мачит, яна бешта Қайрағоч.
Пушти ҳаммом, Ачавоту Яланғоч.
Сассиқ Ҳовуз, Құмлоқ, Қаландархона,
Юраклар тұлғанди зардоб, фіғсна.
Партия құтқазди кишинни узиб.
Ёруғга бошлади ҳур Ватан тузиб.
Чирчик, Олмалығи бойлиқка кондир,
Ҳар бир шаҳринг үзи ажыб достондир,
Пахтангни күттарсанг етади күкка,
Каттаси ақаю, кичиги ука.
Оlamга машҳурдир шуҳрату шонинг,
Муборак түйларда ушатған ионинг!

* *
*

Юрагон бұлади бахши қариси,
Елкага қўнганды илҳом париси.
Андижонгача юзландым — шерлар олдига,
Кифти ер исқамас әрлар олдига.
Бобир ғазалидек тансиқ турмуши,
Тўй ионига етар хамиртуруши.
Нефту кўмир, жавоҳирот тошлари,
Нориндай жўшқиндиндир қари, ёшлари.
Чиройлидур тамом бошдан-оёғи,
Лтири пуркаб ётар чаман ҳар ёғи.
Тантанали меҳнат, ўйин ўлкаси,
Элимга аёндир «Андижон полькаси».
Ўзбекнинг бойлиги, шарафи, шони,
Қалбида қайнаган покиза қони.
Пахта билан катта рўзғори бутдир.
Мингларга ғалтаги айланган чўтдир.
От чопса гумбирлар тогнинг дараси,
Меҳнатда синалар эрнинг сараси.
Меҳнатда синалган Андижон, яша,
Остингга ипагу бахмалдан ташла.

Андижонга қошдай туташ Фарғона,
Тупроғу олтину, тоши дурдона.
Тоғдан чиққан кунми, янги оймисан,
Шалола, ширин сув, шарбат соймисан.
Қўрганлар ҳуснингга тўёлмас зинҳор,
Нусхасин олган ё сендан баҳор.
Олма, анор, писта битган боғларинг,
Олтин сандиқ ганжинали тоғларинг.
Не қора кунларни кўрмади водий,
Утмишда фалакка ўрлади доди.
Талончи бек, хонлар ўтди бесавоб,
Меҳнатчининг бўлди жигари кабоб.
Партия бош бўлди — янчдик ёвларни,
Суририб ташладик чиркин ёвларни.
Яшавор, Фарғона, букилмас диёр,
Шаънингга янграсин тўйларда гулёр.

* * *

Фарғонадан ўтиб Наманган бордим,
Чотқол кумушига ҳисларни қордим.
Наманганлик дегани мард пахтакор дегани,
Наманганлик дегани қалби баҳор дегани.
Наманганлик дегани бургут парвоз дегани,
Наманганлик дегани ишлари соз дегани.
Намангандир бобо дехқонлар юрти.
Чиллада ҳам қирор боғламас мурти.
Марказий Фарғона чўлни боғ қилди,
Езёвон пахтаси кумуш тоғ қилди.
Водийнинг дарёси лим-лим оқади,
Гулчеҳра қизлари әлга ёқади.

* *
*

Қўз ўнгимда гуркираган Бухоро,
Таърифи аёндир қитъалар аро.
Жаҳонга татирлик қудрат, бойлиги,
Туганмас ҳазина, адир, сойлиги.
Ернинг ости ҳам, усти ҳам зардир.
Қизилқум зарраси дурри гавҳардир.
Зарафшон сувидек қайна, тўлиб тош.
Отга тез қамчи бос, янги довон ош.
Оламга довруқли Жарқоқнинг гази,
Табиний оловнинг шарқий маркази.
Улкан корхоналар бағрингда кўркам,
Кундан-кунга ҳусни очилган ўлкам.
Офарин, Бухоро, қуёшдек балқи,
Зарафшон водийси олгинпаз ҳалқи!

* *
*

Кезмоқдаман Сир ёқасин пиёда,
Бахт, иқболинг яна бўлсин зиёда.
Эл уфурса шамол бўлади бўрон,
Саҳроларга солар даҳшат ва сурон.
Ўзинг бунинг мисолисан Сирдарё,
Қаҳрамонлик тимсолисан Сирдарё.
Паҳтазору ғаллазору боғинг соз,
Фарғонани эслатувчи чоғинг соз.
Гулистондек, Янгиердек номинг бор,
Шоирларга ранг-баранг илҳоминг бор.
Ёмғир ювар баланд тоғлар тошини,
Биз тўхтатдик шўр ерларнинг ёшини,
Сувини қилдик ташна лабга муҳайё.
Сайхун эмас, энди саҳий Сирдарё.
Сирдарёда яшар қирқдан кўп миллат,
Ҳаммаси қон-қардош, бир жон, бир элат.

Рус, ўзбек, украин, тожигу қозоқ,
Мустаҳкам бирликда мангу иттифоқ.
Оқкувмасми сузган машина чўлда,
Мард йигитлар, жонон қизлар тахт рулда.
Кўзни қамаштирас кўрккам бинолар,
Гулшангага гул қўшар ақли расолар.
Асал дарё, шакар дарё, жон дарё,
Чексиз бағри «оқ олтин»га кон дарё.

* *
*

Суқланиб қарайман Қашқадарёга,
Кўксидা тугамас меҳригиёга.
Тўлқинланиб, жўшиб куйлайман сени,
Қўшиққа жон қилиб улайман сени.
Озод қилди бизни улуғ инқилоб,
Халқларим бошинга нур сочди софтоб.
Компартия бўлди элга раҳнамо,
Биз қучдик ойни ҳам, танг қолди фазо.
Аму бўғиб, чўлда янги ер очдик,
Чўлларга барака уругин сочдик.

Бог-роғлар яшнади, гул бўлди саҳро,
Қақир дашт ўзига хўп берди оро.
Қўшиқ ёздим сенга атаб дилимдан,
Минг оғарин сенга ботир элимдан.
Сайр этарман энди Қорақалпоққа,
Жиззахдек чўлқувар, машхур гулбоққа.
Юрагим тўрида Сурхон, Самарқанд,
Ҳамиша пок дили дилимга пайванд.
Қувват бергин яна қайноқ илҳомим,
Бир умрлик қувончиму, оромим.
Сен баҳона, азиз элни кезайин,
Сўз маржонин мисраларга тизайн.

ҲАЖВИЯ ОШНО МЕНГА

ҚУЛОҚ СОЛ!

(Бир ҳасадгўйга)

Қулоқ сол сўзимга очкўз, ҳасадгўй,
Азадек кўринар сенга қувонч, тўй.
Тушда ҳам бошқалар ҳасади ўрттар,
Қилчалик ютуқлар тоғ бўлиб бўрттар.

Туҳматлар тўқувчи қоп-қаро дилинг,
Ҳаммага аёндир, тиканли тилинг.
Бағринг тўла фисқу фасод, иғвога,
Кимларни солмадинг оғир савдога.

Чақиша мисоли чаёнсан ўзинг,
Нақадар жирканчли ҳар айтган сўзинг.
Эл олдида ор-номусинг йўқ сира,
Дунёда бормикан сен каби хира.

Тутун чиқсан жойдан асло қолмайсан,
Гуноҳсизга туҳмат тўқиб толмайсан.
Олдин ейсан кишиларнинг тузини,
Сўнг булғайсан балчиқ отиб юзини.

Ҳасадгўйни дўсти бўлмас ҳеч, зинҳор,
Ҳасаддан бўшамас, етказар озор,
Ҳушёр бўлинг ҳасадгўйдан ҳамиша,
Найзасин санчади пешама-пеша.
Уз этини ўзи ейди охири,
Юртимда шармисор очилиб сири.
Ҳасадгўйни айтманг тўю, азага,
Туз ичиб, тупурар олтин косага.
Акмал айтганилари тамом ҳақиқат,
Фош қилинг, туҳматни фақат ва фақат!..

ҚАЙМОҚ

(Ем-хашак тайёрлашга бепарвоник билан
қараётган бир бегам ферма жудири тилидан)

Жонларга роҳатдир сут, қатиқ, қаймоқ,
Минг дардга даводир гўшт куйди, қуймоқ.
Тандир кабоб танларингни яйратар,
Учар қушдек ҳар мақомга сайратар.
Қанчалар лаззатли чорва маҳсули,
Поёнсиз кенг водий яйловнинг йўли.
Қаймоғи яхшию, хашаги ёмон,
Хашакни ўйласам қийналади жон.
Жонга тегди ҳар йил хашак тайёрлаш,
Нима қўйсанг моллар қиласр хомталаш.
Еб туриб маърайди, анави сигир,
Улардек очопат бузоги қурғур.
Сепин ёзиб яна ташвиш, май келди,
Сувлари шарқираб жўшқин сой келди.
Ҳар хил ўтдан тўлди кўм-кўк далалар,
Яна ўшал «ҳа, бўл» деган паллалар.
Ростин айтсам ҳали ишларим чатоқ,
Меҳнатга тобим йўқ, қўл-оёқ чўлтоқ.
Хашагига зинҳор йўқдир тоқатим,
Қуруқ ваъда ҳар йилгидек одатим.
Қаймоғи яхшию, хашаги ёмон,
Хашакни ўйласам қийналади жон.
Қишининг ғами тушди яна бошимга,
Ҳолим сўраб ҳеч ким келмас қошимга.
Акмал дейди, тузат тезроқ хатоинг,
Эл ичида тўкилмасин обрўйинг.

БЕВАФО ЁР АЛАМИ

Гулзоримнинг атрофига экдим палак,
Бир бевафо ёр йўлида бўлдим ҳалак.
Бевафолар машақати оғир экан,
Юракларга ботганидек чақир тикан.

Юракларга ботмай ўлсин чақир тикан,
Бевафолар ёр қадрини билмас экан.
Эсизгина бевафога тушган бошим,
Фам-аламдан тўхтамади кўзда ёшим.

Аввалида ваъз айтди садоқатдан,
Бахтли ҳаёт, тутув турмуш, фароғатдан.
Сал ўлмайин, учиб кетди бошқа ёрга,
Ҳамма ҳайрон бундай бебурд, бекарорга.

Муҳаббатсиз, бемеҳрнинг хулқи аён,
Даркор эмас бу ҳақда ҳеч узоқ баён,
Жовдираиди кўзи йўлда мурғаклари,
Ширин-шакар, жажжи дўмбоқ гўдаклари.

Акмал ёзган сатрларни деманг ёлгон,
Ҳақиқатни Сизга айтдим тутмай пинҳон.
Гулзоримнинг атрофига экдим палак,
Бир бевафо ёр йўлида бўлиб ҳалак.

ТУҲМАТЧИ БҮЛГАЙ ШАРМИСОР

Қанчалар дилдан севардим, яхши дўстим деб уни,
Бир магизни бўлиб ердик, бирга эрдик ҳар куни.
Охирида фош қилинди, ул фирибгарнинг иши,
Туҳмату иғво — фасоддир сурбет, айёр қилмиши.

Бағрима кирди мулойим, аввалига дўст бўлиб,
Офаринлар дерди менга, тилда завқларга тўлиб.
Соддалик бирлан ишондим мен унинг даъвосига,
Сўнгиди қолдим роса туҳматчининг иғвосига.

Дўстларим, ҳушёр бўлинг, дўст орттиришда доимо,
Бетайин, қаллобда бўлмас заррacha инсоф, ҳаё.
Бузма кўнглинг, Ақмало, туҳматчи бўлгай шармисор.
Она юрт қилгай ўзи туҳматчиларни хору зор.

НАЙЛАЙИН

(Қишидан қийналиб чиққан бир сигирнинг
ферма мудирига айтганлари)

Ферма мудир, эшит менинг сўзимни,
Парво қилмай сарғайтирдинг юзимни.

Говмиш эдим сутдан қолдим, найлайин,
Хушчоқ эдим ғамга толдим, найлайин.

Қишида роса ем-хашаксиз қийнадинг,
Қорин солиб ўз-ўзингни сийладинг.

Сут, қаймогим яхши, ўзим ёмонми?
Сен бегам дастидан рангим сомонми?

Ҳар йил ёзда катта ваъда берасан,
Бўйнинг чўзиб, кўкракларинг керасан.

Қишида эса югарасан ҳар ёнга,
«Сијос» деб ялиниш тегди-ку жонга.

Уялмайсан эл олдида ваъдабоз,
Қилмишинг мажлису қуруқ гап, қогоз.

Энг муҳим дамларда юрасан бекор,
Шунинг-чун чорванинг ҳоли қўп ичор.

Сен юрасан ҳамон парвойинг фалак,
Ашуланг таралла, дўпинг чамбарак.

Кўзингни оч тезроқ вақting ўтмасдан,
Бултургидек қиши-аёзни кутмасдан.

Ферма мудир, эшит менинг сўзимни,
Парво қилмай сарғайтирдинг юзимни.

БОРМИСАН?

(Бир ваёдабоз бригадирга)

Бригадиржон, сўзларимга қулоқ сол,
Ҳовлиқмасдан таънам эшит бемалол.
Уз вақтида дала юзин кўрмайсан,
Ғўзаларнинг ҳоли не деб сўрмайсан.
Ишлови йўқ ҳар бир кўчат аламлик,
Ҳукмрондир ҳамон сенда бегамлик.
Ерларингни босиб кетган қатқалоқ,
Нуқсонинг айтганда тутади ҳиқичноқ.
Қуруқ гапда кўкка етар парвозинг,
Жонга тегди баҳонаю, сернозинг.
Чирмовиқлар ўраб олган ҳосилни,
Унутяпсан шундай муҳим фаслни.
Ўтган йил ҳам худди шундай бўлганди,
Қолоқликда бағринг ғамга тўлганди.
Илфорлардан нега сабоқ олмайсан,
Бор кучингни тўплаб ишга солмайсан.
Сенга аatab ёздим танқидий қўшиқ,
Чидолмай чиқмасин лабингга учук.



Танқид, таъналарни писанд қилмайсан,
Ёки ўзинг бир инсофга келмайсан,
Нима учун ҳосил ғамин емайсан,
Үйғоқмисан, ухлоқмисан, бормисан,
Ёки бирон «мушт кетти»га зормисан.
Илфорлар ишидан олмайсан ўринак,
Ниҳоят, устасан, муғомбир, туллак.

Иш деса оқади оғзингдан сұлак,
Анқовмисан, ялқовмисан, бормисан,
Е шапалоқ, тарсакига зормисан.

Күзинг очгин вақтинг ўтиб кетмасдан,
Бор обрўй ҳам эл ичидан кетмасдан,
Айтгин ўзинг пахтазорда бормисан,
Ёки Акмал ғазабига зормисан.

Бригадиржон, сўзларимга қулоқ сол,
Ҳовлиқмасдан таънам эшит бемалол.

АҲДИНГНИ БУЗМА

Бузма, дўстим, дўстга берган аҳдингни,
Қувламагин кулиб турган баҳтингни.

Аҳдизларнинг ҳоли охир ёмондур,
Буғун гулдек, ранги эрта сомондур.

Алдашдан кўкармас асло боғ-роғи,
Алдашдан ёришмас ёққан чироги.

Алдамчида обрў бўлмас аңдак ҳам,
Оқибати пушаймону қайғу-ғам.

Айтар бўлсанг, сўзни ўйлаб айта бил,
Атрофингни ўлчаб, бўйлаб айта бил.

Оғзингга келганин сўйлама зинҳор,
Даврингда зар қадрин билгувчилар бор.

Ишидаю курашда доим ростгўй бўл,
Дўстларнингдек шону шуҳрат, баҳтга тўл.

Тогдаҳ ҳам оғирдур ҳақ сўзнинг кучи,
Рост гапни айтмоқлик чин инсон бурчи.

Дўстим, Ақмал сўзига сен қулоқ сол,
Бу насиҳат сенга келмасин малол.

Ёлғончининг ҳоли доим ёмондур,
Буғун гулдек ранги эрта сомондир.

ҲАЗИЛ ҚУШИҚ

Кўнгил дардин ёрга очиқ айтсаммикин,
Ё ҳозирча бу шаштимдан қайтсаммикин?
Дадил туриб кўнгил дардин айлаб баён,
Қўлларига гулдасталар тутсаммикин?

Үйлаб туриб яна ундоғ бўлмас дейман,
Мазах қилиб яна мендан кулмас дейман,
Қўполлигим ул жононга келиб малол,
Ситам билан калтак олиб қувмас дейман?

Бу жумбоқни ечолмайин бошим қотар,
Бош қотса-да, аммо унинг меҳри тортар,
Кечакундуз кетмай асло хаёлнимдан,
Ростин айтсам, унга ишқим яна ортар.

Ноз-ишваси, бол сўзлари жонга малҳам,
Бор вужудим менга эмас, унга қарам.
Таваккал деб боргум энди ҳузурига,
Ажаб эмас, жилмайиб ёр қиласа қарам...

А И Р И Л М А

Бесабаб ҳаётим қилмагин чил-чил,
Ёргинам, ҳолимга ўзинг раҳм қил.
Жудолик ўтига отгандан кўра,
Майлига, бағримни пора-пора тил.

Йўқ, юрак чокини сўкиб кетмагин,
Ешгина қадимни букиб кетмагин.
Севикли фарзандлар бор-ку, ўртада,
Ешимни гуноҳсиз тўкиб кетмагин.

Йўлингда термилиб қолмайлик зинҳор,
Отам деб қўмсовчи гўдакларинг бор.
Тирик етим қилма қўзичоқларни,
Юзингни кўролмай бўлмасин аброр.

Болалар фарёди увол эмасми?
Қилмишинг ўзингга завол эмасми?
Элу юрт олдида шарманда бўлиш,
Айтинг-чи, аянчли бир ҳол эмасми?

Ҳали ҳам қайт, йигит, ёмон йўлингдан,
Айрилма муборак гул-сунбулингдан.
Акмал дейди: янчима боғу роғингни,
Айрилма ёрингдан, азиҳ элингдан!

ГАПИРСАНГ-ЧИ

Қўй эй дўстим ҳасадни, даври даврондан гапирсанг-чи,
Ширин суҳбат, ширин дам ишқи туғёндан гапирсанг-чи.
Бирвлар ғийбатин қилма, юзингта тушмасин ҳеч дод,
Юрак торини чертган, лаъли хандондан гапирсанг-чи.

У бирлан дўсту ёр эрдинг, қани аҳдингда тургонинг?
Бало бўлғай ўзингга оқибатда шубҳа, ёлғонинг.
Қани, бадхўни ташлаб, яхшилардан ўриак олгонинг?
Қўтар қаддингни ростдан, ростни вижданан гапирсанг-чи.

Гапирма ҳеч ёмонликдан, гапиргин, баркамолликдан,
Етишгай ниятига ҳар киши албат ҳалолликдан.
Қулоқ сол, сўзласин Акмал йўлиқмас шум заволликдан,
Садоқатдан, вафодан, илму урфондан гапирсанг-чи.

УЗГАРГАН ЭЧКИ

Яқинда рўй берди қизиқ ҳангома,
Бу сирдан ҳайратда Чиноз, Яллома.
Бир дўстим эчкисин элтди бозорга,
Ялиниб топширди уни даллолга.
«Қўтарганга сотиб беринг, тоғажон,
Хизматингиз унутмайман ҳеч қачон.
Эчкимизнинг елинда сути йўқ,
Улардек очофат, аммо эти йўқ.
Ҳеч тинмасдан ўйноқлайди, сакрайди,
Еб туриб бу очкўз яна маърайди.
Дараҳтлар қолмади унинг дастидан,—
Хабардор ҳовлининг баланд-пастидан.
Алмаштиринг буни бошқа эчкига,
Пул берсам ҳам майли яна устига».
Рози бўлди бу ишга шу пайт даллол,
«Қотирамиз буни албат, bemalol.
Ҳозир менга оз-моз манат чўзингиз,
Сўнгра аста четга олинг ўзингиз!
То кечгача келманг асло ёнимга,
Қистайвериб тегманг яна жонимга».
Лаққа тушди бунга дўстим бечора,
Бошқа илож йўқ-да ахир, не чора...
Даллол олдин кесди эчки шохини,
Кечирсин тангри, деб ўз гуноҳини.
Сўнгра эса кесиб олди соқолин,
Қорага бўярди оқ қашқа холин.
Қайтадан пуллади дўстимга буни,
Рўй берди бу аҳвол худди шу куни,
Дўстим хурсанд, дўппилари чамбарак.
Йўқолди деб жонга теккан тартарак.

Эчкини келтирди дўстим уйига,
Қўшиқ айтиб омонёрнинг куйига.
«Мана хотин, эчкиларнинг сараси,
Гўшти ширин, гўё қўзи барраси».
«Ҳайт» демасдан учиб қолди эчкивой,
Маълум эди унга ҳамма эски жой.
Лип этди-ю иргиб деворга чиқди,
Шохларни қайириб оғзига тиқди.
Аввалгидек ўйноқлаб, сакради.
Кўрганин чайнамасдан ямлади.
Хотин деди шу дам эрига қараб.
Бу аҳволдан роса кулиб, қаҳ-қаҳлаб:
«Адашибиз, болаларнинг дадаси,
Шундай бўлар одамларнинг соддаси.
Эчкимизга қўл урибди сартарош,
Шоҳсиз, аммо ўша кўзу ўша бош.
Бу ўша ҳийлагар даллоннинг иши,
Шундай бўлар фирибгарнинг қилмиши».

СЕН БҮЛМАСАНГ ЁНИМДА

(Бир ароқхўрнинг ўз шишиасига қараб
айтганлари)

Кўнглим асло тўлмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Ишим олға жилмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Қўл, оёқ қалтирайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.
Қўз ҳеч нарса кўрмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.

Шиша ичида менга
Мунча муқом қиласан.
Нозу карашма бирлан
Юрак-багрим тиласан.
Сенга бўлган меҳримни
Узинг яхши биласан.
Дилим ором олмайди,
Сен бўлмасанг ёнимда.

Узингсан танҳо мени
Улоқ қилиб сурдирган.
Фурра қилиб бошимни
Деворларга урдирган.
Юзу баданларимни
Тахта каби йўндириган.
Сира шундай бўлмасди
Сен бўлмасанг ёнимда.

Роса тегдинг жонимга,
Энди сени ичмайман.

**Минг хил мүқом қиласанг ҳам,
Алдовингга учмайман.
Менга берган азобинг,
Үлгунимча кечмайман.
Багрим гулдай яшнайди.
Сен бўлмасанг ёнимда.**

ДАНГАСА

От бойладим тол ёғочнинг ходасига,
Ақлсизлар гап бермайди отасига.
Тайёр ошга баковул-да, номус қайда,
Қулоқ солманг баҳона-ю, ваъдасига.

Зовур олиб, ишга солдик заҳкаш ерни,
Меҳнат қилдик, марданавор боғлаб белни.
Пастқам ерда писиб ётмай, ҳой дангаса,
Сафимиизда сен ҳам тўккин қайноқ терни.

Кўринмайсан, сув тагида балиқмисан,
Кунжутмисан, зиғирмисан, тариқмисан.
Бу ярамас одатингни ташла тамом,
Офтоб кўрмай ётган ранги сариқмисан.

Кунда касал, меҳнат деса дармонинг йўқ
Бошқалардай пахтазорда хирмонинг йўқ
Унутмагин Акмал сўзин, дангасавой,
Меҳнат қилган кишининг ҳеч армони йўқ.

ТУҲМАТ ВА ИЛОН

Халқимиз тўқиган шундай афсона,
Афсонаки бунга қойил замона.
Қадимдан бор экан Туҳмат ва Илон,
Уларнинг қилмиши қабих, беомон.
Кунлардан бир куни Илон сўз очиб,
Оғзидан беомон заҳрини сочиб,
Вишиллаб бериб Туҳматга савол:
«Жавоб бер сўзимга, эй дарди маҳол,
Биринчи дўзахи менми ёки сен?»
Умрингда гапиргин бир марта рост сен.
Илоннинг саволи Туҳматга ботиб,
Бир нафас қолибди қайроқдай қотиб.
Сўнгра дўқ урибди унга тоза ҳам:
«Сен ифлосдан баланд ҳаттоки соям.
Узингни тент қилма менга, эй суллоҳ!
Даҳшатим зарбидан топмайсан паноҳ.
Туҳмат деса қалтирайди кенг олам,
Танамни қоплаган фисқ, фужур, ғам,
Сенинг заҳринг урвоқ бўлмас заҳримга,
Дод дейди одамзод тортсам қаъримга.
Номимдан чўчийди Кўхиқоф тоғи,
Дам урсам қурийди боғу булоги.
Сен чақасан суриштирмай сира ҳам,
Кечалар изғийсан тинмайсан бир дам.
Сенинг учун ким бўлишнинг фарқи йўқ,
Гапимнинг тагига тушингин тўлиқ —
Заҳрингни сочасан ҳамма кишига,
Ажратмасдан унинг тутган ишига,
Мен қилмайман сира сен каби ундоқ.
Олдин танлаб, сўнгра отаман қармоқ.

Ватанга ким содиқ, обрұси катта,
Актив жамоатчи юртда, әлатда.
Ана шуни құз тагига оламан,
Пойлаб туриб сүнгра өзовут соламан.
Мендан безор ҳамма: гузар, маҳалла,
Шуни ҳам билмайсан аҳмоқ, хомкалла!
Бұқтонидан юзлаб киши овора,
Комиссия, текшир-текшир, нечора?
Фош қилинар охир қора ниятим.
Катта амал, мүмай ойлик, мақсадим.
Дастимдан гуноҳсиз чекар изтироб,
Қанча пул, қиммат вақт Тұхматта истроф.
Фитнага тұладир чириған халтам,
Фасоддан ясалған құлымда болтам.
Бегонадир менға ҳаё ва виждон.
Алқазар дер мени күрган ҳар инсон.
Мудхиш кишиларға жирканч қуролман,
Гуноҳсиз әзишга ҳамиша зорман...»

* *
*

Оталар құл очиб маърака, түйда,
Фотиҳа үқиқса мәхмона, уйда —
Тұхмат балосидан асра, деганлар,
Инсонни тұхматдан сақла деганлар.
Заҳар құшар тұхмат олдин ошиннга,
Сүнгра урар тұқмоқ билан бошингга.
Тарихга құз ташланғ, азиз дүстларим,
Тұхматда бұлмайди заррача шарм.
Тұхмат билмас она-Ватан қадрини,
Тұхмат билан әзар юрак-бағрини.
Тұхмат қылар онасин ҳам ҳақорат,
Тұхмат очкүз, олғир, сотқын, касофат.
Фарәд чекди тұхматдан Үлугбек, ҳайқот.
Тұхмат билан муҳташам қасрлар барбод.

Туҳматдир одамнинг қўлин қайирган,
Тоҳирларни Зуҳросидан айрган.
Туҳматдан Отелло ўзин ўлдирди,
Севикли ёрининг гулин сўлдирди.
Азоб чекди кўплар қуруқ туҳматдан,
Қалбига қон тўлди ноҳақ кулфатдан.
Туҳматдан дод деди улуғ Навоий,
Туҳмат билан ёнди билим саройи.
Жамила, Гулининг тақдирни аён,
Уларни чаққанди туҳматчи чаён.
Туҳмат бор жойларда шубҳа ва гумон,
Туҳматдан зирқираб қийналади жон.
Туҳматни азага, тўйга ҳам айтманг,
Қўрганда юзига тупурмай ўтманг!
Туҳматдир одамнинг машъум душмани,
Бир нафас унутманг, дўстларим, буни.
Ут очинг туҳматга ҳужум ва форат.
Ким янчса туҳматни топар саодат.

* * *

Борган сари кучайибди тортишув,
Икки разил ўртасида олишув.
Еқалашиб боришибди дўзахга,
Булар учун ҳеч ким келмас гувоҳга.
Епиқ эди жаҳаннамнинг эшиги,
Кўринмасди ҳеч қаердан тешиги.
Ҳайҳайлаб чақирди Туҳмат ва Илон,
Бу мудҳиш овоздаи ҳайратда шайтон.
Шу онда чиқибди дўзах ҳокими:
«Бевақт сўрайсан абллаҳлар кимни?»
Улар дебди: «Э ҳоким, бўлгин бизга эш,
Жанжалли саволни энди ўзинг еч,
Биримиз Туҳмату биримиз Илон.
Дунёда биз қаби йўқдир шарлатон.

Дўзахга ким тушар биринчи бўлиб,
Ростини айт, тортина юзимиз кўриб».
Шу онда дўзахдан бақирди Шайтон,
Даҳшатли овози, қўрқинчли, фифон.
«Туҳматни дўзахга қўймагин энхор,
Туҳматдир жаҳонда энг разил, беор.
Туҳмат кирса дўзахга мен туролмайман,
У билан бир сафда ҳеч юролмайман.
Туҳмат кирса менга ҳам қилади туҳмат,
Бошимда ошади ғам, алам, кулфат.
Шунда дебди ҳоким Туҳматга қараб,
Туҳматга тан бериб, бошини силаб:
Биринчи дўзахи ўзингсан чунон,
Дўзахга кунда бўл, роса тутаб ён.
Ҳазар қиласендан Шайтон ҳам, билгин,
Юзингни тимдалаб, сочингни юлгин.
Жирканар башаранг кўрганда дўзах,
Ўзингсан энг мудҳиш, аплаҳ.

Ҳеч киши бўлмасин туҳматга дучор,
Туҳматнинг овози дўзахда ўпар.
Акмал сўзин, дўстлар, демангиз бекор
Туҳматни аямай қилинг тору-мор.

ЛАЪЛИ БАДАХШОН

(Дангаса эр, илғор хотин лапари)

— Нон ўтмайди томоғимдан,
Қор ёғаркан қовоғимдан,
Ош аримас товоғимдан,
Меҳнатга ҳеч йўллама,
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Кунинг ўтар ароқ ичиб,
Дўсту ёрлардан кечиб,
Юмалайсан тўнни ечиб,
Ялқовлардан ҳеч сўз очма,
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Ёз бўлса-ю, қиши бўлмаса,
Ош бўлса-ю, иш бўлмаса,
Бирор менга ғинг демаса,
Меҳнат қилиш кўп bemаза,
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Ағанайсан пана жойда,
Юмалайсан ичиб лойда.
Иш қолди-ку, ариқ, сойда,
Ялқовлигинг тегди жонга,
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Йил, ой нуқул ётаверсам,
Ошиғимни отаверсам.

Қоплаб гапни сотоверсам,
Меҳнат қилмай ўтаверсам,
Лаъли бадахшон,
Бу менга равшан.

— Эрим бўлмай ўлгин ахир,
Ювдирмайсан, тўнлар яғир.
Оринг йўқдир сенинг тақир,
Обрўйни қилдинг бир пақир,
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Бўлди дейман, сирим очма,
Заҳарликни менга сочма.
Таъна қилиб, ҳаддан ошма,
Ҳар қанча иш битар, қочмас,
Лаъли бадахшон,
У менга равшан.

— Нима қиласай, ҳой дангаса,
Бир меҳнат кунинг бўлмаса,
Бошқа бўлсин энди коса,
Куйдирдинг-ку, мени роса,
Лаъли бадахшон,
Бу сенга равшан.

— Майли, мен ҳам зарбдор бўлай,
Меҳнат деса тайёр бўлай,
Сен сингари илгор бўлай,
Далаларда ўйнаб-кулай,
Лаъли бадахшон,
Оlamга равшан.

ДЕДИМ, ДЕДИ

Доим қўлида сози,
Баланд экан парвози,
Дедим:— Аҳволинг қалай?
Экишга бўлдингми шай?
Деди:— Шошиш не даркор,
Бир гап бўлар-кетар-да.

Бу йил ҳам бўлма афгор,
Сени кутмайди баҳор.
Дедим:— Отинг қамчила,
Ҳали ишларинг чала.
Деди:— Шошиш не даркор
Бир гап бўлар-кетар-да.

Үйдим-чуқур ерларинг,
Қани арслон, шерларинг?
Дедим:— Қолма ғафлатда!
Гап эшишиб ҳар қатта.
Деди:— Шошиш не даркор,
Бир гап бўлар-кетар-да.

Ариқ, зовур чопиқсиз,
Вақтинг ўтмоқда эсиз,
Дедим:— Тезроқ чиқ далага,
Узни олмай панага.
Деди:— Шошиш не даркор,
Бир гап бўлар-кетар-да.

Сўзда жўхори дейсан,
Чорванинг ёри дейсан.

Дедим:— Амалда қани?
Ким бажаар ваъдани?
Деди:— Шошиш не даркор,
Бир гап бўлар-кетар-да.

Давом этса бу аҳвол,
Етар ўзингга завол.
Дедим Акмал, илғор бўл,
Ҳосилларинг бўлсин мўл.
Деди:— Шошиш не даркор,
Бир гап бўлар-кетар-да.

СОҒУВЧИ БИЛАН МУДИР ЛАПАРИ

Мудир

Ҳар куни бўлса ширин қаймоқ,
Боз устига тухум қўймоқ.
Ҳай-ҳай уни тўйиб емоқ —
Тан яйратар деяберинг.

Софуви

Ишламасдан ейиш қаймоқ,
Боз устига тухум қўймоқ.
Яна уни тўйиб емоқ,
Дил ўйнатар деяберинг.

Мудир

Суту қатиқ, барра кабоб,
Қовурдогу хушхўр шароб,
Сайраб турса дутор, рубоб,
Тиш қайратар деяберинг.

Софуви

Номингиздир Салим мўйлов,
Айтингиз-чи қайда яилов,
Озиб кетган чорва-улов,
Феъл айнатар деяберинг.

Мудир

Менга мунча газаб қилманг,
Аччиқ сўз-ла бағрим тилманг,

Аҳволимдан сиз ҳам кулманг,
Ишчан раҳбар деяберинг.

Сөғувчи

Үтган йил ҳам шундай бўлган,
Масхаралаб кўплар кулган,
Сигир озиб, бузоқ ўлган,
Тил сайратар деяберинг.

Мудир

Ҳар кун бўлса ширин қаймоқ,
Боз устига тухум қуймоқ.
Ҳай-ҳай уни тўйиб емоқ,
Тан яйратар деяберинг.

Сөғувчи

Илфорлардан олинг ўрнак,
Бўлманг сира қирриқ — туллак.
Қора бўлса агар юрак,
Сафдан чиқар деяберинг.

ИЛГОР ХОТИН ВА ДАНГАСА ЭР ЛАПАРИ

Өр

Ишқинг билан сояда ялпайиб ётсам,
Меҳнат кунингни ўйлаб, шалпайиб ётсам.
Сен далада, мен уйда, ҳай-ҳай, ёрларим,
Жонгинамга ором, деб хурраклар отсам.

Хотин

Уятмасми бу қилиқ шу қизғин чоғда,
Наҳот сизни деб ўтсам армонда, доғда.
Құзни очинг сиз тезроқ, ҳай-ҳай, ёрларим,
Тухумингиз бўлмасин айниб палағда.

Өр

Қойитмайман, севиклим, жоним хотинжон,
Бўйгинангга тасаддуқ, бўйнингга маржон.
Ишга асло йўллама, ҳай-ҳай, ёрларим,
Яхшилигинг кўнглимдан чиқмас ҳеч қачон.

Хотин

Меҳнат севмаган эркак эркакмас зинҳор,
Сизни кутар кенг дала, олтин паҳтазор.
Ҳозир ҳар дам ғанимат, ҳай-ҳай, ёрларим,
Меҳнатдан топинг сиз ҳам шараф-ифтихор.

Эр

Юрдим, хотин, кўзингга, эрдек ишлайман,
Бамисоли наъра тортган шердек ишлайман.

Қўлингни бер вафодор, ҳай-ҳай, ёрларим,
Тоғ кўтарган ҳў ўша филдек ишлайман.

Иккови

Пахтазорда денгиздек қайнаб-тошамиз,
Ҳар нафасда зафар деб марра ошамиз.
Қани, ҳамма ҳужумга, ҳай-ҳай, ёрларим,
Октябрга совға деб ишга шошамиз.

БИР ҚУПОЛ МАНСАБДОРГА

Бўриларни қутиртирган оғзидағи икки тиши,
Шунинг учун зўравонлик ўрмондаги қилмиши.

Қоқиб олсанг шу тишларин, унда қолмас зарра куч,
Мушук каби миёвларкан, гердайиши тамом пуч.

Баъзиларга мансаб текса, ўзин буткул йўқотади,
Ҳеч гуноҳсиз кишиларга туҳмат тошин отади.

Юракларни чил-чил қилиб, бақиради бу қўпол,
Танқид, таъна кор қилмайди, ўта қуруқ, пўк сопол.

Шафқат қилмас бундайларга бизнинг улуғ замона,
Ёмонларга лаънат ўқир, яхшиларга парвона.

Ёмонларга ёмонликдир, халқим қатъий шиори,
Яхшиларни бошга қўйиш адолатли қарори.

Акмалингиз айтганлари хато эмас, биласиз.
Бундайларни сиз ҳам кўриб, аҳволидан куласиз.

УНДА СЕВГИ НА ҚИЛСИН

Уялмайсан ёр олиб, ёр қўйгани,
Вафосизнинг бўлмас асло севгани.
Кимки тушса вафосизнинг домига,
Фақат шундан ўт-оловсиз кўйгани.

Ишонманглар вафосизнинг сўзига,
Макр билан кулган айёр юзига.
Ишқ-вафо, унда севги на қилсин,
Тош отар бир кўзи бошқа кўзига.

Вафосизнинг заҳар-заққум турмуши,
Хотин олиб, хотин қўйиш қилмиши.
Бундайларга лаънат дейди замонам,
Ўзидек тубандур номарднинг иши.

Ана, қаранг тирик етим боласи,
Эндиғина ғунча очган лоласи.
Чидолмайди Акмал зинҳор бу ҳолга,
Юракни эзади гўдак ноласи.

Уялмайсан ёр олиб, ёр қўйгани,
Вафосизнинг бўлмас асло севгани.

ИИГЛОҚИ ОШИҚ

(Ҳазил қўшиқ)

Ғулбул сайрар чаманда,
Жонон сенга мен банда.
Буриштириб юзингни,
Яна қилма шарманда.

Ҳаловатим йўқ сира,
Кўнглим қоронгу, хира.
Сени деб ёнар жоним
Раҳм қилмайсан сира.

Рўзапоя ўтини,
Ачиқ экан тутуни.
Ҳеч кимсага солмасин,
Мендай ошиқ ўтини.

Фарёд чекаман «оҳ» деб,
Тўлғонаман «эй воҳ» деб,
Сен томон талпинаман,
Ўзинг бўлгин ҳамроҳ деб.

Сени кўрсам анқовман,
Гўё тилсиз соқовман.
Дарё-дарё кўз ёшим —
Ишкимда ҳам беёвман.

Мени йиглатма ортиқ,
Жон-дилим сенга тортиқ.
Тошданми ё харсангдан —
Юрагинг бунча қаттиқ.

Акмал айтар нетарсан,
Инглаб ҳолдан кетарсан,
Мөхнат қилсанг пок, ҳалол,
Севганингга етарсан.

Булбул сайрар чаманда,
Жонон сенга мен бандада.
Буриштириб юзингни,
Яна қилма шарманда!

МУШТ КЕТДИ

Порахўр, ҳаром томоққа,
Ароқхўр, суюқоёққа,
Сурбет, суллоҳ, саёққа,
Роса боплаб мушт кетди,
Қафтин тоблаб мушт кетди.

Ваъдабоз, ёлғончига,
Халқ мулкин талончига,
Шатта тушиб лунжига,
Роса боплаб мушт кетди,
Қафтин тоблаб мушт кетди.

Хотинбозни мўлжаллаб,
Туҳматчига ўт қалаб,
Ҳасадгўйни шиббалаб,
Роса боплаб мушт кетди,
Қафтин тоблаб мушт кетди.

Мақтанчоқ, бўйни ғозга,
Ўйин билмас дарбозга,
Қуруқ, баланд парвозга,
Роса боплаб мушт кетди,
Қафтин тоблаб мушт кетди.

Тарозини бўш сурган,
Учдан бирини урган,
Акмал ҳам кўпни кўрган,
Қаллобларга мушт кетди,
Аммо бир мушт бўш кетди.

АЙТСАММИКАН ё АЙТМАСАМ

Ергинам ширин, дилбарлигини,
Сўзлари дуру, гавҳарлигини,
Мақтови катта дафтарлигини,
Айтсаммикин ё айтмасам.

Хонадонимга меҳрибонлигини,
Ери, дўстимга хушхандонлигини,
Меҳр, шафқатда чин инсонлигини,
Айтсаммикин ё айтмасам.

Ёр билан баҳтли, гўзал ошёним,
Бегубор тиниқ еру, осмоним,
Ергинам ўзи қўшиқ, достоним,
Айтсаммикин ё айтмасам.

Сизни юракдан яхши кўрганим,
Ақмал жони деб кўплаб юрганим,
Меҳрингиз билан завқда тўлганим,
Айтсаммикин ё айтмасам.

Ергинам ширин, дилбарлигини,
Сўзлари дуру, гавҳарлигини,
Мақтови катта дафтарлигини,
Айтсаммикин ё айтмасам.

Т У Р С А Н Г Ч И...

(Бир онанинг дангаса ўғлига айтганлари)

Үғилгинам, баҳор келди турсанг-чи,
Илғорлардек дала томон юрсанг-чи.
Хуррак отиб ухлайсан фафлатда,
Бу аҳволда албат ейсан шатта.
Мажлисларда кўкракка мушт урасан,
Пойдеворсиз уйни қандай қурасан?
Қандай анқов, қандай ялқовсан ахир,
Вақтинг кетгач, чиранишинг бир пақир.
Унутмагин ўтган йилги ҳолингни,
План тўлмай тортган оҳу зорингни.
Аввалида бўйин чўзиб мақтандинг,
Ховлиқишида ҳеч ким бўлмас сенга teng.
Сен дединг ўшанда «қотирворамиз»,
Колхозни пахтага ботирворамиз.
Сифатли экамиз, чигит чиқар соз,
Ишонинг, сўзимда зарра йўқ пардоз.
Яратдими мўл ҳосилга зўр имкон,
Камчилик, хатодан қолмайди нишон.
Бутун куч, техника бўлар далада,
Ҳеч ким қолмайди четлаб панада.
Бажарамиз қурултойнинг қарорин,
Ишлатамиз пахтага бисотда борин.
Урнатамиз далада қаттиқ интизом,
Машъаллар сингари чиқарамиз ном!»
Қани энди ўша айтган зўр ваъда?
Ҳозиргacha ҳамма ишинг палағда.
Ўнқир, чўнқир, текис эмас ерларинг,
Қайда қолди Омон полвон шерларинг.
Ўғит солиш эсингга ҳам келмайди,
Нега сенга ҳеч ким, ҳеч гап демайди.

Ариқларинг тўлган лою-балчиқقا,
Хатоларинг бир дафтар, нуқсонинг жиққа.
Техниканг тайёрмас, ҳайдаш, экишга,
Бегамлик тегди-ку роса ҳам жонга.
Вақт ғанимат, илфорлардан ўрнак ол,
Қараб турмай бор кучингни ишга сол!
Файрат кўрсат, маҳкам боғлаб белингни,
Хурсанд қилгин сен ҳам юрту элингни!
Биласан-ку келгуси йил катта тўй,
Совғангни тайёрла, бегамликни қўй.
Танқид, таъналарни тингла, сол қулоқ,
Ташаббус қайнасин мисоли булоқ.
Бригаданинг ҳамон, қара, орқада,
Ужарлик зиёндир ишингга жуда.
Саҳий баҳор келди гул ҳидин сочиб,
Кутиб олгин тезроқ қучогинг очиб.
«Оқ олтин»дан тоғ-тоғ бўлсин хирмонинг,
Хур меҳнатда ҳеч қолмасин армонинг.
Ўғилгинам, вақт ғанимат турсанг-чи,
Илфорлардек дала томон юрсанг-чи!
Ҳар нафасда босгин шердек илгари,
Жангда ғолиб қаҳрамонлар сингари.

О Т А Р Ч И Г А

Дайди отарчи номинг,
Йўқдир сира ороминг.
Сурбет, суюқоёқсан,
Қўними йўқ саёқсан.
Тутун чиқса бир жойдан,
Сакрайсан ариқ-сойдан.
«Дийдиё» ўқиб тўйда,
Хурофот, йиглоқ куйда.
Аврайсан худди тулки,
Ҳаммага бўлиб кулги.
Тонсанг анойи қўноқ,
Ётиб ейсан суқаноқ.
Ҳаддан ошган хирасан,
Қистирмаса, юласан.
Давраларда ҳайқирдинг,
Маст туждек бақирдинг.
Изғийсан кечакундуз,
Борми сенда ҳеч рост сўз?
Отар бўлса тайёрсан,
Қўй-чи, жуда айёрсан.
Санъат пул топиш эмас,
«Якан» деб чопиш эмас,
Уни зор этолмайсан,
Қалб торин черотлмайсан.
Унутма шуни зинҳор,
Қўшиқ севмаган ким бор?
Санъат дилнинг пайванди,
Ширин ҳаётнинг қанди.
Яхши ҳофиз, созандা,
Пулга бўлмас ҳеч банда,

Тўйга айтса бир ишчи,
Пок юракли хизматчи,
Бориб шод эт дўстларинг,
Сўрамай, «муллаџиринг».
Чақа эмас, олқиши ол!
Виждонингни ишга сол.
Қилсанг ҳалол, соғ меҳнат,
Элда топарсан иззат.

БИЛОЛМАЙ ҚОЛДИМ

Аввалида дўст деб қўлим ушлади,
Муруват кўрсатиб кўнглим хушлади.
Сал ўтмасдан қийшайтирди юзини,
На сабаб бўлганин билолмай қолдим.

Ёки ағёр отди туҳмат бошимга,
Аҳдин бузиб ёр келмади қошимга.
Уясиз қуш каби учди-ю кетди,
Қаерга қўнганин кўролмай қолдим.

Ушбу дамдир, бошқа дамни дам демас,
Кўринишда ҳеч нарсадан кам эмас.
«Лип» этиб яшиндек йўқолди кўздан,
Сири-асорорини сўролмай қолдим.

Кейин билсан, ўзга ёрни топибди,
Бизни ташлаб, бошқага сўз қотипти.
Афуски, фирибгар чиқди қўлимдан,
Вақт ўтди, дум патин юлолмай қолдим.

А И Р И Л Д И М

(«Ҳужум» пъесасидаги қаландар күйида)

Аё дўстлар, биродарлар,
Саман отимдан айрилдим.
Бузуқ кўпrik туфайли,
Бекафан отимдан айрилдим.
Ҳамиша нўхтасин узган,
Тепиб охурини бузган,
Чопишда ҳаммадан ўзган,
Саман отимдан айрилдим.
Самантинам саҳар вақти кишинарди,
Қўшга қўшсам, жаҳл билан тишларди.
Ўн кун боқиб, бир кун ишга чиқарсам,
Бошин чайқаб, тўрвасини тепарди.
Эй тулпорим, кимни тутсин уволинг,
Бузуқ кўпrik бўлди сенинг заволинг,
Саман отим ўлди-кетди тупроқлаб,
Акмал қолди юракларин доғлаб.

ЕР БҮЛСАНГ

Лочин каби қанот ёзгин, ёр бўлсанг,
Шармандасан бебурд, бекарор бўлсанг.

Тўти қушдек шоҳдан шоҳга қўнмагин,
Ўз бағрингни ранда билан йўнмагин.

Қўнгил берма асло бефарқ жононга,
Яқинлашма дили қаро, ёмонга.

Гўзал дема ой бўлса ҳам ул барно,
Ҳақиқий гўзалдир оқила, доно.

Ким парвона бўлса асл ёрига,
Тани яйраб, роҳат қиласар жонинга.

Акмал дейди, қанот ёзгин, ёр бўлсанг,
Шармандасан, бебурд, бекарор бўлсанг.

ЎЗИНГНИ БОС

(Бир эркакнинг жанжалкаш хотинига айтганлари)

Ёргинам, беҳудага
кўнгилни вайрон этма кўп,
Беҳаё сўзлар билан
ақлимни ҳайрон этма кўп!
Дод солиб, қувиб яна
кўчада сарсон этма кўп,
Алданиб ағёрларга,
менга бўхтон этма кўп!
Бос ўзингни, қайсарим,
шубҳангни достон этма кўп!
Бу касалга, эй пари,
қайдан бўлибсан мубтало!
Катта тўйлар қилғумиз
Дардингга гар топсан даво,
Жонга тегди эрта-ю кеч
Майда гап ҳам можаро.
Алданиб ағёрларга,
Менга бўхтон этма кўп,
Бос ўзингни, қайсарим,
шубҳангни достон этма кўп!
Эрка, тантиқ маҳвашим,
ёргинг хижолатдан чиқар!
Еру дўстнинг таънаси,
қайғу-маломатдан чиқар!
Сенга бўлган пок дилим
оқла, жароҳатдан чиқар,
Алданиб ағёрларга,
менга бўхтон этма кўш!
Бос ўзингни, қайсарим,
шубҳангни достон этма кўп!

ТАҚАСАЛТАНГ

Лойқа сувдан оқиб олдин хас келади,
Нокасларга эргашмаки паст келади.
Нодон ўғил топганига ичиб, қаранг,
Лойга ботиб ҳар кун уйга маст келади.

Уй қурилмас пўк ёғочнинг ходасига,
Ишонмангиз ёлғончининг ваъдасига.
Меҳнат севмас дайди, хира, ялқов ўғил
Қўли пахса, гап бермайди дадасига.

Қийимлари ола-була, қорин таранг,
Сўзлари ҳам аллақандай сохта «жаранг»,
Бу нусханинг асли номи такасалтанг,
Қулар уни масхаралаб ёшу-яланг.

Эл севади одобли фарзандини,
Ота сўзин оқлагувчи дилбандини.
Замонага чин вафодор йигит бўлинг,
Она севар оқ сут берган дилбандини.

БИР ИФВОГАРГА

(Дилдаги қўшиқ)

Жим туролмас иғвогар, бағрингни тилмагунча,
Қуруқ бўҳтон кайфини завқ ила сурмагунча.
Чил-чил қилиб юракни, қаҳ-қаҳлаб кулмагунча,
Жирканч иғво халтаси, бўҳтон-ла тўлмагунча,
Охирида бўлиб фош, шарманда бўлмагунча.

Иғвогарда бўлмайди, зарра номус, ор, виждон,
Таг-тугини сўрсангиз сурбет, суллоҳ, жигилдон.
Лаънат ўқир замона бундайларга ҳар қачон,
Жим туролмас иғвогар, бағрингни тилмагунча,
Қуруқ бўҳтон кайфини завқ ила сурмагунча.

Иўл қўймайди иғвога, Ватанимда адолат,
Иғвогарда бўлмайди зинҳор тинчлик, фарофат,
Акмал ростин айтади, иғвогардир касофат,
Жим туролмас иғвогар бағрингни тилмагунча,
Охирида бўлиб фош, шарманда бўлмагунча.

СЕВМАГАНГА СУЙҚАЛМАНГ

Уз ёри бор йигитга,
Асло хумори бўлманг.
Учиб ширин сўзига,
Ошигу зори бўлманг.
Чин юракдан севмаса,
Бирдан дилдори бўлманг.
Ташлаб кетар бир куни,
Инглаб овора бўлманг.
Севмаганга суйқалиб
Қўлда дутори бўлманг.
Қалбаки ошиқларнинг,
Курсин қуруқ ғавфоси,
Юракда қолар доғи —
Бошга тушса савдоси.
Ишқига ҳеч ишонманг,
Елғон ҳамма даъвоси.
Вафоси йўқ кишининг,
Беҳуда ёри бўлманг.
Севмаганга суйқаниб,
Қўлда дутори бўлманг.
Қалби тоза йигитга,
Майли, бўлинг парвона,
Эл олдида арзиди,
Унга бўлиш жонона.
Бирга қувноқ яшайсиз,
Меҳнат қилиб мардона,
Вафоси йўқ кишининг
Беҳуда ёри бўлманг,
Севмаганга суйқаниб,
Қўлда дутори бўлманг.

ШОВҚИН-СУРОНЛАР

Бир колхозда так-такатум ноғора,
Қулоқлар динг яллалардан боғ ора.
«Экиб бўлдик, қойил қилдик, дўндиридик,
Ғалабани гаҳ деб қўлга қўндиридик.
Биринчи сорт лўппи пахта терамиз,
Гектаридан қирқ центнер берамиз.
Энди базм, ишрат қурсак арзиди.
Қўкрак кериб, ғоздек юрсак арзийди...
Қизиб кетди майшату ўйинлар,
Пуч ёнғоқقا тўлдирилди қўйинлар.
Сўнг карталар қайта-қайта бузилди,
Чигит экиш резинкадек чўзилди.
Олатароқ нимжон ғўза ораси,
Энди нима бўлар бунинг чораси?..

Б Е З О Р М А Н

Безорман ароқхўр, суюқ улфатдан,
Вужуди қўланса қайғу-кулфатдан.
Мукка тушган кеча-кундуз ароққа,
Гап уқмас бундайин расво, шалоққа.
Мутлақо ишламас тайин бир жойда,
Маст-аласт думалар балчиқ ва лойда,
Шовқинидан қўни-қўшни тинимсиз,
Тунлари гўдаклар йиғлар уйқусиз.
Ҳамма чекар, бу бадмасдан изтироб,
Она бечоранинг жигари кабоб.
Ҳали вақт бор, ақлингни йиғ, ҳушёр бўл,
Ҳақиқий меҳрибон дўстларга ёр бўл.
Унутма, меҳнатдири дардинг давоси,
Бўлмаса хор қилар ароқ жафоси.
Безорман ароқхўр суюқ улфатдан,
Вужуди қўланса қайғу кулфатдан.

БЕГУБОР КУЛГИ

Кулги қадрин билингиз,
Завқә тўлсин дилингиз
Озод, хуррам замонда
Қаҳ-қаҳ уриб кулингиз.

Кулги дарднинг давоси,
Ёқимли хуш садоси,
Ором берар қалбларга,
Ҳамма кулги шайдоси.

Кулингиз дилдан ҳар чоқ,
Доим бўлинг хушчақчақ.
Севикли ҳур Ватанда
Кулгига очинг қучоқ.

Бахтдир кулги баҳш этмоқ
Инсон кўнглин ёритмоқ,
Ўнутманг шуни зинҳор
Кулги қанддан ширинроқ.

Кулгига кон, зўр ўлкам,
Ўзи чиройли, кўркам,
Кел, Акмал, кулишайлик,
Софлиқ бўлур мустаҳкам.

Кулги қадрин билингиз,
Завқә тўлсин дилингиз,
Озод, хуррам замонда
Қаҳ-қаҳ уриб кулингиз.

УЛКАМ БАЕТИ

Кўшиқ айтайлик	9
Октябрга шарафлар	10
Ушбу кун	11
Бахт ялласи	12
Ўзбекистоним	13
Хаёт завқи	14
Қаҳрамон бўлди	15
Таниш	16
Меҳр	17
Ўзбекистонга келинг	18
Қўшиғимда	19
Гулистоңлар аро	21
Турналар	22
Миллионлар овози	23
Улуғвор күплар қўшиғи	24
Ватан ишқи	26
Улкам баёти	28
Давримиз	29
Бўстонимга яраша	31
Чаманялла	32
Куйлайман	33
Кишилик бир боғ бўлса	34
Шонли партиям	35
Ленинни куйлайман	37
Муқаддас китоб	38
Улуг Октябрь	39
Даврон қўшиғи	40
Бўстон диёрим	41
Ватаним	43
Иллар	44
Армоним йўқ	45
Воднийларингда	46
Довруғинг	47
Москвам	48
Яхшилик	49
Қалб сўзи	50
Совет фарзанди	51
Омон бўл	52
Чароғон ўзбекистоним	53

Нур ўлкасига	54
Байроқдор	55
Ҳур диёрим	56
Бахтимиз	58

ЕШЛИК ҚҰШИГИ

Үргандим	59
Нон азиз	60
Ота насиҳати	61
Билим ол	62
Донолардан ўқиб	63
Отам	64
Муаллим	65
Ёш ишчи қызлар	66
Солдатларға	67
Ёшлик құшиги	68
Камтарлық билан	69
Йигитлар	70
Таҳсин сизга	71
Москва қызыларға	72
Кооператив	73
Комсомол марши	74
Ўзбекистон қыздари	75
Келинг	77
Текстилнинг қизиман	79
Мирзачұл полвонлари	80
Чүлкүвар йигит	82
Аёллар	83
Турсуной	85
Расул Ҳайдаров ҳақида құшиқ	86
Инобат	87
Хунарим	88
ТошДУ йигит-қыздары	89
Құттулғ бўлсин	91
Магазинчи қиз құшиги	92
Жиззах чўллари	94
Шофёрлар	95
Ўрмончилар құшиги	96
Тўй лапари	97
Қандай яхши	98
Тила қўй	99
Қалб садоси	100
Халқ фарзанди	101
Бирга куйлайлик	102

Капитан қиз қўшиғи	104
Сувчи йигитга	106
Ўзбекистон комсомолига	107
Ўйин лапари	110
ГАИ	111

ОЛТИН ҚҰЛЛИ ПАХТАКОРИМ

Меҳнат аҳли	113
Янги ер таронаси	114
Келдилар	115
Ургилай	116
Катта карвон қўшиғи	117
Озод диёргинг	118
Карвон келади	119
Равон бўлсин	120
Пахтакорим	121
Гулдаста	122
Шуҳратинг	123
Юлдузим	124
Қўкка етсин хирмонинг	125
Гул диёрим шуҳрати	126
Баракалла	127
Сувчиларга	128
Олтин далалар	130
Пахтазоримга келинг	131
Теримчилар термаси	132
Марказий Фарғонага	134
Пахтакорлар довруги	135
Тожикон	136
Тўй устига тўй бўлсин	138
Ойбўстон	139
Пахтакор Узбекистон	140
Давр термалари	142
Сирдарё қизи	143
Ўйнаб-кулинг	144
Ҷўпоним	145
Бизнинг қишлоқ	146
Қандингни ур пахтакорим	147
Ҳормангиз	149
Баҳор таронаси	150
Майдонга чиқ	152
Шодлик қўшиғи	153
Чинозим	154
Виждан амри	156

Баҳор келди	159
Оромимсан ўзгинанг	160

СЛОДАТЛИ ВАТАНДА

Дўстларим	161
Омонми?	162
Салом	163
Дўстлар жамоли	164
Саодатли Ватанда	165
Дўстлик таронаси	166
Олқиши	167
Меҳмоним	168
Поль Робсонга	169
Яхши ном	170
Нурафшон Тожикистансан	171
Нурчилар	174
Тошкентим метросида	175
Москва — Ханой	176

МУҲАББАТ ЎЛДУЗИ

Жондан азиз	178
Дил куйи	179
Муҳаббат ўлдузи	180
Парвонаман	181
Муҳаббатингдан	182
Қелмадинг	183
Айтайн	184
Деманг	185
Айтишув	186
Севганим-севган	187
Сизни кўргандан бери	188
Қарорим ўша-ўша	189
Гулчехра ёр	190
Мунча кўзинг қоп-қора?	191
Софиндим-ку	192
Кўнглима	193
Севмасмидинг	194
Жононим	195
Интизорман	196
Оташингда	197
Ўхшатдим	198
Қўйдирма ёр	199
Тозагул	200

Мехр-вафо	201
Учратдим	202
Кимга айтай	203
Кўзингдан	204
Мунча мени қийнамасанг	205
Пўқдири армоним	206
Ўйна	207
Ойгулим	209
Хуморман	210
Ёрга атаб	211
Лапар	212
Келин тушган оқшомда	213
Ёлғиз ўзинг севганим	214
Мунча лобар	215
Азизим	216
Қайдасан	217
Келдию кетгани йўқ	218
Гул юзли ёр	219
Тасаддуқман	220
Ёр яҳши	221
Ишқига иқрор	222
Бўлмас	223
Қизларга	224
Кўрган сари	225
Юзинг	226
Мен бир қизни учратдим	227
Анорхон	228
Ўзингга	229
Уи саккизда ёр ёши	230
Сени ўйлайман	231
Мақтайман	232
Сенга	233
Оромикон	234
Устина	235
Демадинг	236
Пок севги	237
Дилдорим	238
Соҳибжамолим	239
Санъаткор қизга	240
Қизларжон	241
Дуторим	242
Жигарбандим	243
Келур меҳмоним	244
Юмалаб-юмалаб	246
Ким керак?	247

Ишқ қитобин ким битган?	248
Учратмасин	249
Пахтазор шунқорига	250
Тасаддуқ	251
Кел	252
Ёр деганда	253
Ўзгинанг	254
Икки юрак	255
Баҳоримсан	256

БАХТИЕРЛАР ҚУШИГИ

Бизники	257
Раҳмат советлар ҳалқига	258
Фолиблар лапари	259
Давр таронаси	260
Ассалом	261
Янги йил қўшиғи	262
Мардларга	263
Ўзбекистон дарёси	264
Марғилон луччаги	265
Зарафшон	266
Бўстонлиқ	267
Фарғонам	268
Суҳ	269
Азиҳ Ватаним	270
Дуғорсан	271
Қалбим яйрайди	272
Гул ишқи	273
Қилпиллама	274
Озод Шарқнинг қўзиман	275
Саёҳатнома	276

ҲАЖВИЯ ОШНО МЕНГА

Қулоқ сол	281
Қаймоқ	282
Бевафо ёр алами	283
Тұхматчи бўлгай шармисор	284
Найлайн	285
Бормисан?	286
Аҳдингни бузма	288
Ҳазил қўшиқ	289
Айрилма	290

Гапирсанг-чи	291
Узгарган ёчки	292
Сен бўлмасанг ёнимда	294
Дангаса	296
Туҳмат ва Илон	297
Лаъли бадаҳшон	301
Дедим, деди	313
Соғувчи билан мудир лапари	305
Илгор хотин ва дангаса эр лапари	307
Бир қўпол мансабдорга	309
Унда севти на қиласин	310
Инғлоқи ошиқ	311
Мушт кетди	313
Айтсаммикан ё айтмасам	314
Турсанг-чи	315
Отарчига	317
Билолмай қолдим	319
Айрилдим	320
Ёр бўлсанг	321
Узингни бос	322
Такасалтанг	323
Бир иғвогарга	324
Севмаганга сўйкалманг	325
Шовқин-суронлар	326
Безорман	327
Бегубор кулги	328

На узбекском языке

АКМАЛ ПУЛАТ

Мои напевы

Стихи и песни

Редактор *T. Нороз*

Рассом *A. Бобров*

Расмлар редактори *И. Кириакиди*

Техн. редактор *E. Потапова*

Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 1285

Босмахонага берилди 02.05.80. Босилга рұксат этилди 12.11.80. Формати
70×108^{1/2}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартлы босма л.
12,25. Нашр л. 9,21 + 0,15 вкл. Тиражи 25000. Заказ № 313. Баҳоси 1 с. 10 т.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навий кўча-
си, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат
Комитетининг Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг
1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.